ISSN 0235—1277

ЁШ КУЧ

4/1989

БУ СОНДА:

В. И. Ленин: Табиат чексиздир ва чексиз мавжуддир

Нарх-наво: ундан кўнглимиз тўляптими?

Икки из оралиғида

Мирза Ариқ бўйларида (Қисса)

Хонанда—Рустам Ғойибов!

Кул тигин битигтоши

Навоийхонлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарғонадаги «Анор» совхозида жойлашган ўрта мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчи Мамазиё Исроилов математика дарсида.

Т. СТЕПАНОВА фотоси.



www.ziyouz.com kutubxonasi



В. И. ЛЕНИН: ТАБИАТ ЧЕКСИЗДИР ВА ЧЕКСИЗ МАВЖУДДИР

Ирландиялик машҳур адиб Жеймс Жойснинг «Финнеганнинг маъракаси» романида қизиқ бир лавҳа бор: асарнинг бош қаҳрамони — қаҳвахона хизматчиси Финнеган уйқусида алаҳсираб туш кўради. Тушида, унинг тепасида оқ чорлоқлар чарх уриб учиб юрганмиш ва қушлар дам-бадам «Мистер Финнеган учун уч кварк-уч кварк-уч кварк...» деган овоз чиқарганмиш.

Роман ёзилганига (у тугалланмаган) неча ўн йиллар бўлди, лекин кварк илм-фанда жумбоқлигича қолиб келмоқда.

Синчков журналхон «кварк» сўзининг асл маъзини билиш учун луғатларга мурожаат қилиши турган гап. Кейинги йилларда нашр этилган махсус луғатларда «у гипотетик зарра» деган изоҳни ўқиш мумкин. Ҳозир олимлар ўзаро кучли таъсирланувчи зарралар — янада «кичик» зарралардан, яъни заряди каср сонлар билан ифодаланадиган кварклардан ташкил топган ва уларнинг топиш қийин деган тахминни айтмоқдалар. Баъзилар кваркни дунё океанидан қидириш керак деса, бошқалар космик нурлар составидан топиш керак деган фикрни билдирмоқдалар. Кварк фаразига нима сабабдан қизиқиш катта? Бизнингча, биринчидан, кварк ҳозирча материянинг энг кичик «ғиштчаси» ролига даъвогарлик қилаётганлигидир, иккинчидан, мабодо кваркнинг ҳақиқатан мавжудлиги тажриба йўли билан аниқланса, мавжуд элементар зарраларни кварклардан ташкил этмоқ, ўз навбатида кварк ва антикварк йиғиндисидан мезонни ҳосил қилиб, шунингдек ушбу фараздан фойдаланиб элементар заррачаларнинг магнит моментини ҳисоблаш мумкин бўлади. Моддий олам ҳақидаги билимимиз кваркнинг мавжудлигига шубҳа туғдирмайди.

Фанда ҳам улкан революция ясаган В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарини ўқиганда бунга яна ва яна иқрор бўламиз.

Маълумки, XX аср бошларида фақат ижтимоий ҳаётдагина эмас, фанда ҳам, хусусан табиийёт илмида жуда йирик ўзгаришлар рўй берди. Бунга энг аввало атомнинг табиатан мураккаблигини билдирувчи кашфиётлар — электроннинг топилиши, Рентген нурларининг очилиши, радиоктивлик ҳодисаси ва унинг табиатини ифодаловчи назариясининг вужудга келиши, ёруғлик босимининг аниқланиши (шу пайтга қадар ёруғликни материя кўриниши эканлиги тан олинмасди), квант тушунчасининг пайдо бўлиши ва ниҳоят А. Эйнштейн номи билан боғлиқ нисбийлик назариясига доир ишларнинг босилиб чиқишини айтмоқ керак. Фандаги ушбу ютуқлар — «табиийётдаги энг янги революция»деб баҳоланди. Бундай баҳоланишга бир қанча сабаблар мавжуд эди: ушбу кашфиётлар энг аввало олам ва унинг тузилиш манзарасини ўзгартиради. Материяни тушунишда янги босқичга эришилди, унинг асосий мавжудлик шакллари: ҳаракат, макон ва вақт тўғрисидаги қарашларда маълум силжиш рўй берди, дунёнинг моддийлик принципи равшанлашди, билиш назарияси, ҳақиқатнинг объективлик масалалари, абсолют ва нисбий ҳақиқатлар диалектикаси, илмий билишнинг метод ва шакллари янги қарашлар билан бойиди. Бир сўз билан айтганда инсон тафаккурида буюк ўзгаришлар даври бошланган эди. Ушбу революцион ҳолатни ҳамма бирдек қаршилади, бирдек кутиб олди деб айтиш қийин. Баъзилар ривожланиш ҳақидаги чуқур, изчил таълимот — диалектикани билмасликлари орқали янги оқим — «физик» идеализмга қараб тойиб кетдилар. Табиийётнинг ютуқлари фаннинг ўзи диалектик тарзда ривожланишлиги, «нарсаларнинг «моҳияти» ёки «субстанция» ҳам нисбийдир, булар фақат инсон объектларни тобора чуқур билиб боришини кўрсатади ва чуқур билиб бориш кеча атомдан нарига, бугун электрон ва эфирдан нарига ўтмаган экан, диалектик материализм тараққий қилиб бораётган инсон илмининг табиатини билиш йўлида ўтган бу даврларнинг ҳаммаси мувақкат, нисбий, тахминий характерда» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-том, 311-бет) эканлигини кўрсатди.

Қисқаси, бу пайтга келиб, янги физика қатор масалаларни «уддалаши лозим» эканлиги тобора равшан бўлиб қолди. Физика эришган улкан кашфиётларни фақат диалектик материализм позициясида қаттиқ туриб таҳлил қилиш, ундан чиқадиган гносеологик ва методологик хулосаларни баён этиш мумкин эди. В. И. Ленин ушбу қийин, лекин шарафли вазифани муваффақиятли уддасидан чиқди. Шу билан бирга кўпгина аксилдиалектик фикр юргизган метафизик ва субъектив идеалистларнинг «материя йўқ бўлаётир», «атом материяликдан чиқаётир» деган фикрларига кескин қарши чиқди. Фанда рўй берган ушбу кризис ҳолатдан чиқиш йўлларини кўрсатиб берди. «Физиканинг ва шунингдек ҳозирги замондаги табиийётнинг материалистик асосий руҳи ҳамма ва ҳар қандай кризисларни енгади, лекин метафизик материализм ўрнини диалектик материализм албатта олганда енгади» деб ёзган эди В. И. Ленин.

Асримиз чегарасида рўй берган кашфиётлар туфайли материя ва унинг тузилиши, хоссалари тўғрисидаги қарашлар янги мазмун билан бойиди. Энг аввало В. И. Ленин материянинг фалсафий тушунчасини у ҳақдаги табиий-илмий таълимот билан аралаштириш мумкин эмаслигини қаттиқ уқтирди. Маълумки, фалсафага доир дарсликларда материянинг гносеологик категория эканлигини англатувчи инсон онгига боғлиқ бўлмаган, инсон сезгиларидан ташқаридаги объектив реалликни ифодаловчи категория сифатида таъриф берилади. Табиийёт илмига оид дарсликлар, қўлланмаларда материя деганда унинг бирор бир конкрет кўриниши: электрон, протон, эфир, атом, молекула, ирсият ва ҳоказолар тушунилади. Ўз-ўзидан равшанки бу икки тушунчани бир-бири билан аралаштириш мумкин эмас. В. И. Ленин ҳам таъкидлаганидек «материянинг бирор тарзда тузилиши ҳақидаги таълимотни, махистлар сингари, гносеологик категория билан аралаштириб юбориш, — материянинг янги турларининг (масалан, электронларнинг) янги хоссалари масаласини билиш назариясининг қадимги масаласи билан, билимимизнинг манбалари тўғрисидаги, объектив ҳақиқатнинг мавжудлиги ва шу кабилар ҳақидаги масала билан аралаштириб юбориш мутлақо ўринсиздир». Ҳақиқатда бу икки масалани аралаштириш материянинг фалсафий тушунчаси билан материянинг табиийёт илми тараққиёти натижасида қўлга киритган ютуғини аралаштириш эди. Аслида материя йўқ бўлиши мумкин эмас. Физиклар «материя йўқ бўлаётир» деганларида бундай демоқчи бўладилар: ҳозирга қадар табиийёт физик оламдаги ўз текширишлари натижасида қўлга киритган ютуқлари натижасида олам манзарасига маълум бир ҳисса қўшмоқдалар, аслида «материянинг биз ҳозирга қадар билган чегараси йўқ бўлаётир ва бизнинг билимимиз чуқурлаша бораётир демакдир; материянинг илгари мутлақ ўзгармас, азалий бўлиб кўринган хоссалари (сингдирмаслик, инерция, масса ва шу кабилар) йўқ бўлмоқда ва энди бу хоссаларнинг материянинг фақат айрим ҳолларигагина хос бўлган нисбий хоссалар эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки материянинг философик материализм эътироф қиладиган ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган бирдан-бир «хоссаси» унинг объектив реаллик бўлиш, онгимиздан ташқарида мавжуд бўлиш хоссасидир» (В. И. Ленин).

Бу ерда бир табиий савол туғилади: табиатшунослар, хусусан мутахассис-физиклар қилаолмаган ишни В. И. Ленин шу соҳада мутахассис эмаслигига қарамасдан қандай бажарди? Қисқа қилиб айтганда доҳиймиз В. И. Ленин тафаккурнинг энг илғор методи — материалистик диалектиканинг ўта билимдони, диалектик материализмнинг қонун-қоидаларини жуда чуқур билувчи ақл-заковат эгаси эди. В. И. Ленин мана шу материалистик диалектикага асосланиб, материянинг беполёнлиги тўғрисидаги буюк фаразни ҳам илгари сурган эди: «Атом сингари, электрон ҳам бениҳоядир, табиат чексиздир, аммо у чексиз мавжуддир».

В. И. Лениннинг фан тараққиётини олдиндан белгиловчи ушбу фикри ҳозирги замон фани, хусусан табиийёт илми ривожида «йўлчи юлдуз» вазифасини ўтамоқда.

Мақоламизни ҳозирча энг кичик зарра — кварк дан бошлаганимиз шунинг учун ҳам бежиз эмас. Зеро, фандаги янги ютуқлар фанда шу пайтгача ишлатилиб келган эски тушунчаларни йўқ қилмайди. Уларни диалектик инкор қилади, янги мазмун билан бойитади («атом», «элементар зарра» каби тушунчалар ўз луғавий маъносига мос келмаса ҳам, унинг фанда ишлатилаётганлигини бир эсланг-а?!)

Жеймс Жойсга оқчорлоқлар башорат қилган кварк — энг майда заррачаларнинг ҳозиргача 5 дан ортиқ кўриниши — «ранги» топилди, кварк «елими» аниқланди... В. И. Лениннинг илм-фан соҳасидаги инқилобий таълимоти ҳануз ўз қудратини намоён этмоқда.

Уткир ҲАЙДАРОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
ТошДУ доценти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁПИҚ

Одатда китобхонлар билан учрашувда зал тўлиб кетади. Бу сафар эса бошқача бўлди: дарсдан кейин тасодифан ушланиб қолган бир неча қиз — ўнинчи синф ўқувчиларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар мен келтирган «Молодая смена» журналини варақлашар, ўзлари истиқомат қилаётган шаҳарчанинг на киоскаларида, на кутубхоналарида бу журнал топилмаслигидан нолишар, эстрада пирларининг фотосурати рангли эмас, балки оқ-қора тасвирда берилиши хунук чиқаётганидан шикоят қилишарди... Йўқ, эстрада — бу асосий нарса эмаслигини, албатта, тушунишарди.

— Келинг, асосий масалалар ҳақида гаплашамиз! Қанақа муаммолар бор, нималар кўпроқ ташвишга соляпти?

Қизлар бир-бирларига қараб қўйишди: айтаверамизми? Мана, ҳаяжон билан шошапиша кўнгилдаги гапларни айтишяпти. Ўқитувчилар билан ҳамфикрлик мутлақо йўқ. Танбеҳ бериш, изза қилиш, камситиш бўлса, марҳамат, бу мураббийлар қўлидан келади, одамга ўхшаб гаплашишни, юрагига қўл солишни, ўқувчида шахсни ҳис этишни эса улар ё билишмайди, ё исташмайди.

— Барибир, жудаям бўрттириб юбормадингларми, қизлар? Синфдошларингиз гапингизни маъқуллашига ишонасизларми?

— Албатта! — бараварига жавоб беришди қизлар.

Орадан бир ой ўтказиб яна шу мактабга келдим. Маъмуриятнинг ўша шубҳасига дош бериб, ахийри 9 «Б» билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Бироқ аввалдан тайёрлаб қўйилган саволлар сергак сукут деворига бориб урилларди холос. Тўққизинчи синф ўқувчилари бир-бирларига қарашади, кимдир ёнидагини туртиб шивирлайди: «Айтамизми, а? Ҳув анави... эсингдами?» Кейин эса унча баланд бўлмаса ҳам баралла овоз эшитилди:

— Сарсон қилиб тинкани қуритишади.

...Улар нималар ҳақида сукут сақлашяпти? Бор гапни айтишга юраги дов бериб, кейин «ҳисобдан чиқиб қолиш»дан ҳайиқиб бўлса ҳам яширинчи нимани айтишни афзал кўришаётганийкин?

Кўп нарсалар ҳақида. Эҳтиросларни қайнабтошиб, ғазабдан ўзни тийган ихтилофли вазиятлар ҳақида ҳам, таажжуб ва алам ҳиссиёти қоладиган ихтилофсиз вазиятлар ҳақида ҳам. Бизни ким деб ўйлашяпти — нима, биз боғча болаларимизми?! Ҳа, майли, кескин тарбиявий чоралардан кўра буниси ҳарҳолда яхши.

Келинг, конкрет гаплашайлик. 9 «Б» севимли физикадан (бир пайтлари кўпчиликни чўчитган) дарс берадиган севимли ўқитувчи Игорь Васильевич Каролькови мактабдан «кетказишганда» қанчалик шовқин солгани ва ён босмагани ҳақида сукут сақларди. Доска ёнида турган Крольниковга фақат аъзолачиларгина эмас, балки бошқа дарсларда бошларини эгиб ўтирадиган такасалтанглар ҳам мухлис кўзлари билан боқишарди. Лекин ўзим кўрмаган педагогнинг шахсияти ҳақида, унинг мактабдан кетиш сабаби тўғрисида бир нарса деёлмайман. Кейинги воқеалар эса бир хил маънода хулоса чиқариш учун изн беради. Физикадан янги келган аёл ўқитувчи педагогик таъсир этишнинг такомиллашган методларини излаш билан ўзини қийнаб ўтирмади. «Бизнинг ўқитувчимиз бошқача тушунтирарди», деган гапни эшитиб «Унутинглар уни!» деб бақирди жаҳл билан. Кейин қаторлаштириб «икки»ни қўйиб ташлади. Таъсирчан восита. Арзон ва зардали. Синф раҳбари Фаина Сергеевна Милованова шикоят қилиб келган болаларни жеркиб ташлади: «Айб ўзларингда, тилларинг узун!»

Улар кўзларини яшириб, гапиришга шошилишмади. Педагогларнинг шахсий мойиллиги кўпинча ортиқ даражада холис бўлавермайди. Агар, айтайлик, синф раҳбари ўзининг арзандалари ҳақида хушомад билан эркалатиб гапиришига, бошқалар билан эса жиддий ва бетакаллуф муносабатда бўлишига бардош берилса, ўша физика ўқитувчисининг мўмин-қобил Диля Абдуллаевадан нимани исташи, нега мунтазам мазах қилиши, Дилянинг оила аъзоларини сабабсиз тилга олишига мутлақо тушуниб бўлмасди.

— Акам Москвада ўқиса ёмонми? Дадам ўзимизнинг пединститутда дарс бериши уятли бўлса? — зўрға кўз ёшларини тийиб шу ҳақда ҳайрон бўлиб сўрайди қизча дарсдан кейин қолиб. — Нега бу билан таъна қилади?

Ўқитувчи қилаётган даъвони тушуниш чиндан ҳам осон эмас, аммо вазиятни ойдинлаштиришнинг иложи бўлмади: гап бораётган Майя Григорьевна Белоусова бу пайтда Тошкентда эди. Малакасини оширмоқда эди.

...Ҳаққоний учун собиқ курашчилар сукут сақлашарди — Дилянинг ёнини олмоқчи бўлишди-ю, лекин муваффақиятсиз чиқди, — бахти қаро физкультура дарси, аниқроғи калта, тор иштон хусусида ҳам. Физкультура ўқитувчиси мутлақо бадниятлик қилмай, аллақандай гигиена мулоҳазаларига кўра, аммо этикани ҳечам ўйламай қизчаларни шу иштонда шуғулланишга мажбур қилди. Қизчалар кўзга ёш олиб майдончага чиқишди, ғазабланган оналар мактабга ҳам келишди — натижа нима бўлди денг: ҳаммаси эскича қолаверди.

— Калта иштон — бу, арзимаган гап! — ўз тарбияланувчиларига деди норози оҳангда Фаина Сергеевна. — Ҳозир бизда ошкоралик ва демократия, сизлар бўлсангиз майдачуйда гапларни кўтариб юрибсиз, уят!

Қизчалар мамлакат Олий Советига эмас, балки унинг ўзига шикоят қилишганди. Афтидан, бу нарса буюк дадиллик сифатида қараб чиқилган. Ўқитувчилар билан оралиқ масофа сақланмаган.

...Менинг суҳбатдошларим уларда, шонли ишларнинг эртанги давомчиларида гражданлик ўз-ўзини тушуниш сифатларини қандай тарбиялаётганликлари хусусида одоб сақлаб, индашмади. Кунларнинг бирида синфдан ташқари ишлар бўйича завуч Зинаида Николаевна Дидо анкетанинг қуйидаги саволларига жавоб беришни таклиф қилганда айрим ўртоқлар оғизларини очиб қолишди: «Ахлоқ нима?» Кейин яна «Коммунистик ахлоқни қандай тушуниш мумкин?» Кимдир шоша-пиша жамиятшунослик китобини варақлашга тушди. Ҳамманинг довдираб қолганини кўриб Зинаида Николаевна бироз юмшади: «Майли, ўзим айтақолай. Ахлоқ — бу, совет кишилари яшаб, меҳнат қиладиган қоидалар мажмуаси».

Тўққизинчи синф ўқувчилари ҳусниҳат билан машғул бўлишди. Чунки давоми тушунтириб берилмади, кўпчилик эса коммунистик ахлоқ — бу, фақат КПСС аъзолари учун қоидалар мажмуаси деб, ёзишди...

Қоғозларни йиғиштириб олишди. 9 «Б» нега бу иш қилингани сабабини ҳали ҳам билмайди. Мен ҳам аниқлай олмадим. Зинаида Николаевна бу пайтда Тошкентда эди. Малакасини оширмоқда эди.

Дарсдан кейин Фаина Сергеевна билан суҳбатлашамиз.

— Сизнинг-ча, қандай, болалар ахлоқ ҳақида, одоб хусусида тўғри тасаввурга эгами?

— Албатта! Улар жудаям яхши, ҳаммаси худди туғишганларимдек! Ҳеч ҳандай тартиб-интизомни бузишмайди!

— Бузмаймиз! — кейинчалик тасдиқлашади «яхши» ва «туғишган» ўқувчилар. Ва

ДАРС

шу ондаёқ эслаб қолишади... Ўша туғишгандек бўлиб қолганлардан икки қизча Октябрь байрами куни синфдошиникига боришди — таклиф қилгандан кейин нега бормас экан? Уй бекасига салом бериб уйга киришди, торт еб ширин сув ичишди, музика тинглаб карта ўйнашди (ай-яй-яй!) Пешиндан кейин соат тўртларда тинчгина уйга кетишди. Бир кундан кейин эса бутун синф олдида эшитганлари уларни довдиратиб қўйди:

— Айрим қизларимиз разиллик қилишибди! Буюк байрамимизнинг порлоқ санаси куни ичкилик ичишни ва болалар даврасида бўлишни ихтиёр этишибди!

— Ойи, — деди оққўнгил Эльвира кечқурун уйда, — агар мени ичади дейишса, илтимос, ҳушингиздан кетиб қолманг.

Иккаласи кулиб юборишди. Бироқ кейинчалик кекса авлоднинг кўнгли ғаш бўлди: «Нега сизларда бунақа бўляпти? Мен ахир сенга ишонаман-ку...»

— Биз болалар билан тўла ҳамфикрмиз! — ҳиссиётга берилиб деди Фаина Сергеевна. Кейин Ильин ёки Амонашвили айтиши мумкин бўлган жумлани қўшимча қилди: — Биз шахсни ихтилофдан асраймиз. — Шу ондаёқ синчиклаб эҳтиёткорона сўради: — Нега сиз буларни суриштирясиз?

Хрестоматик ифода — яхши ва зарур иш. Бироқ буларни билмай туриб ҳам одоб ва ахлоқ хусусида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Билиб туриб, аммо «бирор кор-ҳол бўлмасин» принципига амал қилиб ахлоқни оддий мунофиқликка алмаштириб қўйгандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин, майда-чуйда ва ҳис-туйғуга кўпроқ эътибор бериб юборилмаяптими? Ахир ўқувчининг асосий меҳнати — бу, ўқиш!

9 «Б» мағрурлик билан сукут сақларди. Яна бир марта «суҳбатга тортиш»га уриниб кўраман.

— Ўзларингизнинг асосий вазифангиз нимадан иборат, деб ўйлайсиз?

— Ў-қ-и-ш, — носоз чўзилиб жавоб берди ҳаммаси — меҳнаткаш аълочилар ҳам, ҳалол яхшичилар ҳам, «ўқиган — олим» деган сўзга унчалик ишонмайдиган инсофи сал борлар ҳам. Биринчи партада ўтирган камтарин қизча эса шивирлаб қўшимча қилди:

— Бизда факультативлар ҳам бор. Масалан, физикадан...

— Олий ўқув юртига ўқишга кирадиганлар учунми?

— Йўғ-е. Баҳони тўғрилаш учун. Агар, масалан «уч» ўрнига «тўрт»ни истаб қолсанг — қатнашишга тўғри келади.

— Яна тарихдан факультатив бор, — қўшимча қилди ёнидаги қизча. — Ўтилганларни такрорлаймиз. Ахир, имтиҳон...

Факультатив фанни чуқур ўзлаштиришни кўзда тутишни, лекин қуруқ ёдлаб олиш ва баҳо учун қатнашишга мўлжалланмагани ҳар қандай ўқувчига маълум. Нима, лекин шу оддий ҳақиқатни такрорлайми? Такрорлаганимга ачиндим. Кимдир орқароқдан ланж бир луқма ташлади: «Бизда нима айб?»

Қойил-е, мана буни карахтлик деса бўлади? Ошкоралик, демократия, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши қаерда қолди? Ахир бу ажойиб сўзлар мактаб фойесида осилган стендда йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган-ку! Балки бекорга қилинмагандир?

— Ўз-ўзини бошқаришми? Бир йил аввал шунга ўхшаш бир нима бўлганда, — деди исм-фамилиясини айтишни истамаган йигитча орқа ўриндан. — Бир кун ўйлаб, кейин ҳаммасини унутиб юбордик.

— Ўз-ўзини бошқаришми? Зарурий нарса! — Фаина Сергеевна оналарча жилмайиб қўйди. — Ўқувчилар мактабда навбатчилик қилишганда югур-югур кам бўлади. Дарс пайтида ўқитувчиларни алмаштириш тажрибаси масаласига келсак — мен буни тез-тез такрорламаган бўлардим.

Бунинг учун ҳаяжонланишга ўрин йўқ. Ҳатто энг серзавқ оптимист ҳам йилига бир марта ўтказиладиган ўз-ўзини бошқариш кунини тез-тез деб ҳисобламайди.

Оппонентларнинг эътироз билдиришини сезиб турибман: яна ҳаддан ошиш! Шахс ўлчовли демократия бўйича планлаштирилган тадбирлар ва ҳар қандай факультатив машғулотларимиз ҳам шахс бўлиши мумкин. Мактаб педагоги билан самимий муносабатсиз ҳам шахс шаклланади — лекин анчагина чиқим билан, таққослаб бўлмайдиган катта қийинчиликлар билан. Бунга архангельслик Михаил Ломоносовни эслаш, анча бериги даврдан мисол келтириш мумкин. Менинг рўпарамда ўтирганлар фақат ўртача ўқувчилар эмасди. 9 «Б»да учта Саша — Карпов, Бузин, Сухоручкин ва Лена Саидова Москва Давлат Университети ҳузуридаги сиртқи физика-математика мактабида ўқишади. (Айтгандек, бундан уч йил аввал «Лобачевский геометрияси ва Эйнштейннинг нисбийлик назарияси» темасида доклад қилган Карповни педагоглар ҳам, овози дўриллаб қолган юқори синф ўқувчилари ҳам олқишлашганди. «Вой, болакай-е», деб ҳайратда қолишганди). Таниқли бахшилар ижодини қалбдан севган Зина Дедловская билан Шматкова гитара чалишни ўрганишяпти. Жанна Камишникова цирк коллективида дурустгина шуғулланяпти, Сергей Станкевич билан Сандро Андрианов спортга ихлос қўйишган... Шахсият! Айрим ачинарли вазиятларнинг ва айрим ўқитувчилар билан муносабатларнинг мураккаблашганининг бунга даҳли йўқ!

Ишларни ким амалга оширади — ҳақиқатнинг кўпликда бўлишини гўдакликдан ўзлаштириб олганларми? Биттаси, масалан, синф соатларида «Яшаш — Она-Ватанга хизмат қилиш», «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», «Коллективизм ҳақида»ги мавзуларда доклад учун, бошқаси бурчак-бурчакда шивир-шивир учун. Чунки синф раҳбари шунчаки мавзуларни рад этади: Нима кераги бор, дегандик. «Рок-музика — наҳотки ёмон бўлса? Висоцкийнинг ижоди, унинг шахсияти наҳотки кўпчилик ўртасида суҳбат ўтказишга мавзу бўлолмаса? Бунга ўхшаш таклифлар кескин равишда рад этилди: нима ҳожати бор?

— Висоцкий хусусидами? Менга ҳеч ким таклиф қилгани йўқ, — ҳайрон бўлиб деди Фаина Сергеевна. Енида ўқувчилар йўқ — кўзимга тик боқяпти.

...Порлоқ эртанги кунимизни ким яратади — мактаб маъмуриятининг нуқтаи назарида катталарнинг иштирокисиз мухбир билан суҳбатлашиб оғир гуноҳга ботган мана шу қизчаларми? Дастлабки бир кунлик командировкамда мактабда завуч бор эди.

— Завучни биласизми?! — жаҳл билан деди менга Нина Александровна Грушевская. — Сиз бўлсангиз ўзингизни таништирмадингиз! Умуман олганда, коллективни безовта қилишнинг ҳожати йўқ!

Жадвалдан ташқари дарслар. Алдамлик ва чапдастлик дарси: тадқиқотчилар саволлар билан мактабга келишгандек, болаларни: «Эсларингда бўлсин, жавобларингиз жамиятшунослик ва ахлоқ бўйича баҳо қўйилишда, характеристика ёзишда ҳисобга олинади», деб оҳангдор қилиб огоҳлантириб қўйишди. Шундай қилиб, тўғри, яъни программалаштирилган жавоб баҳоингни оширади. Ўқитувчининг боласига юқори балл шундоғам берилишини ўзинг биласан, сенга эса, агар ортиқ даражада вайсақи бўлсанг — ҳушингга келтириб қўйишади, тилингни тийсанг — яшаш анча енгиллашганини ҳис этасан.

Бунақа дарсларни бу ерда очиқ ўтказиш одат тусига кирмаган. Мухбир билан суҳбатлашишга юраги дов берган қизларга ҳам маънодор қилиб тушунтириб қўйишди: «Сизлар мактаб шарафига доғ туширдинглар!»

Саволни айтиб туриб ёздирдим: «Мактаб шарафи» нима, уни ҳимоя қилиш керакмикан?» Кейин жавобларни ўқиб сесканиб кетдим. Нимадан? Мажбуран мияга қуйилган юксак тушунчани ўзларича тушунишаркан. Натижаси — гўлларча фикр юритиш. «Мактабимизда фахрланса арзийдиган нарса бор. Бизда Афғонистонда ҳалок бўлган болалар ўқишган», «Битирувчиларнинг кўпи олий ўқув юртларига ўқишга киришяпти», «Яхши ўзлаштиришга эришиш, турли тадбирларда қатнашиш — мактаб шарафидир. Битирувчилар университетга ўқишга кирмоқдалар. Афғонистонда хизмат қилмоқдалар». Ўқувчилар кўникиб кетилганидек катта ёшдаги ўртоқлари бемаъни хунрезликда ҳалок бўлганларидан, аҳмоқона бир ишнинг қурбони бўлганларидан фахрланишади. Ахлоқий норасталик тўлиб-тошиб ётган грамматик хатолардан кўплиги кишини даҳшатга солади. Афғонистон. Афғонистон... Йигирма учта жавобдан атиги иккитаси сал эътиборга сазовор: «Мактаб шарафини ҳимоя қилиш — бу, Афғонда ҳалок бўлган собиқ ўқувчиларимиз ҳақидаги хотирани сақлаш, демакдир», фарқини сезяпсизми? Аччиқ эътирофли иккинчи жавоб: Мактаб шарафи бу, истаганларича айлантираверадиган дудмал тушунчадир.

...Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси Виктор Александрович Мамедов билан суҳбатлашиш учун иккинчи қаватга чиқдим. Педагогик маълумотга эга бўлмаган, навбатдаги ҳарбий-спорт ўйинларига тайёргарлик, ҳарбий шаҳарчани барпо этиш, кечаларда навбатчилик қилиш, малакани ошириш курсларида мунтазам ўқиш билан ниҳоятда толиққан ҳарбий раҳбар Мамедовни болалар ҳаддан ташқари ҳурмат қилишади. Бирорта дарс бўлмай қолдими, дарров унинг кабинетига юракдан суҳбатлашгани югуришади. Мен ҳам юракдан гаплашмоқчи бўлдим-у, иложини қилолмадим. Директор Грушевская ёши ва мавқеини унутган ҳолда зўрға нафас олиб ортимдан югурди:

— Қаёққа кетяпсиз? Сизга нима керак? Нега менсиз боряпсиз? Сизда шаҳар халқ таълими бўлимининг мактабда бўлишингизга расмий рухсати борми?

...Тегишли диплом ва иш стажига эга бўлган ўқитувчи билан уни таққослаш суҳбатдош учун жудаям ноқулай бўларкан. Мамедов ҳамкасблари билан ёш авлодни тарбиялаш хусусида гап кетса, сукут сақлашни афзал кўради, кўпинча эса бунақа мунозараларда қатнашмайди: ўқитувчилар хонасига киришга вақти йўқ. Танаффусга қўнғироқ чалиниши билан эшикнинг олди юқори синф ўқувчиларига тўлиб кетади. Нима ҳақда юракдан гаплашишаркин? Мавзу кўп. Кўпинча турли-туман қирралари бўлган ҳаёт ҳақида суҳбатлашишади. Демак, «таъқиқланган» мавзу йўқми? Қанақасига таъқиқ бўлсин, ахир вояга етиб қолган одамлар-ку!

— Жудаям таъқиқлайверишди, болалардан четлаб қолишди, — куюниб деди Виктор Александрович. — Ахир ҳаётни шулар барпо этишади. Буни ким ўргатиши керак?

Дарҳақиқат ахлоқ дарсида, оилавий муносабатлар психологияси дарсида ҳеч нарсага қизиқмай ўтирган мана бу болаларни ким ҳаётга ўргатади? Улар ҳаммага маълум манбалардан кўчириб олинган севги ҳақидаги ибораларни лоқайд овоз билан ўқишади:

— Ҳаёт — гул, севги унинг асали, — деб ўқийди олтин бошли Бузин ва ҳеч қандай ҳис-эҳтироссиз қўшимча қилади: — Ҳаёт гўзал, севги ундан ҳам гўзал.

Кимдир ўтирган жойидан луқма ташлайди: «Муҳаббат меҳнатга намоён бўлиши лозим».

...Синф раҳбари дастлаб учрашганимизда ўз тарбиячиларининг ҳақиқий граждан бўлиб етишишлари орзусида эканини айтди. Ўзича тафаккур этмай туриб мамлакатнинг ҳақиқий эгаси бўлиш мумкин эмас — демак, фикрлаш, ўз эътиқодини ҳимоя этиш қобилиятини болаларда ривожлантириш керак. Ким ривожлантиради? Биринчи навбатда, албатта, педагоглар!

...Ҳозир мактабда қанақанги эҳтиросларавжига чиқаётганини гапиришнинг ҳожати бормикан? Қоғозлар оқими ва асоссиз янгиликлар билан қийнаб юборилган ўқитувчилар болаларга «яхшироқ қараб туриш»ни ота-оналарга маслаҳат беришади. Оталар ва оналар эса бараварига: «Сизлар нима қилиб ўтирибсизлар? Мана, маошингизни ҳам оширишди!» деб ўзларидан даф этадилар. Халқ таълими комитетининг доно раҳбарияти янги мактабни эски кадрлар билан барпо этишга тўғри келаётганини тан олишяпти, ўқувчилар эса ақлли гапларга қулоқ солмай норозилик билдиришгани билдиришган... Мактаб муаммоларининг ажойиб билағони, оташин публицист Симон Соловейчик ўзининг «Доимий қувонч» сарлавҳали китобида: «Улар (ўқувчилар) тақдир ўзларига яхши ўқитувчи ато этмагани учун зиён кўрмасликлари лозим», деб одилона ёзган. Аммо «яхшимас ўқитувчи»лар қаторига тушганлар ҳам одам. Кўпинча яхши одам, ўз ҳаётларини катта қисмини ва саломатликларини мактабга бахшида этган одамлар нима бўлади?

...Қайси ҳақиқат учун ўзларини жавобгар этишларини қунт билан ўйлаётган қизлар... сукут сақлаган болалар... Мамлакатнинг бўлажак эгалари. Бекорга танбеҳ эшитаверадиганлар.

Директорнинг, завучнинг, синф раҳбарининг жаҳлдор қиёфаси ҳамон кўз олдимдан кетмайди! Бу сафар мухбир билан гаплашишга кимнинг юраги дов берди?

Б. ГЕРШГОРИН,
Ангрен шаҳри, 20-мактаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Р. И. ХАСБУЛАТОВ, профессор.

ОЛДИНДА ОЛДИНДА ЧОҒГАН АРАВА

Нарх-наво. Ундан кўнглимиз тўляптими? Ўртача яшашимиз неча сўмданга тушади? Миллий даромад — у нима ўзи?

Сизларга бир нечта саволим бор.

Биринчиси нарх-наво ҳақида. Янаям тўғрироғи яқинда ўтказиладиган нарх-наво ислоҳоти хусусида. Иқтисодчиларнинг ёзганларини ўқисанг шу нарса аён бўладики, мамлакатимиз бўйича миллиард сўмлаб пул омонат дафтарчаларида бекор туриб қолаётган эмиш. Ва яна айтишадики, савдо молларига белгиланадиган баҳо кўтарилмас экан, бу пуллар ортиқча юк бўлиб турaверармиш. Бундан шу нарса маълум бўлдики, биз юксак даражада таъминланган эканмиз-ки, ҳатто ўз жамғармамизни ҳам нимага сарфлашни билмаймиз! Лекин мен нимагадир ўз танишларим орасида бунақа кишиларни кўрмаяпман. Айниқса ёшлар орасида.

Бошқа бир қатор иқтисодчилар баҳонинг кўтарилиши тарафдори эмас, шунчаки унинг «реализми»ни тан олишаётганга ўхшайди. Бир килограмм гўшт етиштириш 6—7 сўмга тушадими, бас, унинг баҳоси ҳам шунча бўлсин. Акс ҳолда уни етиштиришдан фойда йўқ. Гўшт бозорда шундоқ ҳам қиммат, аммо бундан гўшт кўпайиб қолаётгани йўқ. Ва яна бир нарса: нега унинг таннархи бунча юқори?

Ёш мутахассис одам ҳозиргидақа нарх-наво ва маош шароитида ўз оиласини боқа оладими, бу гап ақлга сиғадими? Студент-чи? Ахир ёшлар яхши кийингиси, яхши еб-ичгиси келади...

Лекин гап бунда ҳам эмас. Ҳозир корхоналар хўжалик ҳисобига ўтяпти. Демак, маҳсулотнинг таннархи пасайиб, меҳнат унумдорлиги ошмоғи керак. Шундай экан, нега айни шу пайтда нарх-наво ё кўтариляпти, ё аввалги ҳолича қоляпти. Асло пасайган эмас.

Маълум бўладики, хўжалик механизми ўзича, баҳо механизми ўзича «ҳаракатланаётган» экан-да. Аслида улар ҳамоҳанг айланиши керак, шекилли.

Виктор К-в, студент,
Новосибирск шаҳри

Шу пайтгача фақат тахмин қилиб келган нарсаларимизнинг кўпини ошкоралик юзага чиқарди. Кўнгилга нохуш ботадиган камчиликлар кўп экан. Шулардан бири — мисол учун — нарх-наво бизда ҳам ошиб бораётганини билиб олдик. Ҳатто «зарур эҳтиёж» молларининг нархи ҳам тез-тез кўтарилиб турибди.

Бу нарсаларнинг ҳаммасини биз илгари ҳам сезиб турардик. Чўнтакдаги пулнинг баракаси тез йўқоларди. Бугун эса аниқ биламиз. Улгуржи баҳо, чакана баҳо умуман, ҳамма турдаги баҳони ислоҳ қилиш планлари ҳақида биламиз. Олдимизда шу тадбир билан боғлиқ жуда долзарб масалалар пайдо бўляпти. Шундоқ ҳам юксак даражада бўлмаган турмушимизда бундай қадам қандай оқибатларга олиб келади? Биз «Истеъмол қурилмаси» деб атайдиган бинода қандай ўзгаришлар юз беради? Аҳоли гуруҳларининг кўпчилигининг даромадлари шундоқ ҳам ҳаддан ташқари паст. Уларнинг аҳволи нима бўлади?

Маълумки, студентлар, билим юртларининг ўқувчилари ҳам шундай гуруҳга мансуб. Бундан ташқари бошловчи инженер ва ишчиларни ҳам ҳеч қачон «бадавлат табақа» деб бўлмайди. Баъзан улар бошқа шаҳарда яшаб, ўз оилаларидан, катталардан иқтисодий ёрдам ололмай қоладилар. Натижада энг оддий эҳтиёжларни ҳам қондиролмай қоладиган аҳволга тушадилар. Бугун ва яқин келажакда уларнинг ҳоли не кечади?

Шу масаланинг айрим томонлари ҳақида мухбиримиз иқтисод фанлари доктори, Москва халқ хўжалиги институти чет эл давлатлари иқтисоди кафедрасининг мудири, профессор **Р. И. ХАСБУЛАТОВ** билан суҳбатлашди.

— Бизнинг ҳар биримиз ўзимизча дейлик, бир ой давомида яшашимиз учун қанча пул керак бўлишини тахминан бўлса-да биламиз. Аммо бизнинг жамиятимиз учун бу пулнинг ўртача қанчадан тушиши, ким ўзини бой, ким ўзини камбағал деб ҳисоблаши — бизга булар шу пайтгача номаълум бўлиб келяпти. Гарчи амалда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида «қашшоқлик даражаси» аниқлаб чиқилган эса-да, бизда статистика, иқтисод фани бу ҳақда сукут сақлашмоқда. Руслан Имранович, бизда нормал ҳаёт кечириш учун ойига қанчадан даромад қилиш керак!

— Бу мураккаб масала. Ҳар бир инсоннинг ўз талаблари, ўз эҳтиёжлари бор. Дейлик кимдир беморлиги туфайли тинимсиз дори-дармон сотиб олишга мажбур, кимдир алоҳида ноз-неъматларни истеъмол қилишга эҳтиёж сезади. Ҳаётий вазиятлар турли хил экан, сарф-харажатлар ҳам турлича бўлиб қолаверади. Лекин, албатта, қандайдир аниқ чегара бўлиши керак. Масалан, Давлат Меҳнат комитети менга маълум бўлишича, ҳар бир одамга 70—80 сўм зарур деб ҳисоблайди. Бошқа давлат ташкилотларининг ҳам ҳисоб-китоблари мавжуд. Уларга мувофиқ юқоридаги миқдор 90 сўмни ташкил этиши лозим. Мен эса кун кўриш учун ҳар бир одамга пул ойига 150 сўмдан кам бўлмаслиги зарур, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, бизда бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган, биз уни жуда кам, жудаям хўжакўрсинга ўрганамиз. Мен ўзимнинг мақолаларимда айнан ана шу — 150 сўмли ҳаёт кечириш даражасининг минимумига қараб бориш зарурлиги хусусида ёзганимда, бу нарса марказдаги молиявий-иқтисодий идораларда қаттиқ норозиликка сабаб бўлди. Лекин савол туғилади, нима учун? Одамлар ўзларининг ёмон яшаётганликларини «билмасликлари» учунми?

Шу ўринда Марксниг сўзларини эсга олсак, ишонаманки, адашмаган бўламиз. У шундай деганди, сиёсат билан шуғулланишдан олдин одам учун энг аввало озиқ-овқат, бошпана керак, у яшаши учун зарур шароитларга эга бўлиши лозим.

Зарур шароитлар деганда фақат ойлик маошни оширишнигина тушунмаслик керак. Бу дегани шундан иборатки, сизнинг савдодан, ишлаб чиқаришдан қўлга киритилган ҳар бир сўмингиз запас — моллар билан, маҳсулот-товарлар билан таъминланиши зарур. Ҳозирги кунда одамларнинг омонат дафтарчаларида 280 миллиард сўмдан кўпроқ пул ётибди. Бизнинг бугунги турмуш шароитимизда шунча... Уларни нимага сарфлашни билишмайди, тўғрироғи сарфлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Вазиятдан қутилишнинг йўли сифатида нарх-навони оширишни таклиф қилишяпти. Лекин бу нарса камёблик ва етишмовчилик муаммосини қандай ҳал қилади? Бу ҳам етмаганидек компенсация тарзида кўзда тутилаётган тўлов дефицитни фақат кучайтиради, холос. Чунки бозорга товарлар ортилмаган улкан пул карвони кириб келади, тамом. Агарда янги хўжалик механизми бор куч билан ишлаб кетмаса, баҳо ислоҳоти ўз-ўзича бирор яхшилик келтириши даргумон.

Бу масаланинг иқтисодий томони. Бундан ташқари унинг сиёсий ва мафкуравий томонлари ҳам бор. Мен шуни таъкидламоқчиманки, ислоҳот биринчи навбатда ёшларга тааллуқли. Чунки иқтисодий жиҳатдан олганда улар энг кам таъминланган аҳоли гуруҳига киради. Сиёсий, мафкуравий жиҳатдан эса улар кўпинча ҳали шаклланиб улгурмаган, дунёқараши, дунёни тушуниши ўзгарувчан кишилардир.

— Яхши, аммо унда Давлат нарх-наво комитети томонидан илгари сурилаётган ғоялар қанақа? Наҳотки бу гапларни у ердагилар тушунишмаётган бўлса! Ёки тушунишни истамаяптими!

— Менинг назаримда бу ерда гап шундаки, бизда нарх-наво тартибига нисбатан шаклланган концепция, муносабат ўз-ўзидан нотўғридир. Афсуски, нарх-наво бўйича Давлат комитети ўзини Молия министрлигининг стратегик бир қисми деб билади ва шунга қараб фикр юритади. Энди ўйлаб кўринг, Молия министрлигининг вазифаси нимадан иборат? Фиравнлар замонидан бошлаб хазина пул тўплаш ва йиғишдан манфаатдор бўлиб келган. Қанақа воситалар орқали, қандай тадбирлар эвазига — булар муҳиммас. Энг ёмони шундаки, биздаги нарх-наво бўйича Давлат комитети ҳам ўз вазифасини шундай тасаввур қилади.

О, бизда нотабиий, нормал бўлмаган вазият ташкилий жиҳатдан ҳам шаклланиб, илдиз отиб кетган. Маълумки, ҳаммамиз учун ойлик маош Давлат Меҳнат комитети томонидан белгиланади. Лекин, марҳамат қилиб айтинг-чи, агар у менинг меҳнат фаолиятимни конкрет баҳолашдан келиб чиқмаса, буни қандай қила олади? Нарх-наво бўйича Давлат комитети бу баҳони реаллаштиради... Чунки у мен ишлаб чиқарган маҳсулотнинг баҳосини белгилайди. Бошни қотирадиган, турган-битгани нотайин бир ҳолат. Бундан қутулиш йўли жуда осон: Иложи борича тезроқ идоравийликни, жумладан сизу бизнинг меҳнатимизни баҳолашга қаратилган идоравий муносабатни тугатиш керак.

— Замонавий мезонлар бўйича бизнинг турмуш даражамиз, бундайроқ қилиб айтганда, унчалик юқори эмас. Сизнинг назарингизда ёш киши, дейлик, 14 ёш билан 20 ёш оралиғидаги одам қаерда, ижтимоий-иқтисодий поғоналарнинг қайси босқичида туради!

— Даромадлар нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак охиридан иккинчи бир поғонада туради деб ўйлайман. Бугунги кунда ҳар қандай ёш одам ўзида иқтисодий етишмовчиликларни очиқ-ойдин ҳис қилиб турибди. У қоидага биноан қиз болани энг кўримсиз кафега таклиф қилишга ҳам қодир эмас. Ўз пулига урф бўлган шимни ҳам олиб киёлмайди. У ота-онасига тамоман қарам. Ва худди шу ҳолат, мен бунга ишонаман, биз зўр бериб гўё фақат ёшлардагина бўладиган, уларга қон билан ўтган деб нисбат берадиган салбий ҳолатларни вужудга келтиради.

Биз бу масалада хато қиляпмиз, мен шундай деб ўйлайман. Оқибатни сабаб деб кўрсатиш жуда осон. Ёшларнинг меҳнат шароитлари ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш энг аввало бизнинг вазифамиз эди. Узлуксиз ва яхши тўланадиган маош шароитида ишлаш ҳақида бош қотиришимиз лозим эди. Ҳозир бу нарсани ҳеч қаерда шунчаки амалга оширишнинг иложи йўқ.

Қолаверса, жамиятнинг бор иқтисодий тарихи шуни кўрсатадики, ҳаётда ўз ўрнини тушунувчи, мақсади бор одамлар 12—13 ёшидан бошлаб, маълум маънода моддий жиҳатдан мустақил бўлиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари керак. Инсон ўзини моддий жиҳатдан мустақил ҳисоблаши, бу ахир жуда ҳам муҳим нарса. Жамият ахлоқий, маиший соғлиғининг шарти шундадир. Бу умуман эркинликнинг энг муҳим формаларидан биридир. Ва шунақанги ишларни тезда жорий этиш, ривожлантириш даркор.

Мен асло бойлик орқасидан қувиш, қандай йўл билан бўлмасин пул тўплаш ҳақида гапираётганим йўқ. Йўқ, албатта! Лекин ишонаманки, ёш одам ўзининг шахсий ақчасига ва уни ишлаб топиш имкониятига эга бўлиши керак. Уни шундай имкониятдан маҳрум этиш билан биз ижтимоий адолатни бузамиз. Бу ҳам етмагандай ўз мамлакатимиз, ўз миллатимизни заифлаштирамиз.

Йигирма йил олдин, ҳали ёш йигит эканлигимда биринчи марта чет элда, Данияда бўлдим. Ва шуни билдимки, миллионерларнинг болалари, бизнинг нуқтаи назардан қараганда, энг паст ишларни бажаришаркан. Улар сув ташишади, кафе ва қаҳвахоналарда стаканларни ювишади, супиришади. Мен уларни қанақа эҳтиёж бу хил юмушларни бажаришга мажбур қиляпти, деб сўрагандим ўшанда. Менинг саволимга жиддий қиёфадаги бир киши, миллионер жавоб берди: **«Сиз ҳали ёшсиз, аммо вақти келиб тушуниб қоласиз. Болалар тарбиясидаги энг муҳим нарса шуки, нима бўлса ҳам улар ишлашсин. Ишнинг қанақалиги муҳим эмас. Уларнинг меҳнат қилишга ўрганганги муҳим. Мен уларга истаганча пул беришим мумкин. Лекин юм меҳнатни қадрлашни билмаса, меҳнат қилишни ва ишлаб пул топишни ўрганмаса, у одам эмас...»** Тасаввур қилиб кўринг, бу марксча тезисни менга сочидан тирноғигача капиталист бўлган одам айтди-я! Ва у мутлақо ҳақ эди. Биз бўлсак ҳозиргача масаланинг барча муҳим томонларини ошкора қадрлай олмай турибмиз. В. И. Ленин 20-йилларнинг бошларида ишлашга ўрганишни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблаганини бир эсланг. Ўша пайтдаёқ бизга билим олиб келсин деб, меҳнат маданиятини ўрганиб қайтсин деб мутахассисларни Олмон ўлкасига ва Қўшма Штатларга жўнатган эди. Биздаги бугунги аҳвол ёмонлиги жиҳатдан ўша йиллардагидан кам эмас. Ўйлаб кўринг-а, Япония бизни ўнта энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, жумладан миллий даромад бўйича қувиб ўтди. Бу ҳалиям маҳсулотлар сифатини ҳисобга олмаганимизда. Сифатни ҳам ҳисобга олинг. Хомашё ва энергия ташвиши материалларни ҳисобга олмасак, унда бизнинг жаҳон бозорига чиқарадиган экспортимиз Жанубий Корея экспортининг фақат ярмигагина тенгдир...

Қисқаси, меҳнат қилиш ва ишлаб пул топишга ўрганиш бизнинг бурчимиз. Бунинг учун эса ёшларда ҳамма шароит етарли бўлмоғи керак. Улар, ўша шароитлар бўлсагина биздаги нарх-наво билан боғлиқ муносабатлар ҳам соғлом ва нормал тус олади.

— Руслан Имранович, сизларнинг ёшлик йилларингизда сизда ва сиз қатори тенгдошларингизда мустақил равишда ишлаб пул топиш истаги ва имкониятлари бормиди?

— Ҳа, албатта, ишлаб пул топгимиз келарди. Мен ишлаб топганман ҳам. Менинг онам кексайиб қолганди, акам бўлса аспирантурада ўқирди. Мен учун кун кўришнинг қандайдир қўшимча манбалари йўқ эди. Мен аълога ўқисамда, биз жуда оз стипендия олардик. Шунинг учун, шубҳасиз, биз ишлаб пул топардик. Аммо қандай қилиб? Яширинча. Чунки биз ишлаш ҳуқуқига эга эмасдик. Шунинг учун биз Курск вокзалига борардик ва цемент, шакар ортилган вагонлардан юк туширардик. Мен шакар солинган 104 килограммли қопларни елкамда кўтарардим. Эрталаб эса лекцияга борардик. Қолаверса мен ҳамиша комсомол фаолларидан бўлганман, кейинчалик Москва дорилфунуни комсомол қўмитасининг озод қилинган котиби ҳам бўлганман.

— Сизларда, студентларда бирор нарсага зориқиш, етишмовчилик бўлганми?

— Тўғрисини айтганда, бизнинг эҳтиёжимиз бугунгига нисбатан анча камтарроқ эди. Ва шунинг учун озгина ишлаб топган пулимиз билан бемалол яшасак бўларди. Айтганча, нонни ўзимизнинг емакхонамиздан текинга олардик. Қайғуриб ўтирмасдик. Ёшликка хос хусусиятлардан бири ҳар қалай келажакка ишонч-ку. Лекин, албатта, қандайдир юксакроқ турмуш даражасига эришиш учун кўп нарса етишмай турарди. Чет элдан бизга ўқиш учун келган болалар ўзлари билан магнитофонлар ва урфда бўлган бошқа нарсаларни, ёшлар ичида қизиқиш уйғотган буюмларни олиб келишарди. Лекин биз бу ҳақда ўйламас эдик ҳам. Бу биз учун қўл етмас баландликдаги нарсалар эди. Биз айниқса шу нарсадан қийналардик. Мен яхши биламан, лекин ҳамма вақт номукаммаллик туйғуси, қандайдир шикасталик туйғуси пайдо бўлиб турарди: нега энди улар, жин урсин бу нарсага эришади-ю, биз эса йўқ?! Нима учун бу нарса уларда арзон, топиш осон, бизда эса — ҳеч қачон?! Мен бу ҳақда аввал ёзгандим — бизда 100 сўм турадиган жинси шимлар уларда бор-йўғи 5—10 долларга сотилади. Ахир бундай қилиш мумкин эмас! Бу нарса ҳеч бир ахлоққа, ҳеч бир одобга, айниқса социалистик одобга тўғри келмайди. Бунақа ҳодисаларни кўриб турганингдан кейин биз анча замонавийроқ, келажаги анча порлоқ жамият эканимизни қандай исбот қилиб бўлади? Давлатнинг ўз ахлоқи бўлиши керак. Ҳар хил идораларда ўтирган ўртоқлар эса миллий ахлоқ нуқтаи назаридан фикр юритишни истамайдилар. Улар корпоратив ахлоқ, идоравий ахлоқ позициясидан туриб фикр юритяптилар.

— Биласизми, мен яқинда нуфузли бир иқтисодий кенгашда қатнашдим. У ерда айнан нарх-наво масаласи муҳокама қилинди. Энди тасаввур қилинг, нарх-наво бўйича республика комитетларнинг раисларидан бири сўзга чиқиб шундай дейди: нарх-наво ошириш ишига тайёргарлик борасида биз анча ишларни амалга оширдик, янги прейскурантларни нашр қилиш учун қоғоз ва босмахонани тайёрлаб қўйдик, энди ҳамма гап сизларда, иқтисодчиларда қолди, сизлар бизга назарий йўналиш беринглар. Ана сизга нарх-наво соҳасидаги сиёсат. Отлардан олдин арава кетиб боряпти.

— Мутлақо тўғри. Номаъқулчилик! Афсуски, шунақаси ҳам тез-тез бўлиб турибди. Биласизми, шундай бўладики, иқтисодчилар у ёки бу масала бўйича тавсия ва таклифларини тайёрлаб, Давлат План комитетига, Молия министрлигига юборишади. Кейин ҳужжат идоралар бағридан сўнгги кўринишда, тайёр деган муҳр билан чиқади, унда иқтисодчилар киритган таклифлардан деярли ҳеч нарса йўқ, вергуллардан бирортаси ҳам қолмаган. Аммо олимлар ишлаб чиқишди, тайёрлашди дейилади...

Менга бугун шундай фикрни амалда бажариш ниҳоят муҳим туюлади. Биз хоҳлаймизми, йўқми, аммо ҳозир бутун дунёда истеъмол маданияти нуқтаи назаридан ўзига хос «бир тартибдаги модель» вужудга келди. Айниқса ёшлар учун. Москваликлар учунми, вашингтонликлар учунми — буниси муҳиммас. Транспорт, сервис, уй-жой, кийим-кечак, маиший-турмуш шароитлари, вақтни ўтказиш — ҳаммаси шунга киради. Ва биз бу моделни реал мазмун билан тўлдиришимиз керак. Ишқилиб ёш москвалик ўсмир ҳам ёш парижлик эга бўлган нарсаларни олиш имкониятига эга бўлсин. Ишқилиб бизнинг йигит ва қизларимиз ўзларининг чет эллик тенгқурларига суқи келиб қарамасинлар. Ахир кундалик ҳаётдаги суқланувчи — бу бузилган характер, бузилган одам, ижтимоий суқатой эса-бу бузилган, айниган миллий характер.

Биз бўлсак буни ҳисобга олмаймиз. Биз газеталарда, телевидениеларда ёшлар у-бу нарсаларга эга бўлишни истагани учун койий бошлаймиз. Лекин ахлоқий-иқтисодий қадриятларнинг пасайиши бизни заррача бўлсин ташвишлантирмайди. Биз ёш йигитга қараб: ишладингми — ол, демаймиз. Ва шунинг учун бўлса керак, менинг назаримда: ахлоқий бузилишлар, бирор бир мамлакат билан тенглаштириб бўлмайдиган катта миқёсдаги порахўрликлар мавжуд. Чунки кишилар бир бало қилиб кун кўриш имкониятини берадиган ишнинг ўзини эмас, ишламасдан пул топиш имкониятини берадиган шарт-шароитни қадрлашади. Ва бу ниҳоят катта, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган зарардир. Улар-чи, капиталистлар, шунақа мувозанат ўлчовларини яратишганки, уларда меҳнат қадрланади. Сен ишласанггина яшайсан, ишламасанг йўқ. Биз бўлсак, бу принципни қўллашни хаёлга ҳам келтирмаймиз, бунинг ўрнига тарбия беришни давом эттирамиз. Рок-н-роллга ўйнама, музикани тинглама... Ёшлар ҳам биздан йироқлашиб боряпти, улар бизга ишонмайди. Бизларни иккиюзламачилар, алдамчилар деб ҳисоблайди. Ва тўғри қилади! Улар ёш, навқирон, ҳар куни магазинга боришади ва ҳаммасини ўз кўзлари билан кўришади. Улар менга шундай дейди: **«Профессор, нима бу, сиз бизга социализмнинг афзаллиги ҳақида гапиряпсиз, мана бизнинг институтимизда фин студенти таълим олади ва у юртида ҳамма нарсани бизники билан мутлақо тенглаштириб бўлмайдиган баҳода сотиб олади. У ҳамма нарсани сотиб олишга қодир, ўзини тўлиқ таъминлашга қурби етади».**

Умуман, бизда асосан нима қаттиқ сир тутилишни биласизми?..

— Нима бўларди, ҳарбий сирлар, номенклатурада турувчи мутахассисларнинг маоши учун сарфланадиган маблағлар...

— Йўқ, адашяпсиз. Маркс ўзининг асосий асарларини ёзган маҳалда капиталист ишчи ишлаб чиқарган қийматнинг 30—40 фоизини унинг ўзига иш ҳақи сифатида тўларди. Маркс, яратилган қийматнинг 50—60 фоизи иш ҳақи тарзида тўлансагина бу капиталистик жамият учун идеал ҳодиса бўлади, деб ҳисобларди. Тасаввур қилиб кўринг-а, бугунги кунда швед ишчиси асосий қийматнинг 80 фоизини маош тариқасида олмоқда! Бизда-чи, сиз биласизми, қанча?..

— Ўн-ўн икки...

— Менинг ҳисоб-китобим бўйича — 8 фоиз. Агар чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрилса, бу нима деган гап ахир?

— Кейин ўша ишчига ёки унинг оиласига миллий даромаднинг неча фоизи қўшимча тарзида ажратилмасин — мен бепул таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларни назарда тутяпман — у барибир бир нарсага ишониб қолади: қанча ўлиб-тирилиб ишласаям, ишламасаям кам ҳақ олади. Нари борса ёмон ишлайдиган одамдан озгина кўпроқ олади, холос.

— Бу томони ҳам бор. Аммо у ишлаб топган пулнинг жуда катта қисми бюрократияни боқишга кетади. Бюрократия аниқ қилиб тайинлаб қўйилган маошга эга, шунинг учун у тақсимотнинг ҳозирги мавжуд системасини ўзгартиришни ўла қолса ҳам истамайди. Гарчи баъзи бировлар, ҳатто энг юқори лавозимдаги кишилар ҳам бизда қайта қуришга қарши кучлар йўқ, деб эътироф этишаётган бўлсалар-да, мен уларни ноҳақ деб ҳисоблайман. Улар ёки ростдан ҳам адашишмоқда, ёки атайлаб бошқаларни чалғитишаяпти. Қаршилик бор. Бўлганда ҳам жуда кучли қаршилик. Биз бу омилни ҳисобга олишимиз зарур. Қарамақаршиликлар, курашсиз ҳеч қачон инқилоб бўлмайди. Буни рад этиш марксизмнинг алифбесини ҳам билмасликдан далолат беради, холос. Ёки қарамақаршиликлар кураши, манфаатлар тўқнашуви йўқ экан, демак, бу инқилоб эмас, тамом. Биз бўлсак бизда ҳақиқий инқилоб кетяпти, деб ҳисоблаймиз. Айтайлик, атиги бир неча йил олдин бизда пул-товар муносабатлари ҳақида янгичасига сўз юритилиши мумкинлигини ҳатто тасаввур қилишнинг иложи йўқ эди. Турғунлик даврида социализмнинг асосий қонуни деб ҳисобланган қоидага шубҳа билдирганимни яхши эслайман. Ўшанда партком аъзоси бўлганим учунгина омон қолганман. Агар мен ўшанда ҳовлиқиб фақат социализмнинг асосий қонунигагина эмас, ҳозирги тушунчадаги негадир ҳануз социализмнинг иқтисодий қонунлари деб келинаётган қонунларга ҳам шубҳа билдирганимда борми? Уларнинг муаллифи ким, дерсиз. Биз Марксда ва Энгельсда қандай қонунлар борлигини биламиз. Аммо социализм иқтисодий қонунларининг муаллифи ким? Уларни ким ва қачон ишлаб чиққан? Қани , у билан баҳслашиб кўрайлик. Уларнинг муаллифи ўртоқ Сталин-ку.

— Руслан Имронович, ишонинг, кўпгина фидойи олимлар ва кенг жамоатчиликнинг қаршилигига қарамасдан нарх-наво бўйича Далат комитети ўз сўзини ўтказиши ҳар қалай эҳтимолдан ҳоли эмас. Айниқса, улгуржи ва харид баҳога келганда. Шундай бўлгач, буёғи гўдакка ҳам маълум, чакана баҳо ҳам ўз-ўзидан ўсиб кетади. Энди, бу ҳол ёшларга, уларнинг турмуш даражасига, уларнинг талабларини қондиришга қандай таъсир қилади?

— Биласизми, гапнинг индаллоси сифатида мен нима деган бўлардим. Редакцияга хат йўллаган ўқувчи нарх-наво механизми зарурлигини мутлақо тўғри таъкидлаган. Ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар бирданиги бозорда ҳам намоён бўлиши учун шундай механизм лозим. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардаги фойданинг тенглиги бу ишлаб чиқариш қонуни эканлигини Маркс аллақачон кўрсатиб берган эди. Мабодо харидорларнинг манфаатларига зиён етказилса, бу нарса шу заҳотиёқ келадиган фойдага таъсир қилади.

Лекин бизда бу қонунга амал қилинмайди, чунки бизнинг харидоримиз танлаб сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум. Нима ва қандай баҳода керак бўлишини амалдорлар ўзларича, сиз билан биздан сўраб ўтирмасдан ҳал қилишаверади. Биз бўлсак, кўнглимиз тусаган нарсаларни эмас, магазинда борини сотиб олишга мажбурмиз.

Баъзилар ҳозир ишни шундай тасаввур қилишадики, гўёки мен баҳонинг мутлақ стабиллашувини талаб қилаётгандек бўлиб қоламан. Ва шунинг учун мени консерваторлар сирасига қўшиб қўйишса ҳам ажаб эмас. Лекин бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Албатта, нарх-наво ошиши мумкин. Аммо қандай қилиб ошади?

Ўтган йилнинг ёзида Қўшма Штатларда қаттиқ қурғоқчилик бўлди. Қишлоқ хўжалик майдонларининг салкам ярми табиий офат жойлари деб эълон қилинди. Бирданига газеталарда хабарлар пайдо бўла бошлади: прогнозларга кўра офат туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи 2—4 фоиз кўтарилиши мумкин. Тасаввур қилинг, бор-йўғи 2—4 фоизгина. Бу нимадан далолат беради. Бу шундан далолат берадики, нарх-наво оқилона, умумий стабиллик доирасидагина ошиши мумкин экан.[1]

Қисқаси, кенг халқ оммасининг, айниқса, ёшларнинг аҳволи ёмонлашуви кўриниб турибди. Шусиз ҳам қадрсизланган сўм янаям кўпроқ ишончни йўқотади. Демак, бундай сўм учун ишлашга одамларда ҳафсала ҳам камайиб боради. Қисқаси, калаванинг учини йўқотиб қўямиз: ёмон ишлаймиз, чунки маош пулига борган сари камроқ нарса сотиб олиш мумкин бўлиб қолади, чунки борган сари ёмон ишлаймиз-да.

Ниҳоят ўз фикримни қайтариб айтаман, биз нарх-наво оширишдек муҳим қадамни босар эканмиз, ҳеч қачон унинг сиёсий ва мафкуравий оқибатлари ҳақида унутмаслигимиз керак. Биз нон учун берилган хрушчевча карточкаларни эслашимиз лозим. Ва ниҳоят, қанд учун навбатда турганларнинг узунданузун қатори бўйлаб эшитилаётган норозилик садоларини ҳам эсда тутишимиз шарт!

«ПАРУС» журнали 11-сонидан (1988 й.) таржима.

---

[1]. Газеталарнинг хабар беришларича, қаттиқ қурғоқчилик АҚШда нарх-навонинг кескин кўтарилишига олиб келмаганлигига яна шу нарса сабаб бўлдики, мамлакатда аввалги йиллар ҳосилларидан жуда катта дон запаслари тўпланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мардикорлик айб эмас...

Одамлар тирикчилик важидан бозорга мардикорликка чиқадилар. Мардикор бозори ҳамма шаҳарларда, йирик қишлоқларда бор. Баъзи катта қишлоқларда одамлар бекор қолдими узоқ қишлоқларга мардикорчиликка кетиб қоладилар. Негаки, катта қишлоқларда ҳам ишсизлар, ярим ишсизлар бор. Мардикор бўлиб ишлашни таъқиқлаб бўлмаса керак, лекин уни тартибга солиш мумкин. Мардикорчилик қачон йўқотилади? Вақти келиб қайта қуриш тўла амалга ошса, аҳолининг қуйи табақасида муҳтожлик қолмаса, тенглик қарор топса мардикорчилик ўз-ўзидан йўқолиб, мардикор деган сўз луғатдан тушиб қолади. Журналнинг 10-сонида «Бизга ким ёрдам беради?» деган хатни ёзган ўқувчи қизнинг доктор бўлиш орзусига раҳминг келади. Онам 45 ёшда-ю, лекин 60 ёшга кирганга ўхшайди деб нола қилади у. Онаси тирикчилик қийинчилигидан, етишмовчиликдан эрта қариган бўлса керак.

Мени бир нарса кўп ўйлантиради. Жамиятимизда нопок кишиларни айниқса, нопок раҳбарларни кўп кўрганман. Бухоро обкоми Каримов ва унинг икки ҳамтовоғи 12 миллион сўмлик бойлик тўплабди. Ҳолбуки, республикамизда 40 сўм пенсия билан кун кечирадиган қариялар озми?!

12 миллион сўмни шундай муҳтожларга бўлиб берилса оилалардаги етишмовчилик туфайли келиб чиқадиган қанча жанжаллар бартараф бўлиб кетарди. Инсонлик қиёфасини йўқотганларни халқ душмани сифатида отишга ҳукм қилиш керак эди. «Бизга ким ёрдам беради?» деб нола қиладиган муҳтож одамларга махсус хайрия фонди ёрдам берса яхши бўларди. Бундай фондни мусодара қилинган бойликлар ҳисобига тўлдириш керак. «Башаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама» деган мақол бор халқда. Ҳамонки мардикор бозори бор экан, биз ундан ўпкаламаслигимиз керак. Балки...

Эшназар РЎЗИБОЕВ,
пенсионер, Тожикистон ССР, Ленинобод область, Ўратепа район «Москва» совхози.

Кўзбўямачилик!

Совхозимизда ташкил этилган «Мактабларо ишлаб чиқариш комбинати»да 9 ва 10-синф ўқувчилари бориб ўқишади. Улар тракторчилик, сут соғувчилик, бичиш-тикишни ўрганишади. Ана шуларнинг ичида тракторчилик ихтисоси бўйича ўқувчиларимиз ўзлари истамаган ҳолда, ўқитувчиларнинг қистови билан мажбуран ўқишмоқда.

Тракторчилик ҳаётда ўқувчиларимиз учун керак бўлмайди. Буларнинг ўрнига мактабнинг ўзида ўқувчилар ўз танлаган соҳаларига оид бир фан машғулотларини ўрганишса яхши эмасми?..

Хайрулла ПАРДАЕВ,
Қашқадарё области, Ғузор районидаги 26-мактаб ўқувчиси.

Ариза

Ҳурматли «Еш куч»! Биз ушбу аризани жудаям қийналганимиздан, руҳий хўрланганимиздан ёзяпмиз. Бировга шикоят қилишга йигит киши, айниқса биздай Афғонистонда хизмат қилганлар ор қилса керак. Лекин, матбуотда Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб келган интернационал жангчиларга ғамхўрлик қилиш керак, деган гапларни кўп ўқиганмиз. Бизларнинг арзимизни эса ҳеч ким эътиборга олмаяпти.

1988 йили бўлимимизда касбимиз бўйича универсал трактор олиб ишладик. Бригадамиз пахта планини ортиғи билан — 150 фоиз қилиб бажарди. Минг афсуски совхозимиз раҳбарлари ҳам бюрократчиликда, ошнаоғайнигарчиликда планларни юз эллик фоиз бажаришади. Одатда культивациячиларга культивация ишлари тамом бўлгандан кейин пахта терадиган машина берилади. Бироқ биз бир неча марта совхоз директорига, кейинроқ ёз охирида райкомга ариза ёзиб ҳам ёрдам кутдик. Пахта терими тугади ҳамки, бизларга иш тегмади, аризамизга ҳеч ким қулоқ солмади.

Пахта машиналари сизларга берилмай кимларга берилади дерсиз? Машинада терилган бир тонна пахтага 10—15 сўм пул тўланганлиги учун бўлим бошлиғию, механик оғайнилари машинани илиб кетишди. Бизларга бошқа иш ҳам берилмай, ҳозир ҳам бекор юрибмиз. Августдан бери ишсиз юрганимиз майли-я, лоақал ремонт учун тракторларимизни беринг, деб учрашсак ҳам совхоз директори арзимизни текширмади.

Илтимос «Еш куч» редакцияси, келиб бизга ёрдам беринг.

Умар СОДИҚОВ,
Нурмуҳаммад БЎРИЕВ,
Қашқадарё область, Чироқчи районидаги Ворошилов совхози

Шиорга амал қилайлик!

Мен бу хатни ёзишдан аввал жуда кўп ўйландим. Ёзганимда бирон нарса ўзгарадими ё фойда чиқармикин деб. Бу ҳақда қизлар билан тортишиб қолганимда айрим дугоналарим бундан бирон фойда чиқмайди дейишди.

Нима учун қишлоққа болалар учун театр ёки кино мутлақо олиб келинмайди?

Нима учун биздаги ягона клубга 3-4 ойда бир марта кино келадими-йўқми, бу ҳам гумон? Буям бўлса катталар учун. Таътил кунлари ҳар куни телевизорларимиз, газета, журналларимиз «Ҳамма нарса болалар учун» (кино, театр, парк) дея шовқин солади. Ўртоқлар, ошкоралик даврида лоақал рост гапиришни (иш қилмасак ҳам) ўрганиб олайлик. Яъни, шиоримизни тўғри ифодалайлик. «Ҳамма нарса шаҳар болалари учун» деб атайлик.

Матлуба НОРБОЕВА,
Сирдарё область,
Зомин районидаги Ленинград совхози

Айбимиз нима?..

Биз 22-ўрта ҳунар техника билим юртининг 141 группа, III-курсида ўқиймиз. Редакцияга арзимиз бор. Биз ҳалигача кийимкечакларимизни тўлиқ олганимиз йўқ. Билим юртимизда дарслар тўлиқ ўтилмайди. Спорт майдончалари йўқ. Стипендиямиздан ойига кассир ҳар бир ўқувчидан бир сўмдан олиб қўяди. Ўқитувчилар, айниқса ишлаб чиқариш мастерлари бизларга жуда қўпол муомала қилишади. Мисол учун ишлаб чиқариш мастери Шербеков ўқувчиларни уради, сўкиб ҳақоратлайди. Бўлар-бўлмас ишлар буюради. Биз бу аҳволда ўқишга жуда қийналаяпмиз. Илтимос, бизларга ёрдам беринглар, деб группа ўқувчилари номидан Шуҳрат АБДУҲАМИДОВ.

Самарқанд область, Самарқанд райони.

Редакция ушбу шикоят юзасидан Самарқанд область халқ маорифи раҳбарларидан жавоб кутади.

Ишсиз депутатман...

Салом ҳурматли редакция!

Мен Хайитой Дўстқобилова Қашқадарё область, Деҳқонобод районидаги «Қизил Байроқ» қишлоғида яшайман. Сизларга хат ёзишдан мақсадим, мен Деҳқонобод совхозида икки йил сут соғувчи бўлиб ишладим. Ишимни жуда севар эдим, мени совхоз ва район раҳбарлари район советига депутат этиб тайинлашди.

Депутат сифатида қишлоғимизда боғча очиб бериш наказа берилган эди. Бироқ, ферма мудиримиз бизни сўроқсиз ишдан ҳайдаб юбориб, ўрнимизга ўз қариндошларини ишга олди. Сабабини ҳали-ҳануз билмайман.

Шаҳарларда қайта қуриш деб гапиришади. Лекин қишлоқ жойларда одамлар қандай яшаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди. Мисол учун бизнинг қишлоқ одамлари медпункт, ҳаммом, кинотеатр, боғчаларни тушларида ҳам кўришмаган. Биз ишга кириш учун қанча раҳбарларга учрашдик. Лекин ваъда берилади-ю, унга амал қилинмайди. Бир мажлисда сўзга чиқиб иш сўрадим. Бироқ район партия комитетининг биринчи секретари Иноятов, Агропром бошлиғи Н. Худоёровлар ёлғон ваъда бериб алдашди.

Сизлардан илтимос, менга ёрдам беринглар. Иложи бўлса район раҳбарларига тегишли битта хат юборсаларингиз, бундан кейин депутатларни ишсиз қолдиришмасди...

Хатлардан сатрлар...

Мактабимизда «Ўсмирлар» клуби ташкил этилди. Албатта, бу ҳодиса ўқувчилар ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлади, деган умиддамиз.

Х. РОЗИҚОВА,
М. ЮНУСОВА,
Фарғона область, Ленинград районидаги 5-мактаб ўқувчилари.

X синфда ҳам она тили дарси ўқитилса. Инглиз тили ҳафтасига бир соат, рус тили тўрт соат ўтилсаю, ўз она тилинг ўқитилмаса! Қуйи синфларда ўрганган ўзбек тили қоидалари битириш вақтида ёдимиздан чиқиб кетяпти.

М. ТИЛЛАХЎЖАЕВА,
Фарғона область, Қува районидаги 26-мактаб ўқувчиси.

Пахта терими тугагач, дала ишларидан тамом озод бўлган пайтлар мактабдан келиб нима қилишга ҳайронсан. Биронта тўғарак йўқ. Қани энди бўш вақтингни мазмунли ўтказсанг.

Н. ҲОВУТОВ,
Н. ЕМҒИРОВ,
Самарқанд область, Пойариқ районидаги 47-мактаб ўқувчилари.

Мактабимизда синф хоналари тор, ўқув қуроллари етишмайди. Дарслар уч сменада олиб борилади. Баъзан телевизорда шаҳар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўп минг сонли журналхонларимизнинг ҳар хил соҳаларга оид саволларига жавоб бериш учун мазкур рубрикани очишга қарор қилдик. Ушбу рубрикага, қолаверса, мактублар саҳифасига юбориладиган хатларнинг қисқа ҳамда лўндалиги кам сонли ижодий коллективимизнинг ишини енгиллаштирар, қолаверса, ёзишмалар дунё юзини кўришига кўпроқ имкон берар эди.

«Фикрни лўнда ифодалашга ўрганишимиз керак. Зеро, қисқалик — талантнинг синглисидир». (А. П. Чехов).

«Еттинчи синфгача фақат аъло баҳоларга ўқидим. Саккизинчи синфда алгебра ва геометрия фанларида I- ва II-чорак якуни «4» чикди. Бу синфни имтиёзли гувоҳнома билан тугатдим. IX—X-синфларда фақат «беш»га ўқисам, менга Олтин медаль берилармикин ёки Кумуш медаль?»

Г. ИСМОИЛОВА,
Самарқанд область, Пахтачи районидаги 23-мактаб ўқувчиси.

Республика халқ таълими министрлигининг ўқув қўлланмалари ва ўқув ҳужжатлари нашр қилиш бўлими бошлиғи Ш. ШОМАНСУРОВ: Агар ўрта умумтаълим мактаб битирувчисининг IX—X (XI) синфларда йиллик баҳолари «5» бўлса, шунингдек, битириш имтиҳонларини «5»га топшириб, мактаб жамоат ишларида фаол иштирок этса, «Ўқиш ва меҳнатдаги муваффақиятлари ҳамда намунали ҳулқи учун» Олтин медаль билан тақдирланади.

Барча имтиҳонларни «5» ва фақат икки фандан «4» олган ҳолда, шунингдек, IX, X (XI) синфлардаги барча синовларни «4» ва «5» баҳога топширганда ҳамда мактаб ҳаётида, жамоат ишларида фаол иштирок этган тақдирда ўрта умумтаълим мактаб битирувчилари ўқиш ва меҳнатдаги муваффақиятлари ҳамда намунали ҳулқи учун Кумуш медаль билан тақдирланадилар.

Олтин ва Кумуш медалларга номзодлар мактаб ва район (шаҳар) халқ таълими бўлими педагогик совети тавсияномасини халқ таълими область бошқармалари (ҚҚАССР халқ таълими министрлиги) тасдиқ этгандан сўнггина мукофотга сазовор бўлишади.

Чинакам ўқиш ҳамда меҳнатсеварлиги учун Олтин ва Кумуш медаль эгалари олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

«Нега ТошМида ўқишни истаган самарқандлик йигит-қизлар стоматология факультетидан бошқа факультетларга қабул қилинмайди?»

М. АБДУРАЗЗОҚОВА,
Р. ЖАНГИРОВА,
Я. ҲАЙИТМУРОТОВА,
Самарқанд.

Тошкент Давлат медицина институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Р. А. Копкоев: Стоматология факультети Ўрта Осиё регионида Тошкент ва Ашхободда мавжуд. Шароитдан келиб чиқиб республикамизнинг барча областидан, жумладан Самарқанд ва Андижондан ўқиш истагида келган йигит-қизлар жорий тартиб асосида қабул қилинадилар. Даволаш факультетлари АДМИ ва СамМИда борлиги учун ушбу икки областдан келганларга даволаш факультетида алоҳида ўрин ажратилмаган.

Мухбир: Агар ўқувчилар фақат ТошМИда ўқишни хоҳласаларчи?

Р. А. Копкаев: Қабул этилади. Даволаш факультетларида ўқишни истаган андижонлик ва самарқандлик ўқувчилар кириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топширсалар. Яъни Тошкент шаҳри учун белгиланган юқори бални йиға олсалар. Бундай илм толиблари бизга ҳам керак. Бироқ қишлоқ мактабларини тугатган ўқувчилар билими талаб даражасида эмас. Шу сабабли ҳар бир областга алоҳида қабул бали белгиланади. Республика Соғлиқни Сақлаш министрлигининг кадрлар тақсимоти ҳам ҳисобга олинади.

СССР Министрлар Советининг қарорига биноан 1990—91 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига тақсимот асосида қабул бекор қилинади. Институтга ҳужжат топширган абитуриент қаердан келганлигидан қатъий назар, кириш балини тўпласагина, билимдон бўлсагина ўқишга ҳақли.

«Кўз олдингизга келтиринг, 7-синф ўқувчиларига ёши эмас, бўйи тенг бола 10-синфда ўқийман деса, ҳар ким ишонавермайди. Бу — мен! Баъзан паканалигим алам қилади. Бўйимни ўстириш учун маслаҳат беринг».

Р. У.
Сирдарё область, Ховос райони.

Ж. БЕКНАЗАРОВ, Медицина фанлари кандидати: Бўй ўстириш жараёни организм ички секреция безларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, гипофис қалқонсимон без ва буйракусти безлари гармонларининг қай тарзда ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг ўзаро мутаносиблиги бўй ўсиш жараёнининг тезлашуви ёки секинлашувига таъсир этмай қолмайди. Шу нуқтаи-назардан спорт билан

шуғулланиш бўй ўсишига, албатта, ижобий таъсир кўрсатади. Чунки спорт ўйинлари, ҳаракатлари юқорида санаб ўтилган ички секреция безларининг қон билан таъминлашини кучайтириб, фаоллигини оширади. Баскетбол, волейбол, баландликка сакраш, лангарчўп билан сакраш, нафис гимнастика айниқса фойдали спорт турларидир.

Бўйи ўсишини истаганларга «А» витамини ҳам тавсия этилади.

«Чўзма лағмон» таоми қандай тайёрланади? Журналнинг навбатдаги сонида шу ҳақда тушунча бersангиз.»

Д. ОРТИҚОВА,
Сурхондарё область,
«Коммунизм» совхози ишчиси.

Пойтахтдаги «Гулистон» ресторани лағмон тайёрловчи ошпазлар бригадири **Зоҳид МАДАЛИЕВ:** «Чўзма лағмон» таомини тайёрлаш учун белгиланган миқдорда ун, сув, туз, тухум (агар тухум солинмаса хамир пишганда юмшоқ бўлади) қўшиб хамир қорилади ва ярим соатлар чамаси тиндирилади. Тайёр хамир пилтасимон қилиб чўзиб, қиздирилган пахта ёғи суртилади. Яна тиндириб қўйилгач, бир қарич узунликдаги хамирни бир метрга қадар чўзиш мумкин... Қайнатиб, пиширилади, совуқ сувга чайиб олинади.

Қайла тайёрлаш учун қиздирилган пахта ёғига гўшт (майдаланган): пиёз, сабзи (сомон шаклида тўғралган), картошка (кубиксимон), турп, шолғом, қизилча, редиска, булғори қалампир, саримсоқпиёз, помидор ўз тартибида солиниб, қовурилади. Қайлани кўмаркўммас сув қуйилиб, паст оловда қайнатилади. Қайла тайёр.

Хамир қайноқ сувга солиб олингач, устига қайла, зираворлар сепилиб дастурхонга тортилади.

Мухбир: Масалан, икки кишилик таом тайёрлаш учун қанча масаллиқ ишлатилади!

З. Мадалиев: Икки киши учун 300 гр. ун, 90 гр. сув, 160 гр. гўшт, икки-уч бош пиёз, 20 гр. пахта мойи, икки дона тухум, шунингдек, керагича картошка, помидор ва бошқа масаллиқлар кифоя.

лик тенгдошларимиз ўқишаётган мактабларидаги шарт-шароитларни кўриб, ҳавасимиз келади.

Б. БЕКМУРАТОВА,
ҚҚАССР, Қўнғирот районидаги 2-мактаб ўқувчиси.

Дадам, қизим, ҳақиқат бўлса икки йил ўқишга бординг, кирардинг. Етар, бирор билим юртида ўқий қол, дейдилар. Ахир мен врачлик касбини севаман.

З. ОЧИЛОВА,
Бухоро область, Ғиждувон райони.

Н. Наримонов кўчасида жойлашган пахта тозалаш заводи бир неча йиллардан буён давлатга катта фойда келтиряпти. Бироқ инсон саломатлилигига жуда катта салбий таъсир этмоқда. Пахтани чигитдан айириш жараёнида атмосферага ҳар хил чанглар, пахтага сепилган химикатлар учиб чиқади. Довдарахтлар ва электр симларига пахта чиқиндилари осилиб қолган. Биз шу ҳаводан нафас оляпмиз.

М. ОМОНОВ,
Самарқанд область, Челак шаҳри.

Мен синфда комсоргман. Бироқ тенгқурларим ҳар доим ҳам гапимга ишонишавермайди. Қадрли журналхонлар, мактабда, синфда обрўйимни мустаҳкамлаш учун нима қилишни билмайман.

А. ҒИЕСОВ,
Фарғона область, Ленинград райони.

1988 йил Қўқон шаҳридаги 30-ҳунар-техника билим юртини битирдик, бироқ бизни ҳеч ким иш билан таъминламаяпти. Касбимиз — тўқувчилик. Сизларга ёзаётганимиз биринчи хат эмас, текширгани келганларни билим юрти директори ва ўқитувчилар турли баҳоналар билан қайтаришаверади. Директор ўринбосари эса юқори ташкилотларга тез-тез хат ёзиб турсаларинг, ўшалар келиб ишга жойлайди, деб устимиздан кулади.

З. ТУРАҚУЛОВА,
Г. ЮНУСОВА ва бошқалар.
Қўқон шаҳри.

«Танаси бошқа дард билмас», — дейди халқимиз. Бу гап кўпроқ ёшларимизнинг талаб-истакларига бепарво муносабатда бўлаётган, фақат пахта планини тўлдиришни ўйлайдиган айрим колхоз, совхоз, қолаверса, район раҳбарларига тааллуқлидир.

О. ОМОНОВ,
Андижон шаҳридаги 22-ўрта мактуб ўқитувчиси.

...Қишлоғимиздаги аҳвол жуда аянчли: кўчалар асфальтланмаган, ишчилар ҳордиқ чиқариши лозим бўлган дала шийпонига болалар боғчаси жойлаштирилган. Мактабимиз вакиллари район спартакиадаларида спортнинг бирор тури бўйича ҳеч қачон ғолиб келмаган. Келажакда бизнинг мактабдан ҳам спортчилар чиқармикан?..

Ғофир РЎЗИҚУЛОВ,
Самарқанд область, Қўшработ район, Курли қишлоғи.

Ҳозирги вақтда кинолар ҳам бошқача бўлиб кетди. Оила аъзоларимиз билан бирга телевизорда фильмлар кўришга уяласан, кинотеатр ва видеотекаларда намойиш этилаётган картиналар ҳақидаку, гапириб ўтириш шарт эмас.

Ҳ. ТУЙЧИЕВА,
Фарғона область, Ленинград районидаги «Социализм» колхози ишчиси.

Мактабимизда жамиятшунослик, геометрия каби дарсликлар 3—4 ўқувчига биттадан тўғри келади. Ахир биз коммунизм бунёдкорларимиз-ку! Яшаб турган жамиятимизни яхшироқ ўрганмай туриб мақсадга ета оламизми?

Мўътабар СУЮНОВА,
Қашқадарё область, Ғузор райони, М. И. Калинин номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

...Нега журналлар ёшлар учундек «Ёшлик», «Ёш куч» деб номланган? Аммо уларда ёшлар ижодига ниҳоятда кам ўрин ажратилганидан сизлар учун мен хижолатдаман.

Муқаддас БОБОЖОНОВА,
Хоразм область, Шовот район.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИННИГУЛ

Кечагина «Турғунлик» мусиқаси остида рақс тушаётган эдик, бугун эса «Қайта қуриш» ашуласини айтаяпмиз. Кечагина олдинга қараб жиғибийрон бўлардик, бугун эса ортимизга қараб сўкиняпмиз. Хуллас, анча ўзгариб қолдик. Қўлимиз ишга бормаса-да, тилимиз гапга айланадиган бўлди. Қайта қуриш шарофати билан айтиладиган гаплар айтилмоқда, энди қилиниши лозим бўлган ишларни амалга оширишимиз жоиз. Афсуски, сўз эркинлигига кўниксак-да, иш эркинлигига кўниколмаяпмиз: ҳақиқатни гапириш мумкин, ҳақиқатни жорий қилиш эса йўқ, камчиликлар ҳақида гапиринг, марҳамат, лекин уларни тузатаман деб уриниб ўтирманг, бефойда.

Қайта қуриш ҳақида гапиряпмиз-у, лекин... Яқинда Тошкент Халқ Хўжалик институтида таълим олаётган Олим исмли йигит зорланиб қолди. Унга комсомол ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан беришибди. Нима гуноҳ қилибди, дерсиз? Нима гуноҳ қиларди, жазо олиш учун гуноҳ қилиш шарт эканми? Пахта теримидан қайтишгач, у комсорг бўлган группа талабаларидан 5—6 киши дарсларга бир-икки кун кечикиб келишибди (олис областлардан бўлишса керак). Комсоргга «юқори» факультет комбюроси котибидан буйруқ келибди: «Кимлар кечиккан бўлса исму шарифлари бизга жўнатилсин!» Комсорг эса бу ишни бажаришдан бўйин товлабди, кечикувчиларнинг ёнини олибди. Шундан сўнг «ҳақиқий гуноҳкорлар» — кечикувчилар ўрнига уларнинг ҳимоячиси — комсорг жазоланибди. Тўғри-да, бошқача бўлиши мумкинми? Комсомол шу пайтгача дўқ-пўписа қуроли бўлиб келгани бор гап-ку! Бўлмаса ўзингиз ўйланг: студент нима учун ўқишга киради? Албатта илм олиш учун-да! Унинг ўзига қолса ҳар дақиқани шу мақсад учун сарф этади. Ўқи, деб тепасида милтиқ ўқталиб туриш шартми? Ахир ўқишни хоҳламасдан студент бўлиб юрганлар ҳам бор-ку, дерсиз. Тўғри бор. Лекин уларни тўпнинг оғзига қўйиб ҳам илмга ўргатолмайсиз. Улар жазодан қандай қутулиш йўлини ҳам жуда яхши билишади. Жазога дучор бўлиб қолганларида ҳам улар учун бунинг таъсири йўқ, ўқиган билан барибир одам бўлишмайди. Демак, бизнинг барча жазо усулларимиз фақат қобилиятли ва яхши кишилар учун қаратилган эканда! Ахир улар шундоқ ҳам яхши-ку! Уларни қуруқ қўрқитиб йўлдан адаштирганимиз қолади, холос. Кишини қўрқитиш билан фаолиятга ундаш сталинизмнинг асосий сарқитларидан биридир. Комсомол ҳали бу иллатдан тўла қутилган эмас.

Қайта қуриш ҳақида гапиряпмиз-у лекин... Самарқанд шаҳрида троллейбусда кета туриб, одам тиғиз бекатлардан бирида ҳайдовчининг бақириғини эшитиб қолдим. У недир сабаб билан (сабаблар озми) йўловчилардан бирини сўкиб ётарди. Кўнглим бузилди. Тушдим. Тушдиму ортимга қарадим. Не кўз билан кўрайки, троллейбусга кўндалангига катта-катта рангдор ҳарфлар билан: «XIX партия конференцияси қарорлари асосида ўз фаолиятимизни яхшилайлик!» деб ёзиб қўйилганди.

Қайта қуриш ҳақида гапиряпмиз-у, лекин... Шунинг учун мен қайта қуриш ҳақида гапиришни истамай қоляпман. Қайта қуриш ҳақида гапиргандан кўра, турғунлик даври тўғрисида ўйлаган афзал дейди баъзилар. Балки улар ҳақдир. Иложи бўлса-ку, гапиргандан ишлаган яхши-я! Аммо ҳозирча ишимиз унмаётган экан гапириб турганимиз ҳам маъқул-да! Шу ўринда беихтиёр шоир сатрлари ёдга тушади:

Қайта қуриш —
Сафсатабоз учун бир чолғу,
Унга эски оҳангларни тез жо қилади.
Бир хил тинғир-тинғирини чалабериб у,
Энг табаррук қўшиқни ҳам
Расво қилади.

(Эркин Воҳидов).

Кун сайин ҳамма жабҳалардаги камчиликларимиз кўриниб қоляпти. Камчиликларга тўлиб кетган эканмиз ўзиям. Аслида бошқача бўлиши ҳам мумкинми? Дунё ўзи бири кам яралган бўлса! Шу пайтгача ақлимиз етмаган эканми, а? Мана фикримиз ўзгарди. Тафаккур шарчаларимиз бошқа томонга қараб айлана бошлади. Онгдаги ўзгариш амалиётда қандай акс этяпти? Қизиқда-а, тўғримасми? Балки биз ўзгариш деб тушунаётган нарсалар бутунлай бошқа нарсадир (дейлик тафаккур шарчаларининг бошқа томонга айланиши эмас, тўхтаб нима бўлишини кутаётганидир). Хуллас, шундай қизиқиш бизни Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номидаги Педагогика билим юртига бошлади. Комсомол қўмитаси жойлашган хонада учта қиз гурунгни қизитиб ўтиришарди. Улардан бири — тўрда ўтиргани комсомол қўмитасининг котибаси экан. Ўзини Атабаева деб таништирди (Отабоева ҳайнаҳой, паспортимда бошқача ёзилган деб даъво қилмаса аслида шундай бўлиши керак, ёки комсомол котибаси бўлишни рус тилини билишдан иборат деб билармикин). Мен ундан билим юрти интернационал клуби ҳақида сўрагандим, «Ҳозир!» дедию шошилганича чиқиб кетди. Хонада қолган икки қиз эса турмушга чиқиш чигалликлари ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Нима бўпти. Гаплашаверишсин. Бу ҳам керак. Атабаева (Отабоева) қайтиб келди. Директор ўринбосарининг хонасига ўтдик. Интернационал клубнинг бор-йўқ жиҳозлари — уч-тўртта альбом шу ерда экан. Хаёлимга «Эски ҳаммом — эски тос-ку» деган фикр келдию, дилимни зирқиратиб тилимга бошқача шаклда қалқиб чиқди». «Бори шуми?» Аввал борини кўрайлик-чи, деб ўзимга таскин берган бўлдим ва альбомларни олиб варақлай бошладим. Афғонистон республикасининг Тошкентдаги бош консули Ҳазрат Ҳамгар билан учрашув онлари, Тошкент шаҳрида таълим олаётган Ҳиндистонлик студент-ёшларнинг билим юртида бўлишлари акс эттирилган суратлар. Қардош республикалардан йўлланган табрик хатлари ва ҳоказо.

Атабаева комсомол ташкилоти ўтказишни планлаштираётган тадбирларни номма-ном айта бошлади. Ҳожати бормикин. Қоғоздаги тадбирлар — амалдаги нўноқликлар. Унчалик ҳам эмасдир. Билим юрти талабалари Афғонистонда хизмат қилиб қайтган жангчи-интернационалистларга ёрдам фонди учун хайрия кечаси уюштираётган экан. Шу кечада қатнашгимиз келди. Лекин ундан олдинроқ билим юрти директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини Шаҳодат Ҳасанованинг ҳузурига кирдик. Комсомол фаолиятига маъмурият назари билан ҳам қараб кўрайлик-да! У киши билим юрти комсомоллари амалга ошираётган ишларга қониқарли баҳо берди. Кейин ўқув юртида яқин бир-икки ой ичида қилиниши мўлжалланган ишлар кўлами билан таништирди. Яхши тадбирлар. Уларнинг ҳаммасини номма-ном санашнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин бизни бир нарса ўйлантириб қўйди. Бу тадбирларнинг режаси директор муовинининг қўл остида турибди. Демак, уларни амалга ошириш кўпроқ «юқори» — маъмуриятнинг ташаббуси билан бўлади. Талабаларнинг ўзлари эса фақат ижро жараёнида «фаол иштирок этадилар». Бу нарса — талаба-ўқувчиларнинг ўз ҳаракат тадбирларини белгилашда бир чеккада туриши фақат шу билим юртига теккан касаллик эмас. Балки жуда кўп ўқув юртларимизга хос камчиликдир. Ваҳоланки, бугунги кун ҳар бир комсомол аъзосидан алоҳида мустақилликни ва ташаббускорликни талаб қилмоқда. Кўпгина ташкилотлар эса аллақачон ўз-ўзини бошқариш йўлига ўтиш ҳаракатида. Шу ўринда ўз-ўзини бошқариш усули бўйича келиб чиқаётган муаммолар хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу муаммо бизнингча ҳамма замонларда ҳам бўлган. Дейлик ота ҳам ўз ўғлининг тезроқ мустақил бўлиб, ўз юкини ўзи кўтаришини, ўз аравасини ўзи тортишини истайди. Демак, ўғлига ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини беради. Лекин ўғил ўзини бошқариб кета оладими? Бу ҳаёт шунчалик

Келинг, танишайлик!

Улар Тошкентга Ер шарининг турли минтақалари — Осиё, Африка, яқин Шарқ мамлакатларидан журналистик билимни эгаллаш учун келишган. Бугун улар «Еш куч» саҳифасида ўз маҳоратларини илк бор синаб кўришмоқчи. Яъни ўз юртлари ҳақида Сизларга ҳикоя қилиб беришмоқчи.

Озод Гвинея

Испаниялик босқинчиларнинг энг сўнгги нусхалари 1968 йили юртимиздан чиқиб кетишди. Шундан кейин Экваториал Гвинея қарамсиз, мустақил давлат деб эълон қилинди. Бироқ оддий меҳнаткаш халқ озодлик ва тенгликка дарровда эга бўла олмади. Давлат тепасига келган Масиаса Нчеми Бойого халқ бошига кўпгина кулфатлар солди. Яшаш шубҳа ва таҳликадан иборат бўлди. Кўпчилик аҳоли ватанини ташлаб, қувғинда яшашга ҳам рози бўлди.

1979 йили ҳарбий тўнтариш қилиниб, жабр ва зулм режими тугатилгач, халқ кўкрагига шамол тегди. Президент Масиас Нчема менинг замондошларим хотирасида энг ёвуз одам сифатида қолди. Ватанимиз тарихига эса қора кунлар бўлиб ёзилди.

Менинг юртим унчалик катта эмас. Бор-йўғи 390 минг аҳолиси бор. Кун кўришлари анча ночор. Бунинг асосий сабаби иқтисоднинг орқадалигида. Иқтисодий қарамликдан чиқиб, ўз хонадонини ўзи тебрата олмаётганлигида. Ҳозир республиканинг бутун уринишлари шунга қаратилган. Биз асосан какаомиз билан машҳурмиз. Яна 140 хилдан иборат ноёб дарахтларимиз бор. Қазилма бойликларга келсак: олтин, нефть, боксид, титан, магний, уран, олмос запаслари бор. Буларнинг бари вақти келиб ватанимизни гуллаб-яшнашига хизмат қилади. У Африкадаги ҳавас қиларли давлатга айланади ва биз бунга ишонамиз.

Давлатимизнинг Герби ҳақида ҳам айтиб ўтай. У олти дона олти қиррали юлдузчалардан иборат. Нима учун олтита дейсизми? У бир-бирига боғлиқ олти вилоятдан иборат. Улар орасида — Биоко ороли ҳам бор. Давлат пойтахти Малибо шу оролга жойлашган. Бу шаҳар шунчалар гўзалки... Айниқса, тропик ҳарорат пасайиб, қуёш уфққа оққанда Малибонинг денгиз бўйлари сайрга чиққанлар билан тўлиб-тошади. Денгиздан ёқимли шамол эсади. Тўлқинлар чироқлар нурида товланади.

Маданиятимиз, санъатимизни сўраяпсизми? Ўзимизга етарли. Иккита музейимиз бор. Уларнинг бирига ҳайкалтарошлар, рассомларимизнинг асарлари тўпланган. Бундан ташқари унинг бошқа музейларга ўхшамайдиган битта томони бор. Ҳа, у ерда қадим ўтган подшоларнинг калла суяклари кўргазмага қўйилган. Иккинчи музейда эса ўлкамизнинг Испания колонияси ва ундан кейинги йиллардаги ҳаёти тўлалигича ўз аксини топган.

Бизнинг халқимиз ўз ота-боболарининг куй-қўшиқларини жудаям қадрлашади. Лекин шу билан бирга ўз замонавий қўшиқларимиз, қўшиқчиларимиз бор. Масалан ёш талантли қўшиқчилар Мэле ва Элгран Бэсосолар бизнинг саҳна юлдузларимиз ҳисобланадилар.

Ннар Нсие РАМОН

www.ziyouz.com kutubxonasi

соддамидики, она қорнидан тушибоқ, ўз йўлингни топиб кета олсанг, бу дунё театр биносимидики, отанг берган рухсатномани кўрсатиб ичкарига кириб кетаверсанг, Йўқ, турмуш биз ўйлагандан кўра чигал. Чигалки, баъзан сочингга қиров қўниб, қоматинг дол бўлгунча қайси томонга қадам ташлашни билмай турасан. Қиссадан ҳисса шуки, ёшлар ташкилотига ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш билангина ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Хўш, унда нима қилиш керак? Бирор нарса қилиш шартми? Албатта, шарт. Маълумки, бизда кишиларнинг онг даражаси турлича... Бу нарса уларнинг фаолият соҳалари, хизмат вазифалари ва баъзан жисмоний ҳамда ёш тафовутлари билан изоҳланса, эҳтимол. Шундай экан, уларнинг ҳаммасига битта қозондан бир хил овқат ейишни тавсия этиб бўлармикин. Дейлик, Украинадаги студент қиз билан Ўзбекистондаги талаба бир хил нарсани икки хил тушуниши табиий. Шунинг учун, уларнинг биридаги тушунчани ҳисобга олиб, иккинчисига илм бериб бўлмаганидек, иккинчисининг тушунчасига қараб биринчисига сабоқ ўқитиш ҳам ўзини оқламайди. Демоқчимизки, ўз-ўзини бошқаришни мамлакатимиз марказий шаҳарларидаги ёшлар ўзларича қабул қилишса, диёримиз ўсмирлари бошқачароқ тушунишлари мумкин. Аммо педагог ва ўқитувчилар, комсомол етакчилари кўпинча марказнинг иш тажрибасини ўз фаолиятлари учун ягона мезон деб биладилар ва шундан кўпгина хатолар, чигалликлар келиб чиқади. Айтайлик, ўзбек қизи тортинчоқ ва камтарлиги туфайли «мустақиллиги»ни кўз-кўз қилавермас. Минбарларга чиқиб ўқитувчисини танқид қилишга ёки директорнинг ҳузурига кириб, таклиф ва ташаббусларини баён қилишга уялар. Аммо шу нарсаларни ҳисобга олмасдан уни ўзича ўйлаб-фикрламайдиганга чиқариш ярамайди. Бизда эса кўпинча шу нарса унутилади, ёшларнинг пассивлигидан нолиб келинади. Шу баҳонада уларнинг йўли тўсилади. Натижада, ҳар замонда ҳуқуқини талаб қилиб қоладиган йигит ёки қиз ҳам шаккокликда айбланиб, минг бир маломатга рўбарў қилинади. Шогирдларнинг устозларга муносабати шарқона одоб доирасида экан, устозлар ҳам шунга муносиб бўлиб кўя қолишса бўлмайдими? Йўқ, устозларимизнинг кўпчилиги (ҳаммаси ҳам эмас, албатта) бундай одобнинг аҳамиятини унутиб ҳам юборишган. Улар аксинча шарқона одоб эгаларининг устидан «лапашанг», деб куладилар. Шогирд бечора икки ўт ўртасида қолади. У фаол бўлиши учун устозига эргашиши, унинг нусхасига айланиши шарт. Устоз эса (устозми!) марказ руҳида, тўғрироғи, сиёсий иқлим шароитида «тарбияланган». Унга эргашиш — қонун-қоидалар моҳиятини ўзида акс эттирувчи одамга айланиш. Энди ўйлаб кўринг, бу одамнинг ахлоқий даражаси қай даражада бўлади-ю, у жамиятга қанчалик фойда келтиради? Хулоса шуки, ўз-ўзини бошқариш ўзликдан кечиб, қандайдир кўрсатмалар ва қарорлар моҳияти билан яшашга айланиб кетмаслиги лозим. Ҳозир кўпинча шундай бўляпти. Ўз-ўзини бошқариш ёшларнинг мавжуд сиёсий ахлоқий эҳтиёжларининг табиий ўсиб бориши тарзида эмас, юқоридан жорий қилиш асосида кечмоқда. Бунга етарли сабаблар ҳам топиб кўрсатмоқчи бўладилар. Гўёки, ёшларнинг ўзлари тўла қўниқиб кетгунларича юқоридан кўрсатмалар бериб туриш керакмиш. Улар ўзларини бошқаришга қўниқиш ўрнига кўрсатмалар кутиб яшашга қўникиб қолишса-чи? Унда нима бўлади? Комсомолларни қонун-қоидага мослаштирмасдан, аксинча, қонун-қоидани уларнинг ўзларига қўйиб бериш керак. Лозим топган ўринларини қабул қилишар, лозим топмаганларини эса йўқ. Ҳарқалай одамни қонун-қоидага қараб ўзгартишдан кўра, қонун-қоидани одамлар талаби асосида ўзгартириб чиқиш осонроқ кўчса керак.

Билим юртининг клубига кирдик. Кечага Успенский номидаги мусиқа мактабининг ўқувчилари ва ўсмир-ёшлар ҳам таклиф қилинган экан. Кеча давомида улар ҳам ўз санъатларини намойиш қилишди. Умуман, талабалар яхши тайёргарлик кўришган экан. Аммо бизни яна бир нарса қониқтирмади. Нима, дейсизми? Ана шундай кечаларга зўрма-зўраки тарзда сиёсий тадбир тусини бериш. Албатта ёшлар бўлганидан кейин ўз-ўзидан маълумки, қўшиқ айтгиси, кўнгил ёзгиси келади. Уларнинг ўзига қолса кунора бирор адабий кеча ёки маданий тадбир ўтказишлари мумкин. Ва бу ишларда ёшларнинг ўзларига хос самимий бир хушчақчақлик, қизиқиши намоён бўлиши табиий. Бу хушчақчақликда, бу қизиқишда бани одамга хос барча ижобий фазилатлар акс этиб туради: инсонпарварлик дейсизми, ватанпарварлик дейсизми, байналминаллик дейсизми, ва ҳоказо. Энди айнан шу нарсалар битта сиёсий ўзанга тўғрилаб қўйилса-чи? Унда эркинлик йўқолади. Айтаётган қўшиғингиз сунъийлаша бошлайди. Бундай қўшиқни эса сиз куйлагингиз, тингловчи эшитгиси келмайди. Бу гапларни ёзиб ўтирмасдик. Лекин ўша куни билим юрти залида анча ялтироқлик ва тантанаворлик ҳукм сурдики, талабалар ҳам эснаб қолишди.

Билим юрти интернационал клубининг раиси Юлдуз Ҳошимова комсомол ишидаги муаммолар ҳақида куюниб гапирди: «Талабаларни интернационал руҳда тарбиялаш учун биргина клуб воситасида ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Айниқса ҳозир. Биринчидан, бугунги ёшлар унча-мунча одамнинг гапини олишмайди. Иккинчидан, ташқи таъсирлар биз ўйлаб топган бир-иккита тадбирдан кўра кучлироқ роль ўйнайди. Ўзингиз ўйланг, талаба бир кун давомида нари борса беш ёки олти соат ўқув юртида бўлади. Шу муддат мобайнидаям у доимо байналминал руҳда юради деб бўлмайди. Бундай дейиш сафсатабозликдир. Қолган соатларини у кўча-кўйда, оилада ўтказади-ку! Қисқаси байналминал тарбия бутун жамият миқёсида олиб борилиши лозим.

Биз қардош республикалардаги дўстларимиз билан тез-тез борди-келди қилиб туришимиз лозим. Менга баъзан Америкага бориб келишдан кўра Грузия ёки Украинага сафар қилиш қийинроқ туюлади. Нега дейсизми? Чунки чет элга бориш ҳамманинг эътиборини тортади, сиёсий иқлимни белгиловчи омил сифатида талқин қилинади. Қўшни республикага ўтиб келиш одатий, оддий ҳол саналгани учун бунга ҳеч ким аҳамият ҳам бермайди. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг ҳар бир республикасида ўзига хос яшаш тарзи ва маданияти бўлган халқлар яшайди. Бу халқларнинг ёшлари билан яқинлашсак, фикр алмашсак, бу нарса ҳам ўз-ўзидан сиёсий аҳамият касб этадику!

Юлдуз Ҳошимова яқинда Ҳиндистон республикасига кетаётган экан, шу ҳақида ҳам сўрадик: «Ўрта Осиё халқлари қадимдан Ҳиндистон билан маданий-

сиёсий алоқалар ўрнатиб келишган. Тарихимизда, маданиятимизда туташ нуқталар кўп. Мен Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи томонидан қурилган ёдгорликларни бориб кўрмоқчиман. Ўз тарихимиз ҳақида ҳинд дўстларимизга албатта гапириб бераман» деди Ю. Ҳошимова.

Билим юртида ўқиш икки тилда олиб борилади — рус ва ўзбек тилларида. Бу тилларда таълим олувчи ёшларнинг ўзаро муносабатлари қандай? «Яхшимас, — деди Юлдуз Ҳошимова, — чунки рус тилини яхши билиб шу тилда ўқийдиган талабалар ўзларини бир поғона юқорида деб билишади, нариги гуруҳга менсимайроқ қарашади. Узбек тилида таълим олувчилар эса аксинча, рус тилини яхши билмаганликлари сабабми хокисорроқ бўлиб юришади. Бирор нарсани билмаганинг учун уялиб юриш ҳам яхши. Унда нега рус тилида таълим оладиганлар ўзбек тилини билмаганликларидан заррача хижолатда эмас? Умуман, бу мураккаб масала! Тил ўрганишни ҳам тўғри йўлга солишимиз керак».

Мен сергак тортдим. Қонимга сингиб кетган қўрқув туйғуси бош кўтаргандек бўлди. Аммо қўрқувга ҳожат борми? Ю. Ҳошимова айтган муаммонинг борлиги аниқ-ку! Биз уни йиллар давомида яшириб келдик. Муаммони айтишгаки, қўрқсак, уни ҳал қилишгача йўл бўлсин.

Ҳайрия кечасидан сўнг талабалар тайёрлаган қўл меҳнати буюмларининг кўргазмаси ташкил этилди. Мен ташқарига чиқдим. Шунда бу ердан қониқиш ҳисси билан чиқиб кетаётганимни сезиб қолдим. Қониқишга бало борми? Қониқишга асос бордай. Асосски, муаммоларнинг қандай ҳал қилиб қўйилганида эмас (улар ҳозиргача ҳеч қаерда ҳал қилинган эмас), балки уларга нисбатан шаклланаётган бўрттиришга урингани йўқ, борини кўрсатишди.

Ортимга қайрилиб, билим юрти биносини кузата бошладим. Иккинчи қаватда дераза токчасида турган гулга кўзим тушди. Беихтиёр чиннигул, деб юборибман. Бу сўз тилимга қандай келиб қолди — ўзим билмайман. Лекин у дилимдаги сўнгги тасаввурларнинг образли ифодаси эканлигини сезиб қолдим. Ундаги мазмун ҳозирча номаълум, лекин недир бир жозиба, недир бир фусун борлиги аниқ эди.

Мўртазо ҚАРШИБОЕВ

Лаосда Янги йил

Лаосда янги йилни қаршилаш СССР ва бошқа давлатлардан фарқ қилади. Бизда бу кун 13—15 апрель кунларига тўғри келади. Нега бундай дейсизми? Ҳозир барини тушунтириб бераман. 13—14 апрель кунлари эски йилнинг чиқиш ва Янги йилнинг кириш кунлари бўлиб, 15 апрель Янги йилнинг биринчи куни ҳисобланади. 60 йил ўтгач эса байрамга яна бир кун қўшилади. 16 апрель Янги йилнинг биринчи куни деб ҳисобланади.

Қадим-қадимда Янги йил тантанавор юришлар билан нишонланган. Бунда сафнинг энг олдида энг чиройли қиз борган. Унинг қўлида қайси йил кириб келаётган бўлса ўша йилнинг рамзи туширилган тасвир бўлган. Масалан аждарҳо йили бўлса аждарҳо тасвири, илон йили бўлса илон тасвири ва ҳоказо... Йил рамзини кўтариб байрам қилиш Лаос халқ эртагида ҳам бор. Унда бошқачароқ... Эмишки, шоҳ Янги йил байрамида мусобақа ўйнаб ютқазиб қўяди, келишув бўйича рақиб томон уни бошидан жудо қилиши керак экан. Ҳукм бажарилади. Бироқ шоҳнинг етти қизи бўлади. Улар оталарининг калласини ғорга олиб кириб беркитадилар. Ҳар Янги йил байрамида эса улардан бири шоҳнинг бош суягини қўлида тутиб, сафнинг олдида борган...

Бу эшитган кишига қандайдир нохуш, тўғрими? Лекин, йиллар ҳамма нарсани, одамларниям, анъаналарниям ўзгартиради. Ҳозир одам калла суяги у ёқда турсин, расминиям кўтариб чиқишмайди. Ҳозир Янги йил байрами Будда ҳайкали устидан сув тўкиш билан нишонланади. Бу покланишга, гуноҳлардан ҳоли бўлишга ўхшаб кетади.

Шундай қилиб 14 апрель куни одамлар сиғиниш жойларига тўпланиб, Будданинг устидан сув тўкишади, художўйлар ва кексаларнинг маърузаларини тинглашади. Ёшлар ёши катталарни табриклашади. Кейин муздек бўлиб, жонлари роҳат қилсин учун бир-бирларига шалаббо бўлгунча сув сепадилар. Ахир бу пайтда бизда кунларнинг энг қизиган пайтлари бўлади-да. 14 апрель оммавий байрам саналади. Бу куни деярли барча ҳўл бўлиб юриши керак. Шунинг учун ҳам ёшлар сув тўла челаклар билан кўчага чиқиб, ўткинчиларни пойлаб туришади. Жуда қизиғ-а?! 15 апрелда ҳамма ўз уйида бўлади. Бу куни Баси деган одатимиз амалга оширилади. Бунда Янги йил муносабати билан яхши тилак маъносида билагига нозик ип боғланади. Ип пахтадан эшилган бўлиши керак. Урф-одат бўйича ип ўзи тўзиб, узилиб кетиши керак. Ип боғлаш тантанасида кексалар ёшларга насиҳат қиладилар, бир-бирларини табриклашади, бир-бирларига бахт-саодат тилашади. Меҳмондорчилик кун бўйи давом этади.

Янги йил Лаосда ана шундай катта тантанага айланади. Шу тантана туфайли одамлар бир-бирлари билан янаям яқинлашадилар, дўстлашадилар.

Луандунчан БУНЛЕУТ

Йилда бир бора..

Шимолий-шарқий Африканинг ўзида 70 хил миллат яшайди. Аҳолисининг сони эса 44,6 миллион. Уларнинг 40 фоизи хрестян, 50 фоизи исломга сиғинадилар. 10 фоизигина ерлик халқ худоларига топинадилар. Хрестиан учун энг катта диний байрам бу — пасхадир. Уни йилнинг апрель ойида нишонлайдилар. Аммо март ойидан бошлаб анъанага кўра гўшт, сут, балиқ, мол ёғи танаввул қилиш ман этилади. Фақат кўк ва сабзавотлар ейилади. Ана шу икки ой давомида иложи борлар ҳар куни, иложини қилолмаганлар ҳафтада бир марта — якшанба куни ибодат қилиш учун масжитга бориши керак. Байрам кунига бир ҳафта қолганда эса иложини қилолмаганлар ҳам ҳар куни боришга мажбурлар.

Хонадонларда эса пиво, ароқ тайёрланади. Байрам нонлари ёпилади. Бу кунга атаб, қўй, эчки, товуқлар боқиб, семиртирилади.

Охирги ҳафтанинг тўртинчи куни кексалар умуман овқатдан ўзларини тиядилар. Шанба куни кечга яқин оила бошлиғи товуқ сўйиб, қон чиқаради. Кейин масжитга йўл олади. Масжитдаги тантана тун ярмигача давом этади. Тун ярмида ота масжитдан қайтади ва байрам зиёфати бошланади. Эрта билан эса боқилган қўй ёки эчки сўйилиб, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар меҳмонга таклиф этилади. Шундан кейин икки ойча хоҳлаганча гўшт, сутли таомларни истеъмол қилиш мумкин. Менинг Эфиопиямда ана шунақа анъаналар, байрамлар бор.

Афеворк СОЛОМОН

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ФОЖИА ТАФСИЛОТИ

... Вақт — кундузги иккилар. Врач Раҳима опа тушликдан қайтаётганди. Шу пайт ёнига потиллаганча бир мотоцикл келиб тўхтади. Рулдаги йигит — ранглари оқариб кетганди — мотоциклини базўр тўхтатиб узуқ-юлуқ гапира бошлади:

«Раҳима опа, анаву ерда, темир йўлда... поезд босган бир қиз ётибди».

«Ўлганми? (Раҳима опа кейинчалик нимага дарров шундай деганини тушунтира олмайди. Поезд тагига тушган одам камдан-кам тирик қолганини врач сифатида билгани учун ҳам беихтиёр шу жумлани айтиб юборгандир.)

«Ўлган чиқар... Ҳаммаёғи қон дейишди. Олдига боришга қўрқдим».

«Ёнимда шприц ва бир-иккита таблеткадан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Дарров гараж қоровулхонасига кириб «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилдим. Одамлар темир йўл томонга чопишарди. Мен ҳам йўлга чиққан пайтим қишлоқ марказидан «Тез ёрдам»нинг чинқирганча келаётганини кўрдим...»

«Тез ёрдам» тупроқ йўлдан одамлар йиғилиб турган жойга етиб келган пайти поезд тўхтаб турарди.

«Мана, мана шу ерда! Икки рельс оралиғида ётибди». Одамлар чувиллаб йўл кўрсатишди...

«У иккинчи вагоннинг остида, икки рельс оралиғида ётарди. Ҳамма ёғи қон — кийимлари титилиб кетган. Ҳамшира аёл билан вагон тагига кириб, қизнинг эзилиб кетган ўнг қўлини боғладик. Юзидаги, кўкракларидаги қонларини артдик. Укол қилдик. У беҳуш эди. Одамлар машинага чиқаришга кўмаклашишди. Вақт зиқ. Шундоқ ҳам бўлари бўлган ярим жон танани қийнамаслик учун яқинроқ бўлган қўшни район марказидаги касалхонага ҳайдашни буюрдим. Илойим мияга қон қуйилмаган бўлсин, деб хавотирда эдим. Қон аллақачон қуйилиб бўлганини қайдан билай?..

Йўлда яна укол қилдик. Қиз ихтиёрсиз равишда соғ қолган чап қўли билан мажақ бўлиб кетган ўнг қўлини ушламоқчи бўларди. Уни бир маромда тутиб ўтиришга тўғри келди. Шундай навниҳол тананинг бевақт хазон бўлишини ҳазм қилолмасдинг». (Поезд тагига ташлаб, ўз жонига қасд қилган ўқувчи қиз — Адолат Абдуллаевага биринчи бўлиб тибиий ёрдам кўрсатган, участка касалхонаси врачи Раҳима Каримованинг сўзлари.)

«Қизнинг онги-ҳуши аввалига ўзида эди. Поезд тўхтагач, бизлар югуриб бордик. Соғ қолган қўли билан кўйлагининг титилиб кетган этакларини бекитмоқчи бўлди. Қиз бола-да, номус қилди....» (Ўша воқеа содир бўлган жойдан сал нарида темир йўл ремонти билан машғул бўлган ишчилардан бири кейинчалик шундай дейди.)

«Поезд кетма-кет сигнал берди. Биз йўл четида поездни ўтказиб юбориш учун тургандик. Бизга сигнал берди, деб ўйлаб байроқчани силкитдим. Лекин, шу пайт... қизил кўйлакли бир қизми-аёл поезд олдидан ўтгандек бўлди. Поезд янада қаттиқроқ чинқирди... У ўшанда ўзини поезд тагига ташлаган экан...»

«...Йўқ, у аввал бошда поезднинг олдидан югуриб ўтди. Қўрқди, шекилли. Поезд тезликни пасайтиргач, ўзини ташлади. «Ҳай-ҳай»лаб югурдим. Бирорта телбанамо аёл бўлса керагов, деб ўйлагандим».

«Қиз йўл четида турганини кўргандай бўлгандим. Мол-қўйига қараб юрган чиқар, деб эътибор бермадим. Бир-икки поезд ўтиб кетганда ҳам тургандай эди... Уни бу ерга ажал ҳайдаб келган...»

Булар гувоҳ бўлганларнинг гаплари. Бу гаплар кейинчалик кўп бор айтилади. Одамдан-одамга, қулоқдан-қулоққа ўтиб, мазмуни-моҳиятини ўзгартириб бораверади. Ҳатто улардан бириси «... поезд сигнал берган пайти йўл четида енгил машина тургандай бўлувди. Шулар келтириб, ташлаб кетишдими-ё» дейди. Тахминлар, миш-мишлар...

«Касаллик варақаларини тўлғазаётгандим, навбатчи «оғир бемор келтиришди, биров ўзини поезд тагига ташлабди», деди. Дарров реанимация хонасига олиб киришларини, керакли асбоб-анжомларни тайёрлашларини буюрдим.

Аҳволи оғир эди. Ўнг қўл суяклари майдаланиб кетган, бош суяги очиқ, лат еганди. Мияга қон қўйилганми-йўқлигини бу пайтда аниқлаб бўлмас, бунга фурсат ҳам йўқ эди. Шошилинч чоралар кўрдик: қон босимини тиклайдиган укол қилинди, жароҳатларига малҳамдори қўйилди... Яшаб қолишига умид кам, кўпи билан кечқурунгача чидаб берар», дегандим. Лекин ёш организм ўлим билан кўп олишди.

Урганчдан нейрохирург чақиртирдик. Кечқурун ўнг қўлини кесиб, олиб ташладик. Бу ҳаётини сақлаб қолиш учун умид уйғотадиган бирдан-бир йўл эди. Эртасига ҳам, индинига ҳам ўзига келмади. Аҳволи бир оз ўзгарди, қон босими мўътадиллашди, лекин ҳушига келгани йўқ. Ота-онаси, яқинлари бошида ўтиришди. Афсуски, у ўзига келмаган, гаплари пайдарпай эди. Шундай бўлади ўзи, мия фаолиятни тўхтатмаган пайти, онгда сақланиб қолган сўзларни такрорлайверади.

Кўргани кўп одам келди, тенгқурлари, синфдошлари. Ёнига киришларига рухсат бермадим, қоидамиз шунақа. Лекин ўлими муқаррарлигини билганимда, видолашишга рухсат берган бўлармидим...»

Адолат 8 май куни кечқурун 21.45 да жон берди. Биз бу ерда унинг жисмоний ўлимини назарда тутяпмиз. Аслида 5 май куни мактабга унинг қуруқ жасади келганди...

«Адолат билан ўн йил бирга ўқидим. Унинг характерини ҳеч ким менчалик тушунмаса керак. Биринчи синфда бир партада ўтирганимиз кечагидай ёдимда.

Ўша куни мактабга бирга келдик. Кайфияти ғалатироқ эдими-ей? Бошқа кунлари суҳбатлашиш учун мавзу ўз-ўзидан келаверарди. У кеча телевизорда кўрган кино тафсилоти, газетада ёзилган шов-шувлироқ нарса ёки янгитда ўқиган китоби (Адолат кўп ўқирди) ҳақида сўзлаб берарди. Ўша куни суҳбатимиз қовушмади. Уйида бир нима бўлганми, опаси койидими, деган хаёлга бориб, сабабини суриштирмадим.

Поезд йўлидан ўтганимизда у орқасига қарабқараб қўйди. Кейин кутилмаганда «Мен бугун ўзимни поезд тагига ташлаб ўлдираман», деди. Қўрқиб кетдим. «Қўй, бу гапни, шунақаям ҳазил бўладими» дедим. У индамади.

Биринчи дарсда бирга ўтирдик. У индамай ўтирди. Нохуш кайфияти тарқамаганди. Сўнг бошини партага қўйиб олди. Энди билсам ўшанда машъум режасини ўйлаётган экан-да».

«Биринчи синфдан бирга ўқидик. Ўша куни у негадир бошқачароқмиди-эй? Иккинчи соатда ўзига келгандай бўлди. Камгаплигини сўрасам, «Бошим оғриб турибди» деди. Машғулот охирида эса «кечадан буён ҳеч нарса еганим йўқ», деб қолди. Буфетдан нон, печенье, келтиргандим, олишга олди-ю, оғзига солмади. «Иштаҳам йўқ», деди. Бошқа ҳеч нарса сўрамадим».

«Саккиз йил бир партада ўтирдик. Ўша куни тўртинчи соатда бирга (тасодифмикан?) ўтириб қолдик. Ранг-рўйи ўзида эди. «Бугун неча соат ўқиймиз?» деб сўради. Мендан эмас, гўё ўз-ўзидан сўрагандай».

Бошқа ҳеч нарса демади. Кейин бу гаплар чиқди. Ишонгинг келмайди. Юраги ҳам бор экан-да. Қиз боланинг ўз оёғи билан поезд тагига ташлаши... Даҳшат! Эшитиб, қўрқиб кетдим. Ҳафтагача уйқу элтиши билан поезд чинқирганча устимга келгандай бўлаверади. Бечора Адолат...

Муҳаббат Қурбонова: «Ҳамма билан муомаласи яхши эди. Тўғри, баъзан дарс пайти хаёл суриб ўтирадиган одати бўлгучийди. Айниқса сўнгги пайтларда. Ўша куни бешинчи соат тугашига яқин ёнимга ўтиб ўтирди. Кейин мени туртиб: «Агар мен шу бугун ўлмасам, бошқа ҳеч қачон ўлмайман», деди. Бу гапларни (ўлим ҳақида демоқчиман) биринчи марта айтиши эмасди.

Сабабими? Ота-онаси бир вақтлар ажрашиб, яна бирга яшаётганларига тенгқурларидан номус қиларди...» (Адолатнинг синфдошлари берган кўрсатмалардан).

Ўша куни олтинчи соатда ҳам машғулот бор эди. Адолат эса айнан шу сўнгги машғулотларга қатнашишни истамаган. Чунки, дарс тугагач, ҳаммаси уйларига қайтишади. Биргаликда. Кейин... темир йўлгача шундай юриб келишади. Темир йўлдан кейин ҳам йўлда давом этишга тўғри келади. Адолат ўша жойга — сўнгги манзилига бемалол етиб боролмайди. Сезиб қолишади, ҳалақит беришади. У эса уйга қайтиб бормаслиги керак — эрталаб ойисига шундай деган: «Қайтиб келмайман, ўзимни поезднинг тагига ташлайман». Ҳа, шундай деган: «Қайтиб келмайман»

Қарори қатъий эди.

«Сўнгги дарсда мен кирдим. Ҳаммага бир қур назар солиш одатим бор. Шундай ўзингга тикилиб турган нигоҳлардан кўп нарсаларни илғаб оласан.

Ҳарқалай сўнгги соат — болалар чарчашган. Шу қирқ беш дақиқани ҳам бир амаллаб ўтказиб, уйларига югуришса... Уйда ҳам талайгина юмушлар кутиб ётибди. Рўзғорнинг майда-чуйдаси, молҳол. Қолаверса пудратга олинган бир-икки гектар ернинг бутун оғирлиги бечоралар зиммасида.

Сўнгги пайтда марказий телевидение ҳам, республиканики ҳам тонг қоронғусидан бошлаб қизиқарли эшиттиришлар беради. Эстрада қўшиқларига ҳавасманд ёшлар уйқудан воз кечиб бўлса-да, ўша кўрсатувларни қолдирмасликка ҳаракат қилишади. Баъзиларнинг дарс пайти уйқу элитиб, кўзлари юмулиб-юмулиб кетишлари шундан.

Икки ўқувчидан уй вазифасини сўраб, навбатдаги дарс мавзусини ёзган пайтимда Адолат қўл кўтариб «мазам йўқроқ, бошим оғриб турибди», деб рухсат сўради. Асли врачман, мактабда химия-биологиядан дарс ўтаман. Медпункт ҳам ихтиёримда. Врачлик бурчим туфайли кўздан кечиришим, зарур ёрдам беришим керак эди. Лекин бу таклифга Адолат кўнмади. Уйга кетаман, деб туриб олди. Пешонасини ушлаб кўрдим, иссиғи йўқ. Ўсмир қизларда тез-тез бўлиб турадиган касаллик деган хаёлга бордим. Қиз боладан синчиклаб-суриштиравериш одобдан эмас...

(Ўқитувчи врач Тешабой Отажонов шундай деб ўзини оқлайди. Унда ҳам айб йўқ. Бўладиган иш...)

...Адолат ўша даҳшатли манзилга бир ўзи борди. Поезд устма-устига чинқириб, сигнал берганида юраги кўкрагини тешиб, отилиб чиқаётгандай ураётганини сезди. Поезднинг қип-қизил «пешонаси» устига бостириб келганидагина кўзларини юмушга зўрға улгурди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрталаб Адолатнинг уйида нима бўлганди?..

«Сигирни соғиб қайтаётганда, кўчада кимларнингдир қичқиришгани, уришгани эшитилгандай бўлди. Қўшнимнинг ёмон одати бор — биров билан ғижиллашаётганда кўриниб қолсанг, дарров сенга ёпишиб вайсайди. «Ҳа, томоша керакми? Ўзинг-чи, ўзинг? Оймисан, кунмисан?..» Э йўқ, бе йўқ ёқангдан олиши ҳеч гапмас. Билганимдан эътибор бермадим. Сутни холодильникка қўяётганимда қизим мактабга кетаман, деб эшикка йўналди. Эшикни очган пайти «Не гўр бўлсанг бўл! Уйга қайтиб келма, қорангни кўрмай сен ифлоснинг» деган қарғишини эшитдим. Қўшним бу гапларни кимга айтаётибди, англамадим. Пешинда «Шокирнинг қизи ўзини поезд тагига ташлабди», деган гап тарқалгандагина эрталабки сўзларнинг эгасини ҳам, сабабчисини ҳам билдим.

Бечора қиз. Муштдеккина боши билан катталарнинг ишини қиларди. Шунча югур-югури бўлса-да китоб ўқишга вақт топарди. Мен энди баъзида боғдами, ҳовлисидами кўриб қолганимни айтаман-да...

Ота-онасими?.. Ҳм-м. Ёмон гапирсам мусулмончиликдан бўлмас. Айниқса қўни-қўшни ҳақида. Фақат қўшни эмас, эримнинг амаки-оғайниси бўлади. Икки йилдан ошди-ёв, борди-келдимиз узилган. Тандирингни молхонамизга яқин қурдинг, ўт қўйиш ниятинг бор, деб жанжал кўтарган. Тўйдами, маъракада эл-юртдан уялгандан бир кўринган бўламиз. Ҳа, айтгандай, Адолатнинг жасадини касалхонадан келтиришган куни болаларнинг отаси билан чиқдик. Азадор аёллар ёнига бориб, йиғловга қўшилганимни биламан. Турдигул (Адолатнинг онаси) ёқамдан олиб бўға кетди. «Мана шу қизимнинг бошига етган. Оғзингдан қонинг келсин» деб қарғади. (Илойим, ўзингнинг оғзингдан лахта-лахта қон келсин!) «У дунё, бу дунё рози эмасман...» деб солди жанжални, солди жанжални... Қўлидан зўрға ажратиб олишди. Ҳафта бўлди, мазам йўқроқ, бошимга қаттиқроқ урибдими, юрсам бошим айланади, миям оғрийди. Дўхтирларга ҳам кўриндим...»

(Қўшни ва қариндош Бекпошша опанинг гаплари ҳам эрталаб бўлган воқеага аниқ тасаввур беролмайди.)

Эрталаб нима бўлганди?!

«Билмайман, менда эс қолдими. Мен тамом бўлдим. Гулдай қизим ўзини нобуд қилса-я? Мана юрагим ёниб кетяпти, юрагим! Энди ништиб яшайман, мен бахти қаро ўлсам бўлмасмиди. Ув-в-в».

Эрталаб нима бўлганди?!

«...Чой ичмади. Иштаҳам йўқ деди. Кечаси ухламай, китоб ўқибдими, кўзлари қизарганди. Кейин мактабга кетди».

Эрталаб?!

«Кечқурун бир иш буюргандим, эсидан чиқарибди. Шунга койигандим, ўзидан-ўзи қизишиб кетди. Бетимга чопди. Сал жаҳлим тез, ёшликда касал бўлганим асорати. Шунда ҳам қаттиқ гап айтганим йўқ. Тушунтирмоқчи эдим. Тумтайиб, рангини бузиб олди. Мен ҳам ўзимни босолмай, не бўлсанг шу бўл», дедим. Шунда «мендан бир йўла қутуласиз, уйга қайтиб келмайман», деди...»

«Қайтиб келмайман».

«Болажоним-ай. Гапинг ростлигини билганимда ўзим темир йўл ёқасига чиқиб, йўлингни пойлаб ўтирсам бўлмасмиди? Ўзим сен учун поезд тагига тушсам бўлмасмиди?..»

«Ўзим... ўзим... ўзим...» Лекин, «Ўзим» эмас, Адолат поезд тагига ётди.

«Ўзим... ўзим... ўзим...» Афсус Адолат эмас, ҳозир шу воқеани «Ўзим» айтиб ўтирибди.

Кечқурун нима бўлганди?

«Зўр қиз эди. Дугоналарим ичида у кўпроқ ёқарди менга. Уйида бирор ёмон гап бўлганки, жонига қасд қилган. Онасини ҳам ёмонлаш ниятим йўқ. Бировлар... Воқеа бундай бўлган: товуқлар қўноғига қайтмаган. Адолат укаси Усмонбек билан қидириб-қидириб топиша олмабди. Қайтиб келишса, онаси ҳеч нарса сўрамасдан қичқира кетган. Ҳамманг кўрсанлар (!) Икки қадам нарини кўрмайсизлар. (Усмонбек ёшлигидан кўзи ожизроқ бўлиб, кўзойнак тақарди.) Шу гап Адолатнинг жон-жонидан ўтган. Қўшнилар ҳам эшитган бўлса керакда бу гапларни. Кейин жанжал чиққан. Яна ўз кўзинг билан кўрмагандан кейин бир нима дейиш қийин...»

Гулчеҳра Баҳромованинг мавҳумроқ тахминларига Каромат Қаландарова бир оз аниқлик киритгандек бўлади:

«Кечқурунми? Мен Адолатнинг уйига китоб сўраб бордим. «Рус тили китобим йўқ. Ўқитувчимиз қаттиққўлроқ. Уй вазифасини ҳаммадан сўрайди, ишламаганларни изза қилади.

Китобни чиқариб берди. Кетар пайтим, у бугун Ғафур билан учрашажагини айтиб қолди. Нимага айтди, билмадим, яқин олдими? «Қўрқмайсанми?» дебман ота-онасини назарда тутиб. «Нега, биз шунчаки дўстмиз», деди.

Кейин эшитсам, менинг китоб сўраб борганим онасига қўл келган. «Чиқонинг сенга ўйнашингдан хат келтириб берди. Ва сен эски иморат томонга бориб боғда... келдинг деган. (Адолат шу куни эски иморат ёқда Ғафур билан учрашган-учрашмаганини худо билади). Онаси «отанг келсин, сен бузуқининг таъзирингни бердираман», деган. Энди бировларнинг айтишича, отаси бу гаплардан эрталаб хабар топган. Мактабга кетишга шайланаётган Адолатни чақириб, бир-икки тарсаки урган, (Дарвоқе, Адолат касалхонада ётган пайти биз синфдош дугоналар кўргани борганмиз. Шунда онаси «Аҳмоқ қиз, отаси бир шапалоқ урганди, шунга ёш жонини азоблаб ўтирибди», деганди). Бошқалар эса ўша куни Шокир ака ишдан вақтли қайтган, хотинининг ёмонлашларига ишонган. Ўзи ҳам кайфияти бузуқроқ бўлганмиш. Отаси ёмон гаплар айтиб сўккан, урган. Хўрликка чидай олмаган Адолат ўзимни ўлдираман, деб канал томонга кетган. Аввалига қизиққонлик билан айтди, деб парво қилишмаган, бирпасдан кейин воқеа ҳақиқий тус олишини сезишганми, ишқилиб, отаси Адолатни канал бўйидан ушлаб, судраганча уйига олиб келган. Қўни-қўшнилар отасининг бўралаб сўккани, Адолатнинг йиғисини, онасининг эса «Бузуқининг ҳаққи шу! деганини эшитишган...

Ҳаммасига айбдор ота-онаси. Касалхонага борганимда ёқамдан олиб, урмоқчи бўлди. «Қизимга ўша кун кимдан хат келтиргандинг. Ҳаммасига сен айбдорсан, агар у тирик қолса бахтинг, унга бирор нима бўлса икки қўлим ўлгунча ёқангда бўлади», деди.

Кекса муаллим фожиага ёшларнинг тарбияси, болалар психологияси, ўсмирлар онгида рўй берадиган ўзгаришлар нуқтаи-назаридан баҳо беришга интилади.

«Айбдорми? Мен объектив қарайман. Аввало ота-онадан ўтган, Адолатда ҳам жиндак бор. Бир-икки шапалоқ учун ўзини поезд тагига ташлаш — тентаклик.

Салгина нарсага фарзандни уриб-сўкавериш ҳам ярамайди. Айниқса қиз болани! Қиз боланинг кўнгли гулдек нозик бўлади. Фикрим шу!»

Умуман фожиа нимага рўй берди?

Мактаб директори Раҳмат Мадраҳимов:

«Йил бошида «Аёл қисмати» (1988 й) мақоласи чиқиб, анчагина шов-шувларга сабаб бўлганди. Ўша пайти битирувчи синфлардан бирига раҳбар эдим. Директорликка анча кейин — учинчи чорак бошларида сайландим.

Ўшанда юқори синфнинг бутун ўқувчиларини йиғиб, мақолани муҳокама қилганмиз. Мулоқот очиқ, таъсирчан ўтди. Қизлар бу йиғилиш таассуротларини газетага ёзамиз, деб юришганди. Келиб-келиб мана бу гап осмондан «пақ» этиб тушиб турибди. Энг аълочи, интизомли қизимиз ўзини-ўзи...

Масъулиятдан қочяпти, деб ўйламанг, лекин ҳақиқатни айтиш керак, бу воқеада бутун оғирлик оиласи зиммасида. Отасининг мол-дунёга хирси баландроқ. Яхшигина участкаси бўлатуриб, яна битта данғиллама участка ҳам қурган. Ёзишма бўлибми, замоннинг кетишидан ҳайиққанми, кейинча ноқонуний ишларини ҳужжатлаштирмоқчи бўлган. Ўшанда кўпни кўрганлар маслаҳат беришган: хотининг билан ажраш, ўшанда ҳар бирингга биттадан участка тегади. Ҳозир болалари ва хотини билан бирга яшаса-да, қонуний никоҳда эмаслар. Сўнгги боласи онасининг фамилиясида.

Шундай оилада ўсган қиз, бир куни келиб ўзининг ҳам ор-номусига ҳақоратлар ёғилса, ҳар нега жаҳл қилса, қилади, ажабланишга асос йўқ.»

Оилада нима бўлганди?!

«Адолатни бунёд бўлганидан буён бир тарсаки уриш у ёқда турсин, қаттиқроқ гапирган ҳам эмасман. Одамларга қарасанг, нималарни тўқиб-бичишмайди.

Ўша гапдан бир кун олдин қўшнимиз билан айтишиб қолдик. Баҳона — ҳатто айтишга арзимайди: эшиги олдидаги тол новдани кимдир синдирибди. Шуни ўғлим Усмонбекка тўнкабди. Сўкинаётгани устига келиб қолдим. Кичкина нарсадан каттагина ғавғо чиқди. Жаҳл чиқиб, ақл қочди. Яхшигина сўкишдик, хотинлар миндириб қарғашди. Йўқ, йўқ, қўл кўтаришгача бормадик. Шунда қўшнимизнинг хотини Усмонбекнинг ёнида турган Адолатни қарғаб кетди. «Илойим, оғзингдан қонинг келсин». Энди армон, уришган биз катталару касри болаларга урди. Унинг қарғиши урди қизимни...

Никоҳ? Қанақа никоҳ? Ажралиш... Э, бу бизнинг шахсий ишимиз, ука. Ҳамма нарсага бурун тиқавермангда. Бошимга тушган мусибат етмай турибдими? Уйнинг ҳамма ҳужжатлари бор. Ҳалол пулимга тиклаганман. Бировнинг уйига тушиб, ўғирлик қилганим йўқ. Билдингизми? Нима, сизнингча ҳамма ўғри эканда? Ҳали бу гапингизга жавоб берасиз. Адолатнинг маъракаларини ўтказиб олай, мен ҳам биламан қаерга мурожаат қилишни. Қўлимда «қизил ҳужжат» бор, деб ҳамма ишга аралашаверар эканлар-да». (Отанинг гапларидан).

Ким ҳақ? Ким ноҳақ? Ким бетараф?

СССР Журналистлар союзи аъзоси, район газетаси ходими Жумабой Қозоқов изоҳи:

«Менга редакция топшириғи эмас. Адолат воқеасини ўша куни унинг синфдошлари қўнғироқ қилиб айтишди. Фожиани батафсил ёзиш керак эди. Боиси, район прокуратураси газетада мунтазам берадиган «Ҳодисалар хроникаси»да шунга ўхшаган, мазмунан бир хилда бўлмасада, моҳиятан уйқаш воқеалар учраб турарди. Масалан, ярим йилдаёқ икки нафар ўқувчи қиз ўз-ўзини осиб ўлдирди. Битта заҳар ичгани зўрға омон қолди.

Фожиани бор бўйича ёзиш истаги шу сабабли туғилди.

Адолат ётган касалхонага бордим. Даволовчи врач билан суҳбатлашдим. «Кириб кўришингиз мумкин. Лекин, гапни англамайди», деди. Ёнида ота-онаси борлиги сабабли киришга журъат этмадим. Қизнинг шу аҳволда ётгани, эл оғзидаги гаплар, яна бу ёқда қандайдир мухбирнинг воқеани ўрганиб юргани бир бўлиб, оқибати янада ёмонроқ бўлмасин дедим. Баъзан «ўшанда киришим керак экан», деб ўксинаман... Сабаби, яқин қариндошларидан бириси айтиб берди: «Адолатни кўргани бордим. У мени кўриши билан йиғлаб юборди, қўлини кесишганини айтди. Далда бердим». Нима бу...

Кейин синфдошлари, тенгқурлари, мактаб раҳбарлари билан учрашиб, ўша кун ва шу кунга олиб келган сабаб-ҳодисаларни ўрганиб, жамлаб юрган пайтимда «Адолат вафот этди», деган совуқ хабар эшитдим.

Адолат вафотининг тўртинчи куни уларникига бордим. Онаси бошига оқ рўмол танғиб олган бўлсада, устидаги кўримсиз халати остидан гулдор кўйлаги кўзга ташланарди. Шунинг ўзиёқ бу хотинга муносабатимни белгилади-қўйди. Юзи-кўзидан, гапи-сўзидан қизи учун унчалик куйяпти, деб бўлмасди. Дувдув кўз ёшини оқизиб турган вақти савол берсангиз, дарров қиёфаси жиддийлашар, аниқ ва лўнда жавоб қайтарар, гапида киноя бордек туюлаверарди. У ҳамма айбни қўшни хотин устига ағдарди. Адолатнинг бир йигит билан гап бўлганлиги ҳақидаги сўровга индамасликни маъқул кўрди. Кичкина фарзанди нимага бобосининг номида эканлигига ҳам жавоб қайтармади. «Шунча тортган азобим етмасмиди, бу яна не кўргилик» деб уввос солди. Кетаётганимда «Буларни нима қиласиз, газетага ёзасизми? Каттайтириб нетасизлар, отаси ўзим «босди-босди»қиламан, деб юрганди-ку...» деди.

Босди-босди! Ота фарзанди ўлими сабабларини аниқлатиш, айбдорни одил суд қилишлари учун ҳаракат қилиш ўрнига, ўзи шу ишни ҳас-пўшлаш учун югуриб юрса... Шунинг ўзиёқ айб кимда эканлигини кўрсатмайдими? Бундай разил ота билан учрашиш бефойда эди, қариялар нокасга юзинг тушса, насибанг қайтади, дейишади.

Медицина экспертизаси хулосаси Адолатнинг иффати бутунлигини кўрсатди. Миш-мишларга зарба берилди. Ота-онасининг қизини бузуқликда айблашгани ҳам нотўғри бўлиб чиқди.

Мана шуларнинг ҳаммасини ёзиш керак эди. Шундай ёзиш керакки, токи азиз сингилжонларимиз бу фожиани такрорламасинлар, бу ёшларга ҳам, бағритош ота-оналарга ҳам аччиқ сабоқ бўлсин. Одамнинг пасткашлик даражаси ўлчови йўқлиги, тубанликнинг нималарга қодирлигини одамлар яна бир карра билиб қўйишсин.

Ёзишга киришгандим, лекин... Ҳуқуқ-тартибот органи вакили билан учрашдиму, мақола ёзилмасдан қолди. Бу журналист сифатидагина эмас, бир инсон сифатида Адолат каби кўнгли пок қизлар олдида виждоний хатоим бўлди. Энди вақт ўтган...»

Терговчи Бобохон Аҳмедов:

«Практикамда бундай «иш»га биринчи дуч келишим. Сизлар воқеанинг маънавий томонини оласизлар. Айтяпсизки, ота-онаси айбдор эмиш. Энди шу воқеанинг ҳуқуқий томонларини олиб кўрайлик.

Марҳум Адолат Абдуллаеванинг эксперт хулосасида унинг тан жароҳати олганк ҳақида гап йўқ. Чунки, агар олдин нима бўлган бўлсада, поезд етказган жароҳат буларнинг ҳаммасини «босиб кетган». Ота-онасини чақирсанг, мактабни қоралашади, қўни-қўшнига тўнкашади. Ёки қизининг олдинлари ҳам бир неча марта ўзини ўлдириш мақсадида сувга ташламоқчи бўлган, руҳий касали бор дейишади. Ҳозирги медицина бу касаллик белгисини чуқур текширишлар орқали, унда ҳам фақат тирик организмда аниқлашга қодир.

Қани кимга айб қўйиш мумкин? Ота-онаси (бизнинг тилимизда буни «жабрланувчи томон» дейишади) арз қилмагандан кейин... «иш» таркибида жиноят состави йўқлиги сабабли ёпиб юбордим.

Биз ҳам ожизмиз».

Мақола автори сифатида айтадиган гапим қолмади. Адолатни икки рельс оралиғига олиб борган (шундай деса тўғрироқ бўлади) нима эди? Бу рельснинг бир томони — оила муҳити, яна бир томони атроф-теваракдаги ўсмир тасаввурига сиғдира олмайдиган ҳодисалар. Ун гулидан бир гули очилмай туриб, ўз қўли билан ўз гулларини пайҳон қилган қиз — Адолат ҳақмиди? Уни даҳшатли интиқомга итарган нарса фақат ўша — оила ва муҳит орасидаги келишмовчиликлар холосми? Адолатпарвар сингилжонлар ўз тенгқурининг бу «жасорат»ига қандай муносабат билдиришади? Адолат Адолат томонидами? Бу лаънати рельснинг биз илғамаган, ҳатто ҳуқуқ тартибот органлари тартибга чақира олмайдиган томонлари — кўз илғамас қатламлари қайда? Уларни ошкор этишга кучимиз етадими?

Демак бу ҳам сўнгги шарҳ эмас...

Рўзимбой ҲАСАНОВ,
Хоразм области.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеърият

Азиз САИД

Умидлар гуллар қайтадан

Вақт
олов тилларини
чўзар кўзимга,
Умиднинг қўллари
жизғанак бўлар.
Вақт
олов тилларини
чўзар кўзимга,
Тафтида
умидлар
қайтадан гуллар.

* * *

Кеча йиғлар қора сочига
Қадаб синган ой — тароғини.
Шамол секин ўрмалаб сувдан
Судраб чиқар бўш чаноғини.
Дили қани Бедилнинг?

Қушнинг бўм-бўш уясин дарахт
Туни билан чиқар пайпаслаб.
Капалаклар тонгни уйғотиб
Саҳроларга кетади бошлаб.
Дили қани Бедилнинг?

Чумолилар учар фалакка
Нигоҳларин пуфлар кўзлари.
Юлдуз тушар ҳовуз тубига
Балиқларга айтар сўзларин.
Дили қани Бедилнинг?

Тошбақалар мисқол-мисқоллаб
Ўлчаб берар бахт ҳамда алам.
Қарға тақдир тошини қирар
Тумшуғида қадимий қалам.
Дили қани Бедилнинг?

Шафақ аста йиртилиб оқар
Бир кўза сут бийдай саҳрога.
Карвон жилар, қўнғироқ йиғлар
Савол бериб гумроҳ дунёга.
Дили қани Бедилнинг?..

Куз

Сарин боғ.
Япроқлар — титраган ваҳм
ёғийлар ҳужуми кутилаётир.
Илдизлар — қўйинда асралган пичоқ
сокинлик — хавотир — тўкилаётир.
Оч қолган дайди ит — шамол — рангсиз тил кўчани ялайди,
Сўнгги куч деворга тирмашар ва боғнинг устига қулайди.

Қоқ тушда
Туш кўрар аёл:
Майсазор,
Қучоқ очган тун.
Қучоқ очган...
Қучоқ оч...
Қучоқ...
Қуч...
Уйғотиб юборар аёлни
Лабларида эриган қуёш.
Қарар. Туш. Сокинлик.
Шошиб кўзларини юмади аёл.

* * *

Қора кун
Қора от қоқилар.
Йиқилган чавандоз қўйнидан
Юмалаб кетади қора нон,
Ютади оппоқ илон.

Оппоқ кун
Оппоқ от қоқилар.
Йиқилган чавандоз қўйнидан
Юмалаб кетади оппоқ нон,
Ютади қора илон.

* * *

Судраб келар чумоли,
Фурсатнинг йиртиғидан
Судраб ўтар донини.

Кулиб қўяди чумчуқ...
Кулиб қўяди пахса...

* * *

Оч илондай судралиб ўтган,
Кунларимга боқаман ҳайрон.
Кўпдан буён юрак ҳам бўм-бўш
На шодлик бор, на рост, на ёлғон.

Ахир юлдуз ҳар тун чархида,
Турфа тақдир ипин йигирар.
Дарахтларнинг зангор тушига,
Жуфт-жуфт бўлиб соялар кирар.

Мен-чи сира ушлай олмаган,
Ўйларимни яшайман қарғаб.
Ва чақириб кўҳна ғамларни,
Томиримга чиқаман боғлаб.

* * *

Дўстим, сен менга
қарамагил сўнгги умид деб,
ҳали осмонда юлдузлар бор,
булут бор ахир,
баҳор бор ахир,
Куйлашим мумкин
кундузларни,
оппоқ тонгларни,
дўстлар борлигин.
Қийнасалар,
алдасалар ҳамки
вужудим,
юрак тирик,
куйлашим мумкин
истакларни,
соғинчларни,
хаёл борлигин.
Ишонтирма мени дўстгинам
севгиларнинг рўёлигига,
ўпич, соғинч
ҳамда алдовлар,
ўтиб кетар дунёлигига.
Тугаётир деб алдамагил
табиатнинг садақалари,
дарахтлардан ясалаётир,
ҳали тобутлар,
қабрлар пойига
темирдан эмас,
ҳақиқий гулчамбар
қўйилаётир.
Юксакроққа чиқсанг ҳали ҳам
Қашқирлар увиллаб қўяди сенга,
саҳролар кенглигин хаёл қилсанг гар
илонлар, чаёнлар пешвоз
йўлингга.
Саъвалар беихтиёр сайраётирку
қафасларда дунёга келиб.
Зеро чашма кўрмагансан
хурсандсан аммо,
фавворалар чиройидан
жўшиб энгикиб.
Дўстим, менга
сўнгги умид дея қарама,
эшитдинг-ку тугамаган
табиатнинг садақалари.
Мен ҳали тирикман,
куйлашим мумкин.
Навоийдан қолган
қадимий соз бор!
Еш қотган кўзларла
додлашим мумкин,
юракда туғилган
телба овоз бор!

Исмоил МАҲМУД

Сукут ниғоҳ бўлинди

Қайдин сенга дуч келдим,
Нега менга бу азоб?!
Билмайман, бу қадамим
Гуноҳми ёки савоб.

Ўнгиму тушларимда
Бир ўзинг бўлиб қолдинг.
Соғманми, телбаманми,
Билмайман, билиб олдинг...

Нимасан? Бахтми, фоже,
Айрилиқми ё висол.
Е сўнгги туш олдидан
Кулиб боқдингми, Иқбол?

Нимасан, тонгми ё тун,
Қувончмисан ё алам?
Ким бўлсанг-да, бил шуни
Сен менга ёруғ олам!..

* * *

Сукут ногоҳ бўлинди,
Икки қуш бўлди пайдо.
Бошимизда чарх урди,
Бири-бирига шайдо.

Лол қолдирди табиат
Ўз қудратига такрор,
Не бўлса кўнглимизда,
Улар этишди изҳор.

Руҳимиз қуши янглиғ
Чарх уриб учди роса.
Сўнгра бизни бағрига
Олди чўққилар оша...

* * *

Яна қаршимдасан масъул, бокира,
Пойингда сукутга айланар шаклим.
На қалбим тафтини сезаман бу чоғ,
На юрак уришин илғайди ақлим.

Қанча вақт рўбарў турдим юзма-юз,
Лаҳзами, соатми, кунми, асрми?!
Қотиб қолган гўё Вақт тиллари,
Поёним номаълум, чоҳми, қасрми?

* * *

Сенга сиғинишим мумкинми, айтгил,
Битта сўз демасдан сукутда қотиб.
Порлоқ руҳингнинг қароргоҳида
Бевафо дунёни тамом унутиб?

Кўнглим таскин излар, тин излар руҳим,
Мен уни қаердан топай, бер садо?
Изн бер, муқаддас сукунат, изн,
Ўзлигимни ўзим англаб олай то!..

* * *

Энди сени қандай асрайман?!
Ақлим ёнар, юрагим ёнар,
Борим ёнар, оҳ, жоним ёнар.
Энди сени қандай асрайман?

Қалб ларзада, дил остин-устун,
Ўт ичида ҳаётим бутун.
Кул қилмоқда бу ўт туну кун
Энди сени қандай асрайман?..

* * *

Қийин экан бор гапни айтмоқ,
Қийин экан юзма-юз... Ҳайҳот,
Юрагингдан отилиб чиққан
Сўзлар сохта, туюларкан ёт!

Сукут... сукут, муқаддас сукут,
Энди сенсан мининг кўзларим.
Энди сенсан мининг кўзларим,
Сукут... сукут... муқаддас сукут!

* * *

Сен кетдинг... изингдан изма-из кетдим,
Излар адаштирди, излар чалғитди.
Изингни кўзимга суртмоқчи эдим,
Изингдан изларим ёмон қалқитди...

Сендай бир мусофир эдим бу юртда,
Танимасдан сендан бошқа ҳеч кимни.
Наҳотки, мен сени қўйдим йўқотиб,
Наҳот адаштирдинг тиниқ тушимни?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асрор МЎМИНОВ

Сўров

Доктор, энди қадам қўйдим ҳаётга,
Қўлим битармикин беқусур бўлиб?
Суяниб қолмайин метин саботга,
Ҳали ирмоқлардай оқмадим тўлиб.

Тоғлар орасида ота маконим,
Ҳар кун қояларга тушади йўлим.
Чўққиларга чиқиш орзу-армоним,
Жазм этиб чирмашсам ярарми қўлим?

Ҳеч вақт виждонимга боролмайман тик,
Чавандоз умримда яшайман ҳалол.
Йиртқичлар ваҳмаси солмасдан ҳадик,
Тоғда юртдошлардай юрай беқурол.

Тўйларимиз ўтмас кураш, улоқсиз.
Майли, йиқилсам ҳам кўрайин майдон.
Тулпорим минишга бўлмай яроқсиз,
Улоққа боқмайин юрагим вайрон.

Ҳаётий синовлар синайди чоғим:
Ҳали дуч келаман сел тўлган сойга,
Ҳали кўп кўчкилар қоплар сўқмоғим,
Ҳали кўражакман каттакон пойга...

Тоғлар орасида ота маконим.
Тоғликнинг ҳамрохи соғлом тан-қўли.
Доктор, токай бунда орзиқар жоним,
Мени кутиб қолди чўққилар йўли!

Курашчи

Кураш майдонида қотди суяги,
Зафар қучиб, тушди элнинг кўзига.
Ўзини танитган майдон юзига.
Сўнгги беллашувда тегди кураги.

Балки, пичагина жамласа кучин,
Нақд эди ғалаба ғаштини сурмоқ.
Шу боис, оғирдир курашчи учун
Кўпроқ шоҳсупада иккинчи турмоқ.

Бироқ, зил кетмади унинг ичига,
Қалбидан йўқлиққа чекинди шўриш.
Ахир, куч қўшади чин курашчига
Ўзидан кучлининг борлигин кўриш.

Ғолиб-чи, майдонни шу кун тарк этди,
Қўпол бузиб кураш анъанасини.
Янада кўтармай пастлатиб кетди,
Шоҳсупанинг баланд поғонасини.

Курашчи кўнглида туғилди орзу,
Кузатган чоқ майдон бегонасини.
Кураш майдонида кўтармоқчи у,
Шоҳсупанинг баланд поғонасини.

Тавалчуд

Назмбозлар тош отиб она тилимга,
Элим ўртасига солди ғулуни.
Ахийри, бу тошлар ботди элимга,
Дунёга келтирди шоир ўғлини.

Ҳар тил қудратининг чексизлигига,
Алишер Навоий қўйди эътиқод.
Тимсол этиб тилим тенгсизлигига,
«Хамса» ҳайкалини айлади бунёд.

Тиним нелигини биларми замон,
Қанча ўзгартирди сувлар йўлини.
Бироқ, бизнинг элда ўшандан буён
Шоир туғиляпти суйиб тилини.

* * *

Ҳажр кунларида қайғурсам агар,
Сен менинг ҳолимга ачинма зинҳор.
Аввал ўз ҳолингга ташлагин назар,
Эҳтимол ўзингга қайғудош даркор.

Ерим билан ўтган бахтиёр дамлар,
Умрим китобини безаб турибди.
Баъзида қалбимни эзмасин ғамлар,
Кўзим узоқларни кўзлаб турибди.

Ошиқ-маъшуқларга керакмас ҳамдам.
Агар мойил бўлсанг ачинмоқ учун,
Бу дунёда яшаб умрида ҳечам
Севмаган кишилар ҳолига ачин.

Оҳанглар акси

Муҳаммад ИСМОИЛ

Муҳаммад ИСМОИЛнинг шеърлари ўз тенгқурларининг шеърларидан кескин фарқ қилади, бу ҳол ҳам қувонарли, ҳам ташвишли. Қувонарли жойи шуки у ҳеч кимга тақлид қилмайди, ташвишли томони у ўз овозига доимо содиқ қола оладими, деган андиша. Биз кўп ёш шоир дўстларимизга оқ йўллар, кафолатлар тилаб, ишонч билдирамиз, лекин охир-оқибат шеърнинг ўзи ўзи учун жавоб беради. Муҳаммад ҳозир айни изланишлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу изланишлар замирида қадимий турк-ҳинд оҳанглари, бугунги жаҳон шеъриятидаги усуллар қоришиб намоён бўлади.

Муҳаммад Исмоилнинг шеърларини ўқувчиларга тавсия қиларканман, унинг ҳам ўз мухлислари, ўқувчилари кўпаяди, деб умид қиламан.

Рауф ПАРФИ.

* * *

Тўйи олди. Келди у. Тун эди.
Кутди у. Кутди у. Кетди у.
Бетайин тун қолди мен билан.
Тунни қув, кўнгил кўн, кел энди.

Ҳатто ўпмаганим алами,
Фавворадай сачрар хаёлий —
— Ҳаёт нурин ҳур камалаги,
бахтнинг мангу тутқичсиз ёли.

Йигит ишқ аччиғида
Ўчакиб пичирларди:
— Иқрор бўлса ишқига
уни ташлаб кетардим.

Рад қилгани учун ҳам,
қилиқлари яхши-ёв,
онда-сонда кўриниб,
суюмлига ўхшар-ов.

Билади-да сир олиб,
суйкалишдан тўхтасам,
куймоқ сеҳри ўзида,
бошланишин мунтазам.

Ҳолим менинг ҳолсиз қолди
Ҳолинг не ҳолга солди.
Ҳоли бўлолмайди-ей
Хаёлларим шамоли.

Ҳаёми бу, ҳолингни
яширади рўмолинг?
Рўмолни ёлладингми?
Толдим-ей, хиёл олгин.

Ол юзингни болига
тўёлмадим тотли-ей.
Уялмагин иболи,
бўлай ҳолинг уволи.

* * *

Ҳижроннинг сандали
кўпикдек.
Куймадик.
Кайвони соғинчнинг ёнгани
Тонгани
Сенга сўзим йўқлиги учун
Кап-катта хусумат
сўрайверар нафақа
— ишлаб бераяпман,
мадорим билан.
Ўтса бас, лоҳас кун
ўтса бас.
Вужуд гумаштаси,
ёдинг, мени ўқишга
етмас бугун саводи
етмас.

* * *

Севгингдан ҳаволаниб,
гуруҳ-гуруҳ гуноҳларим тусагани,
санғитмоқ афсусларни.
Сен кетасан ҳислатга сингмаган муҳаббатим.
Менга қайтар товба-ю тазарру саодати.

* * *

Қаноат қондирмаган, бева қолган ул аёл
биргина либос билан ардоқланувчи ҳалол
вужудини энди-да кимларгадир кўрсатиб
кийинар эвазига кўрк очиб, кўз ўйнатиб,
қартайган онаси ва етим, оч боласини
тополмай боқиш йўлин ўзгача чорасини.
Бироқ уй тўридаги қолган-қутган қадрни
очлик ҳар кун учиради, қадр учар ҳар куни
аёлнинг кўйлагидан йиртиб бир парчасини
куйинмасдан, куймасдан, кўрсатаркан
барчага
барча қарар: қўша-қўша кийинса ҳам у аёл
кўча-кўйда ялонғочдай кўринарди
бемалол.

* * *

Қурбақалар шўнғиган
ариқдан сув ичсанг,
мижози сингади деб
буриштирма афтингни.

Ярангга малҳам истаб,
талқон қилиб илонни,
ер бўлсанг, гоҳ у сабаб
сақлаб қолгайсан жонни.

Болам менга қара деб
мўъраб турганда сигир.
Қайрилмасанг, қайишмасанг
Юрагингдан юз ўгир.

Шеърият

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мулоҳаза

СЎЗИМИЗ — БЕШ ЮЗ МИНГДАН КАМ ЭМАС

Алибек РУСТАМОВ — Маънавий нуқсон ваҳшийлик ривожининг бош сабабчисидир. Маънавий ташналик ҳақиқий инсонда ҳеч қачон йўқолмайди. Шундай экан, уни қондириш ҳақида тинимсиз қайғурмоқ керак.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — Қайғуриш тинимсиз бўлмасачи?

А. Р. — Фисқу фасод авж олиб, жамият тушкунликка учрайди. Оламшумул эзгу ишларни амалга ошириш истеъдодига эга бўлган авлод сунъий равишда фалаж қилинади. Бизда шахспарастлик даврида турли соҳаларда бўлганидек инсоншуносликка оид илму фанларга катта зарар етди. Фаол ва билағон олимлар йўқотилди ёки ўз вазифасидан четлатилди. Ҳозир табиатнинг муҳофазасиз қолиши, касаллик ва турли дориларнинг кўпайиши, ёшларнинг ўзини ўзи ўлдириши, ахлоқнинг бузилиши ўша сиёсатнинг натижасидир.

Х. Д. — Тил билан боғлиқ нуқсонларнинг муайян сабаби нимада?

А. Р. — Бунинг тилшуносликдаги асосий сабаби Ғози Олим Юнусов, Е. Д. Поливанов, Фитрат каби кўпгина олимларнинг ўзлари репрессия қилиниб, асарларини ўқиш ва зикр қилиш маън қилиниб, ўзбек тилини нормага солиш баҳоси билан ҳамма жиҳатдан чеклаш бўлди.

Х. Д. — Нормани қандай тушуниш керак?

А. Р. — Норма аслида тилда адабий анъанани сақлашдан иборат бўлмоғи керак. Бизда унинг акси бўлди. Масалан, ўзбек адабиётида феъл замоннинг озарбайжонча «келмишам», туркманча «келман», яъни келмайман деган формалари, изофанинг «мард-и майдон» каби тожикча шакли ва «абаду-л-обод» сингари арабчаси ишлатилади. Лекин шуларнинг ҳеч бири булар ўзбекча эмас деб мактаб дарсликларига, ҳатто олий ўқув юртларининг грамматикаларига киритилмайди. Натижада олий маълумотли ёшларимиз мазкур формаларни тўғри тушуниб тўғри ёзолмайди.

Луғатга келсак, масалан, «қуёш» сўзининг классик адабиётимизда «офтоб», «шамс», «хуршид», «хур», «меҳр», «кунаш» деган маънодошлари бор. Нормачилар мана шунча сўзнинг фақат биттасини луғатга киритиш керак деб, бошқаларини ҳам киритиш керак деган кишини қолоқликда, миллатчиликда, араб ва форспарастликда айблайдилар. Чеклаш, ҳатто бузиш сўз маъноларини изоҳлашда ҳам учрайди. Натижада луғат тузиш учун кетган маблағ ва меҳнат маҳсулсиз зойи бўлади. Чунки «қуёш» сўзининг маъносини билиш учун луғатга мурожаат қилинмайди. Энг ёмони, халқнинг билим савияси пасайиб кетади. Дунё луғатчилигида минг ва ундан ортиқ даврга оид ҳамма китобларни ҳисобга олиш қоида бўлишига қарамай бизнинг изоҳли луғатимизда охирги 40 йил ҳам тўлиқ қамралмаган. Абдулла Қодирийдан олинган бир неча мисол, аслидан эмас, ўзгартириб босилган китобидан олинган. Мамлакатимиздаги қайта қуриш ҳаракати ҳозир мазкур нуқсонларни бартараф этишга катта йўл очиб берди. Аммо биз тилшуносларнинг янгича фикрлаш ва самарали амалга ўтишимиз қийин бўлаяпти.

Профессор Алибек РУСТАМОВ билан суҳбат

Х. Д. — Домла, ҳамон аҳвол шундай экан, тилшунослик бобида ҳозирги энг зарур вазифалар нималардан иборат бўлмоғи керак?

А. Р. — Биринчи навбатда ўзбек тилининг тўла изоҳли луғатини нашр этмоқ зарур! Унга Навоий давридаги, ҳатто ундан илгариги ёзма манбаларда мавжуд сўзлардан тортиб то ҳозирги интернационал атамаларгача — бари-бари киритилиши лозим. Шевалар ҳам бор бойлиги билан луғатдан жой олсин. Токи, масалан, Хоразмда тунаган тошкентлик меҳмон ташқарига чиққанида уй эгаси «эҳтиёт бўлинг, ўра бор», деганда оёқ остига қараб бошини устунга урмасин.

Х. Д. — У ҳолда жами сўз бойлигимиз қанча бўлади деб ўйлайсиз?

А. Р. — Буни аниқ айтишим қийин, аммо тахминимча беш юз мингдан кам бўлмайди.

Х. Д. — Домла, дунё-дунё маъноларни англатувчи сўзларимиздан жоҳилларча воз кечганимизда ёшлар тарбиясига оид талай-талай одобнома сўзлардан ҳам юз ўгирган эканмиз-да?

А. Р. — Секинроқ айтасизми, укажон! Шарқона тарбия илмида олти «Ваҳдит» деган сўзнинг фалсафий маъносини билган киши табиатга ва ўзга кишиларга уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъи назар яхши муносабатда бўлади. «Нафс-и аммора» ва «нафс-и лаввома» деган ибораларни тушунган бола амалдор бўлганда порахўр ва бузуқи бўлмайди. Ҳозир мактабни эмас, олий ўқув юртини битирган ўғил-қиздан сўранг, мазкур сўзларни эшитмаган ҳам. Ваҳоланки, илгари фарзандлар 4—5 ёшдан ўтмай бундай тушунчалар уларнинг қулоғига қуйилган.

Х. Д. — Ўтган йили журналимизда «Навоийхонлик» сарлавҳаси остида эски ўзбек алифбосини ўргата бошладингиз. Дастлабки мажлис — машғулотлар чиқиши билан кўплаб журналхонлардан миннатдорчилик хатлари олдик, ҳамон олаяпмиз. Улардан маълум бўлишича, эски ўзбек ҳарфларини ўрганишга иштиёқи баланд ёшлар жуда кўп экан. Редакцияга келган хатларда бевосита Сизга, машғулотни давом эттирган Маъмура Рашидовага миннатдорчиликлар изҳор этилган. Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидан А. ҚОБИЛОВ, Андижон область Комсомолобод районидаги Педагогика билим юрти толибалари М. ҚАЮМОВА, Д. ДАМИНОВА, Л. ШЕРАЛИЕВА, Фарғона область Риштон районидан А. ТЎХТАСИНОВ, В. НАЗАРОВ, ТошДУ ва ТошПИнинг бир гуруҳ талабалари, Каттақўрғон шаҳридан О. ҲАЙДАРОВ, Ленинск шаҳридан Т. АБДУРАИМОВ, М. ҚУЧҚОРОВА, М. РАЖАПОВА, М. ЮСУПОВ ва бошқа кўплаб журналхонлар редакциянинг мазкур саҳифасидан беҳад хурсанд эканликларини маълум қилганлар. Андижон район Найман қишлоқ советидан Муқаддас КАРИМОВА араб тили мутахассиси бўлиш учун қайси фанларни пухта эгаллаш зарурлигини сўраган.

А. Р. — «Навоийхонлик» саҳифасининг аҳамиятини тўғри ва холис тушунган барча дўстлардан миннатдормиз. Найманлик қизимиз саволига келсак, умуман, қайси соҳа кишиси бўлишдан қатъи назар барча фанлардан чуқур билим эгаллаганга не етсин. Бевосита араб тили мутахассислигини эгаллаш учун эса Тошкент университетининг Шарқ факультетига кириш, у ерга кириш учун чет тили, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда рус тилини мактаб ҳажмида яхши билиш керак.

Х. Д. — Иваново Энергетика институтида ўқиётган Ғ. Содиқов «Эски ўзбек тилидан янги алфавитга ўтиш қандай ва кимлар томонидан ҳал қилинган?» деб сўрабди. Булунғур район «Ғалабанинг 40 йиллиги» колхозидан хат йўллаган К. Нуржавовнинг саволи ҳам шунга яқин.

А. Р. — Араб ёзувига асосланган ўзбек алифбосида араб тилига хос товушларни билдирувчи ҳарфлар сақланган тожик ва ўзбек тилига хос ундош товушларни ифодалаш учун бир неча ҳарф қўшилган эди. Аммо туркий, жумладан ўзбек тилига хос ҳамма унлилар учун алоҳида ҳарф йўқ эди. Мана шуни ҳисобга олиб, араб ёзувига асосланган унли алифбоси — 20-йиллар бошида ислоҳ қилинди ва 1922 йилда маорифчиларнинг 2-қурултойида маъқуллатиб олинди.

1926 йилда Ўзбекистон Марказий ижроия комитетининг 4-сессиясида янги алифбо қарор қилиниб, аста-секин араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш бошланди ва 1930 йилда бу иш тўлиқ амалга оширилди. Бу алифбо 1935 йилда ислоҳ қилинди. 1940 йилнинг 8 майида Ўзбекистон ССР Олий Совети лотин ёзувидан рус ёзувига ўтиш ҳақида қонун чиқарди ва бу қонун амалга оширилди.

Х. Д. — Домла, охирги савол, телеэкранда Навоий ғазалининг шарҳида «ёр» деганда инсон назарда тутилган дедингиз. Ваҳоланки, Навоий «ёр», «висол» деганда худони ва унинг васлига етишни назарда тутган деган қарашлар бор. Шунга нима дейсиз?

А. Р. — Қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий Муваҳҳид, яъни ваҳдат эътиқодидаги киши бўлгани учун унинг ёри бутун борлиқ, жумладан ҳақ ҳам, инсон ҳам, табиат ҳам. Аммо Навоийнинг ишқи пок маънавий ишқ, шаҳвоний эмас. Буни унинг ўзи айтган:

Ишқ аҳлики, манзурдин истарлар ком,
Ул ком керакки бир назар бўлса тамом.
Гар бўлса назорасида андеша-йи хом,
Кўзларга назар доғи ҳаром ўлди ҳаром.

«Ишқ» деганда жинсий интилишни тушунишга ўрганган кишига пок ишқни тушунтириш учун кўп вақт керак бўлади. Вақт бўлмаганда ёки тушунтириш қийин бўлганда баъзилар Навоийнинг ишқи сен билган ишқ эмас, уники илоҳий ишқ деб гапни қисқа қилиб қўяқоладилар.

Умуман, Навоийнинг ёр, висол тушунчалари юзасидан кўпчиликдан турли мулоҳазалар эшитаман. Мен бу масалага бағишланган махсус мақола ёзишим керакка ўхшайди.

Х. Д. — Ўша мақолани бизнинг журналхонларга мўлжаллаб ёзсангиз, эълон қилсак.

А. Р. — Бажонидил. Раҳмат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзингизга энг маъқул 3 асарни санаб ўтсангиз.
2. Ҳозирги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қиёсласангиз.
3. Китоб ўқиш тажрибангиздан пича ўртоқлашсангиз.

Адабиёт ва биз

Қулман ОЧИЛОВ,
«Еш ленинчи» газетаси редакторининг ўринбосари.

1. Гап энг асл асарлар ҳақида борар экан, фикрим қуйидагича: мен яхши кўрган асарларимнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидир.

2. Илгари пала-партиш, сюжетига, мавзусига қараб, кўпроқ ўқирдим. Энди кам, лекин муаллифига қараб, танлаб ўқишга ҳаракат қиламан. Мутолаа чоғида қўлимда қалам бўлишига уринаман. Китоб саҳифаларига чизиб-чизиб, белгилар қўйиб ўқийман. (Бунда мен шахсий китобларимни назарда тутаяпман). Ёққан жойларини ўзбекчами, русчами — қатъий назар — махсус дафтарчамга кўчириб оламан. Қисқаси, китобларга илоҳий нарса эмас, «қулларим» (К. Маркс) деб қарайман.

Инсон китобларга эмас, китоблар инсонга хизмат қилиши керак.

3. Адабиёт, менимча, театр саҳнасига ўхшайди. Етакчи, тўлдирувчи эпизодик қаҳрамонларга эга. Бугунги ўзбек адабиётида Абдулла Орипов ижоди етакчи. Спектаклнинг асосий ғояси, дарди, ядроси бош қаҳрамонга жамланар экан, А. Ориповга мансуб адабиёт илғордир. (Ҳалигача унинг ижодига мос мутаржим топилмаганлиги ва улуғ шоиримизнинг «овози икки дарё оралиғи»да қолиб кетаётганлиги адабиётимизнинг катта кўргилиги).

Афсуски, насримиз ҳақида бундай дея олмайман. Абдулла Қодирийдан кейин адабиёт саҳнини гулдиратган насримиз йўқ ҳисоби.

◆ Республикамизда йил сайин обрў қозониб, оммалашиб бораётган «Ешлик» журнали ибратли анъана бошлади — журнал саҳифаларида эълон қилинган сара асарлар алоҳида тўплам сифатида китобхонларга тақдим этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг сўзи билан очиладиган ушбу тўпламнинг 1 китоби — «Сен учун ёниб» 60000 нусхада «Еш гвардия» нашриётида чоп этилди.

◆ Чарли Чаплин туғилганига 100 йил бўлди! «Халқ ҳақиқатни севади... Сиз комедия орқали унга фақат ана шу ҳақиқатни кўрсатмоғингиз керак» деган эди у. Буюк санъаткорнинг ўзи бутун умр ана шу ақидага биноан яшади, ижод қилди ва жаҳон киносанъатининг сўнмас юлдузига айланди.

А. Кукаркиннинг «Чарли Чаплин» («Искусство» нашриёти, 1988 йил, 2-нашри) китоби такрорланмас санъат соҳиби ҳақидаги кўплаб асарлар қаторидан муносиб ўрин олади.

Бу китоблар сиз учун

Кумушнинг қабрини излар Отабек

Мен Кумушбибини яхши кўриб қолганимдан эмас, унга ачинганимдан ёқтираман. Шундай бир қудратга эга бўлсамки, уни бало-қазолардан асраб қолсам, дейман. Айни чоқда, у Отабек билан ҳеч қачон бахтли бўлолмаслигини ич-ичимдан сезиб тураман. Чунки у Отабекни к ў п р о қ севади. Уларнинг илк учрашувини эсланг: «Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитга яна бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қилди...» Агар Кумушбиби Отабекка иккинчи маротаба қайрилиб қарамаганда борми, бек унга деярли эътибор бермаган, таҳорат олиб, номозини ўқиган ва бир-икки марта ўша қизни кўрганини ҳижолатомуз ўйлаган бўларди, холос.

Отабек савдо-сотиқни тезроқ бир ёқлик қилиб, Марғилонни тарк этса ҳам ажаб эмас эди. Лекин Отабек Кумушбибига уйланмагунча Марғилонни тарк этмайди. Чунки қиз унинг юрагига чўғ ташлаб қўяди. Аслида эса, Отабек Кумушбибининг юрагига чўғ ташлайди. Энди у ҳар нарсага тайёр: чунки у к ў п р о қ севади. К ў п р о қ севадиган инсон эса ўз бахти ҳақида к а м р о қ ўйлайди — биринчи галда суюклисини бахтли қилишни ўйлайди ва бу йўлда ўз бахтидан кечади.

Мен эсам Кумушбибининг бахтли бўлишини истардим. Ул зот муҳаббатнинг фидойиси. Фидойилар эса жафокаш бўлишади.

«Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди».

Ана шу қизга Отабекдан совчилар боради (бекдан рухсатсиз равишда, албатта). Совчибоши бўлмиш Зиё аканинг лутфига диққат қилинг: «...кунлардан бир кун тақдир шамоли юради-да, бир кимсанинг иффат пардаси остида ўтирган қизининг юзидаги ниқобини кўтариб, иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афифага рўбарў қилади. Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ туғиладир...

Зиё шоҳичи ўз томонидан ҳам яна бирмунча гапларни қўшиб-чатиб сўзини тугатди».

Ваҳоланки, «қўшиб-чатиб», «ишқ, ҳам чин ишқ» либоси кийдирилган тўйғунинг асл исмини Отабек вужудида юзага келган табиий ҳодиса — уйғониш аломатлари, уйланишга бир эҳтиёж деб атасак-да, ҳақиқатдан унчалик йироқ тушмаймиз. Яна, Кумушбибидан ваколат олиш жуда қийин кечади. Домланинг сўроғи олти-етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоғи остида аранг унинг ризолиги олинади. Бунинг акси ўлароқ, куёвларга учинчи сўроқда жавоб бериш одат бўлса ҳам, Отабек бу такаллуфга чидолмайдир ва иккинчи сўроқни эшитиб: «Қабул қилдик!», деб юборадир».

Тўғри, Кумушбиби кимга узатилаётганини билмайди, Отабек эса билади. Шундай бўлса-да, бу ҳол Кумушбиби кўпроқ севганини, Отабек эса «муҳаббатнинг давоси — висол» деганларидек, уйланишга табиий бир эҳтиёж сезганини кўрсатгувчи, дафъатан арзимас туюлса ҳам, аммо барибир далилдир. Биз, Отабек Кумушбибига муҳаббат қўймаган эди, деб маломат қилмоқчи эмасмиз. Фақат Кумушбиби кўпроқ севарди, шунинг учун ҳам ул ўзини камроқ ўйларди демоқчимиз, холос.

Кумушбибининг кундош жафосига «Мен рози, мен кўндим!» деб жавоб бериши Отабекни қанчалик ҳайратлантирса, кариманинг ўзига бу нарса ишонч синови бўлиб кўринади. Аслида, бу ҳол садоқат рамзидир! Ҳатто у эридан талоқ хати олгач (сохта), онаизорининг кўзёшларига чидаёлмай Комилбекка турмушга чиқишга розилик берганда ҳам юрагининг туб-тубини ишонч тарк этмайди. Ахир у «тўйни келаси кузга бўлишини айтиб ўтингиз» деб бекорга шарт қўядими?! Покиза юраги ниманидир сезмайдими? Сезади. Имоним комилки, агар унинг юраги сўнгги бора ҳам алдаганда (Комилбек тўй оқшомида сирли равишда ўлдирилмаганда) борми, Кумушбиби барибир ёт чимилдиққа кирмасди! У қаердандир топиб, қаро кунига асраб қўйган заҳарни ичарди-да, садоқатини исботларди. Эҳтимол, унинг қутисида ҳеч қандай заҳар йўқ эди деб ўйларсиз. Янглишасиз. Зарур пайтида ўша заҳарни Зайнаб топдику, нега уни Кумушбиби топа олмас экан?!

Ниҳоят, «қоронғи кунлар» ёришади — куёв билан келин ярашадилар. Кумушбиби Тошкентга келади, кундоши билан бақамти яшай бошлайди. Ва кўп ўтмай, кундош азоби — гўр азоби эканига ишонч ҳосил қилади. Ич-ичидан эзилади, йиғлайди-сиқтайди. Шундай изтиробли кунларнинг бирида Отабек унга айтади:

— Ўтган куни сиздан «Тошкентда қоласизми, йўқми?» деб сўраганим ҳам фақат шунга ўхшаш гаплар билан сиз хафаланманг, деб айтилган эди. Агарда сиз сиқилар экансиз, ҳали ҳам Тошкентда қолмаслигингиз менга маъқул кўринадир. Чунки мен шунинг сингари ўринсиз озор чекишингизни хоҳламайман!»

Кумушбиби:

— Сиз қувламасангиз мен Марғилонга бормайман! — дейди.

Яъни, у муҳаббати туфайли барча қийноқларга рози. Эр дегани анқонинг уруғи эмас, Марғилондан ҳам битта эр топиларди. Лекин Кумушбиби учун Отабек етти иқлимдан ҳам топилмайди. Ҳали дунёга тўймаган Кумушбиби азиз умрини қийноқларда ўтказишга рози: «Сиз қувламасангиз мен Марғилонга бормайман!»

Кумушбиби кундошлик уйга кўниколмай юрган кезларда Отабек қўш хотинлик бойвачча мисоли ҳузур-ҳаловатга кўника бошлайди — муросасозлик қилади: эр сифатида ҳам, Бош қаҳрамон сифатида ҳам оила жиловини қўлида тутиб туролмайди — муҳаббат бобида Кумушбибининг устунлиги яққол сезилада. Диққат қилинг: «Хўрак ораси Отабек Зайнабдан сўраб, Кумушнинг ухлаб ётганини билди. Томоқдан кейин Отабек ҳам бир оз ухлаб олиш учун ётди. Кўзи уйқуга боргач, фақат шуни кутиб ўтирган Зайнаб қўлида елпиғичи билан ёстиқ ёнига келди. Эри жуда ухлаб кетгандан сўнг елпий бошлади...» Отабекнинг «ғ о р м а ч и»лигидан дарак берувчи бу саҳнага ёзувчи инқилобий тусда — кескин изоҳ берадиким, шундан кўнглимиз сал-пал таскин топади: «Бирор соатдан кейин Отабек уйғонди. Зайнаб ҳам кундош юрагини ун қилувчи тегирмонни тўхтатмоқка мажбур бўлди». Энди бир муддат ўзингизча тасаввур этиб кўринг, аразчи келинчаклар, жирраки, сиркаси сув кўтармайдиган ойимчалар! Шундан кейин юраккинаси кундош тегирмонида ун бўлган Кумушбиби: «Сиз қувламасангиз мен Марғилонга бормайман!», дейди!

Кумушбибининг сўнгги дамлари ёдингиздами?

— Ойи... дада... — сўнгра, — бегим! — деб ингради... Эрининг юзини юзига қўйди, уялганмисол кўзини юмди...

Фидокор аёл, муҳаббат йўлига жисму жонини тиккан Кумушбиби ана шу тарзда ҳаёт билан видолашади.

Биз, ўқувчилар, хун-хун йиғлатган «Ўтган кунлар» китобини ёпамизу хумордан чиққунимизча йиғлайверамиз. Кумушбибининг қабрини зиёрат қилиб, кўнглимиз чигилини ёзгимиз келади. Сўроқлаймиз. «Зўр карвон йўлида етим бўтадек» тўрт томонга зир-зир югурамиз. Муҳаббатга, садоқатга ташна отабеклар Кумушбиби қабрини излайди. Лекин, Кумушбибининг қабрини ҳеч ким — йигитлару қизлар ҳам тополмайди. Ахир, унинг қабр тоши бор-ку: «Кумушбиби бинти Мирзакарим Марғилоний, тарихи таваллуди 1248 вафоти 1269 ҳижрий, жумодул аввал». Ҳатто унга тўрт қатор дилпора шеър ҳам битилган:

«Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиг, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридан аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг».

Эҳтимол, Кумушбибининг бошига қўйилиши лозим бўлган ёдгорлик қайсидир хонақоҳ ҳужрасининг бурчагида чанг босиб ётгандир?

Кумушбибининг мозорини излаган интиқ кўнгил бошини қайси деворга урсин?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхши кайфият нимага боғлиқ?

Келинг, бунинг учун бир дақиқа тарихга саёҳат қилайлик. Қадим-қадим замонлардан маълумки, кўтаринки кайфиятнинг ёмон кайфиятга алмашиниб туриши муайян вақтга тўғри келади. Кайфиятнинг бундай алмашиниб туриши ҳар хил кечади. Бироқ, бу жараён ер юзида яшовчи барча жонзодга хос эканлигини ҳамма ҳам билавермайди.

Бу ҳодиса ҳақида ҳинд йоглари мана бундай ёзадилар: қарама-қаршилик ва маром борлиги учун ҳам жаъмики жонзот Ерда, фазода яшайди. Қарама-қаршилик ва маром оламга ҳаёт беради.

Қуёшдаги доғ, тирик жонзотнинг юрак уриши, бизнинг нафас олишимиз ва яшашимиз — буларнинг ҳаммаси қарама-қаршиликлар замирида туғилаётган маромга бўйсунади. Маром ҳаётни ифодалайди. Ҳаёт мароми муаммолари Аристотелниям қизиқтирган. Абу Али ибн Синонинг асарларида ҳам организмнинг бир маромда ишлаши хусусидаги мулоҳазалари бор. Астрономлар ҳам юлдузларнинг мароми ҳақида (пульсация) гапиришади.

Хўш, қуёшдаги доғ билан бизнинг кайфиятимиз орасида қандайдир боғлиқлик борми?

Аниқлашга уриниб кўрамиз. Ўзингиз билан шунчаки танишиш ҳам сизнинг қайси тоифадаги одамлар сирасига киришингизни билиб олиш имконини беради.

Вақтида ётиб, донг қотиб ухладингиз. Эрта уйғондингиз. Тетик, бардам бўлиб ўқишга (ишга) борасиз, куннинг биринчи ярмида ишингиз анча унумли бўлди. Лекин тушдан сўнг чарчай бошлайсиз, ётиб дам олгингиз келади, миянгизга ҳеч нарса кирмайди. Агар шундай бўлса, сиз «сўфи тўрғай» одамлар тоифасига кираркансиз.

Хўш, бунинг акси бўлса-чи? Ярим кеча ҳамма ухлаб ётибди. Лекин кўзингизга ҳали уйқу келгани йўқ. Нимадир қилгингиз, нима биландир шуғуллангингиз келяпти. Лекин эрталаб уйқудан уйғониш сиз учун азоб. Оқибатда уззу кун эзилиб-ҳориб юрасиз ва ниҳоят кечга бориб ишингиз уна бошлайди.

Бундан чиқди сиз «бойқуш» сифат одамлар сирасига кираркансиз. Бундай ҳолатлар психологлар томонидан ўрганилганига анча бўлди ва бу ҳолатни тушуниб олсангиз ўзингизга яхши бўлади.

Ўзингизни яхши ҳис қилишингиз учун (яхши кайфият ўзингизни яхши ҳис қилиш, теварак-атрофингиздагиларга хатти-ҳаракатингизнинг хуш келиши демакдир) энг аввало кун тартибини тўғри режалаштириш керак.

Хўш, кунни қандай қилиб тўғри режалаштирса бўлади?

Шундай қилиш керакки, ишнинг энг оғир қисми серунум меҳнат қиладиган пайтингизга тўғри келсин. Бирор ишни қилолмаяпсизми? Бу иш билан эрталаб, янги куч-ғайрат билан шуғулланинг. Шунда иш унчалик қийин эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Активлик лаҳзаларини узайтириш мумкин бўлганидек, ўзингизнинг кайфиятингизни ҳам кўтаришингиз мумкин.

Эрталаб мўътадиллашган душ қабул қилиб кўринг. Иссиқ ва совуқ сувдан навбатма-навбат фойдаланса-нгиз (бошида албатта, жуда ҳам совуқ эмас) мўъжиза юз беради. Меҳнат қилиш қобилиятингиз ва хушчақчақлик характерингизнинг ажралмас қисми бўлиб қолса ажаб эмас.

Агар сиз «бойқуш» тоифасидан бўлсангиз-чи? У ҳолда тунда унумли ишлай оласиз... Демак, мутолаа ва ижод жараёнини куннинг ана шу қисмига кўчирганингиз маъқул.

Айтгандек, «сўфитўрғай» «бойқуш»га, «бойқуш» эса аксинча «сўфитўрғай»га айланиши ҳам мумкин.

Агар қўлингиз ишга бормаётган бўлса-чи? Ишингиз юришмаса, ишлагингиз келмаса-чи?

Бу унчалик хавотирли эмас.

Демак, маром мили сал издан чиқибди. Организм ҳордиқ талаб қилади. Ётиб дам олсангиз чакки бўлмасди. Шунда ўзингизга ўзингиз «қаттиқ ухла, тетик бўлиб уйғон!» деб буйруқ беринг.

Баъзида 10—15 минут дам олиш ҳам сизни бардам қилади ва бунинг қуввати анча вақтга етади.

Айтайлик, ухлашнинг имкони бўлмади. Унда танаффус қилинг, иш тарзини ўзгартиринг. Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ: югуриш, ҳаракат қилиш ёки ўзингизни бўш тутиб ўтириш.

Лекин буларнинг ҳаммасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида албатта, тоза ҳавода бажаришингиз керак. Бинодан чиқинг, ёки хонани яхшилаб шамоллатинг. Шунда сизда босиқлик, тиниқиш, янги ғайрат, яхши кайфият пайдо бўлади.

Кўп корхоналарда руҳий ҳолатни яхшилаш учун махсус хоналар ташкил қилинган. Одамлар тажрибали психологлар бошчилигида осойишта, ёқимли музика остида қисқа муддатли уйқуга кетадилар. Бу эса куннинг иккинчи ярмида жуда унумли меҳнат қилишингиз учун куч-қувват, тетиклик бахш этади.

Сизнинг ишхонангизда бундай хона йўқми? Унда ўзингиз ўзингизга психолог бўлинг-да, янада самаралироқ ишлаш учун ўзингизнинг организмингизни ишонтиринг. Агарда кунлик маром бузилмаса, тўғри тақсимланса, киши ўзини соғлом ҳис қилади. Маром бузилса, ишлаш қобилияти камайиб, аста-секин йўқолади, баъзан хасталикка ҳам олиб келади.

Одамлар орасида маромни пайдо қилиш, унга ўрганиш борасида ҳар хил фикрлар мавжуд.

Бир хиллар туғма бўлади десалар, бошқалар, атроф-муҳит ташқи таъсир натижасида пайдо бўлади, дейишади. Менимча ҳар иккoвиям тўғри.

Қуёш чиқади — биз кунга ўрганамиз. Қуёш ботади, биз тунга кўникамиз.

Айтгандай, баъзи одамлар эрта метандан бетоқат бўла бошлайдилар. Бундай ҳолатда энди иродани ишга солиш керак. Одамда кўникувчанлик, эгилувчанликка, мойиликка хос фазилатлар тўлиб-тошиб ётади. Агарда биз айтган ирода ишга солинса бетоқатлик ўрнини хотиржамлик эгаллайдида, одам ўзини қўлга олади. Ҳеч бир зиён-заҳмат етмаган ҳолда бор меъёрдаги кун тартибига эга бўлади

Агарда ишхона раҳбари қўл остида ишлайдиган одамларини яхши билса, у бир кунлик ишни тўғри тақсимлаши ва иш унумдорлигига эришиши табиий.

Энди қуёш сиртида пайдо бўладиган доғ ва унинг бизнинг кайфиятимизга таъсири ҳақида. Бунда қандай умумий боғлиқлик бор? Қуёш нуридаги активликнинг ошиши, биз «нур бўрони» деб атайдиган ёғдулар кайфиятимизга маълум даражада таъсир этмай қолмайди. Агарда бу ҳолат циклон тарзида юз берса саломатликка ҳам путур етади. Шунинг учун ҳам газеталарда қуёш нури активлигини ошиши, юрак-томир, хафақон касалликларига таъсири ҳақида огоҳлантиришлар бериб бориляпти. Врачлар бундай кунларда қуёшли кунда камроқ бўлишни тавсия қилишяпти.

Ҳақли савол туғилади. Кайфиятни бир маромда тутиш мумкинми? Мумкин, бу — такрор айтамиз, ўзингизга, ҳа, ўзингизга боғлиқ.

Е. КУРНИКОВА.

Хатлардан сатрлар...

...Мактабимизда кўп фанлардан қўйиладиган баҳо ўз қимматида эмас, юзаки. Билими «3» га лойиқ ўқувчига «4», ҳатто «5» қўйилади. Ўқитувчиларнинг бундай таълимидан норозимиз.

Улуғбек АБДУРАҲИМОВ,
Сурхондарё область, Сариосиё районидаги 19-ўрта мактабнинг X-Б синф ўқувчиси.

...Бултур ўрта мактабни тугатдик. Синфдошларимнинг аксарияти мустақил ва эркин фикр юритишни билмайди. Мактабда логика фани ҳам ўтилиши керак.

Маҳбубахон ҲОЖИБОЕВА,
Фарғона область, Ёзёвон райони.

...Истардимки, ҳар бир область, район театрлари қошида аскиячилар группаси тузилса. Масъул раҳбарлар чин кўнгилдан ишга киришсалар айни муддао бўларди.

Икром ЖУМАБЕКОВ,
Сирдарё область, Комсомол райони.

...Шаҳрисабз медицина билим юрти раҳбарларидан диктантимдан топган хаталарини кўрсатишни талаб этдим. Не кўз билан кўрайки, мен қўйган қўштирноқ устига қўштирноқ, вергул устига вергул чизишиб, турли йўллар билан хато чиқариб, «2» қўйишибди.

Дилнавоз ШАРИПОВА,
Қашқадарё область, Яккабоғ район, 1-мактаб IX-синф ўқувчиси.

...Қиш фаслида жисмоний тарбия дарслари синф хоналарида суҳбат тарзида ўтилади, чунки спорт зали йўқ. Аксига олиб, хоналар ҳам совуқ, дарсда пальто кийиб ўтиришга мажбурмиз.

М. НУРМАТОВА, У. ҲОЖИБОЕВА,
Қашқадарё область, Чироқчи район, 29-мактабнинг 8-синф ўқувчилари.

Мактабимиз эски иморатлардан, бир қаватли, 11 та хонаси бор. Бунда 700 дан ортиқ ўқувчи таҳсил «олгандай» бўлишади. Ишонмаслигингиз мумкин, чунки бундай ҳодисалар камдан-кам учрайди-да.

Гулчеҳра МАМАСОЛИЕВА,
Андижон область, Хўжаобод районидаги 25-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммадназир Юнусов беш йилдан буён республика ёш техниклар станцияси қошида очилган «мусиқа асбоблари тайёрлаш тўгараги»га раҳбарлик қилади. Ёшларнинг яхши бир ҳунарманд бўлиб етишишларида унинг ҳиссаси каттадир.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

Чалинганда одамни сел қилиб юборадиган сўз тайёрлаш ҳам осон иш эмас...

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЛҒУСИ ИШЧИЛАР

Агар сиз электромонтажчи, радиодеталлар йиғувчиси, газ электр пайвандчиси бўлиб етишишни истасангиз Самарқанддаги 36-СПТУга ўқишга киришингиз мумкин.

Катта ўқитувчи Р. Арзумонова машғулотлар хонасида.

Тренажёрни бошқариш осон иш эмас.

Асбобларнинг назорат-ўлчов устахонасида ишлаб чиқариш мастери К. Бахшиев ўқувчиларга ҳунар ўрганишда назарий сабоқ бермоқда.

Ҳунар мактабининг ошхонаси ҳам нуфузига яраша лаззатли таомлар тайёрлайди.

Кутубхонада.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi



АРМИЗ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рассом Баҳодир Жалолов ишлаган суратлар Тожикистон ССР Чкаловск шаҳридаги В. Чкалов номли ўрта мактабни безаб турибди.

В. ДУБРОВСКИЙ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийхонлик

5-мажлис

کونگلونگا خرد یولین پدیدار ایله
بو نقدغه جانینگنی خریدار ایله
هر ایشته خردنی اوزونگا یار ایله
جرمونگ ترکیدین خرد اظهار ایله

Кўнглунгга хирад йўлин падидор айла
Бу нақдга жонингни харидор айла
Ҳар ишта хирадни ўзунгга ёр айла
Жирмунг таркидин хирад изҳор айла.

Навоий ижодини ўрганиш, айниқса, сўнгги ярим аср давомида жуда яхши йўлга қўйилди. Унинг асарлари тўплам ҳолида ҳам ёки алоҳида-алоҳида, ҳозирги замон ўқувчисига тушунарли бўлсин учун талқинлар тарзида ҳам нашр этилди. Бу иш улуғ шоир асарларини кенг халқ оммасига етказишдаги катта ютуқдир. Лекин, халқимизда юз эшитгандан бир кўрган афзал, деган нақл бор. Навоий асарларини қанчалик тушунарли қилиб, мағзини чақиб бермасинлар, уларни ижод қилинган тилда ва ёзувда, айниқса, шоир яшаган даврда кўчирилган қўлёзмалардан ўқий олишнинг завқи ўзгача. Бунинг учун араб алифбосидаги эски ўзбек тилини билиш шарт.

«Еш куч»нинг ўтган йил 1—3, 8-сонларидаги машғулотларимизда эски ўзбек алифбосидаги 20 ҳарф билан танишган эдик. Бу мажлисимизда алифбонинг қолган ҳарфларини ўрганишни давом эттирамиз.

Эски ўзбек алифбосидаги навбатдаги ҳарфлар ع айн ва غ ғайн деб аталади. ع айн ҳозирги ўзбек тилидаги айириш белгисини ʼ ифодаласа-да, араб тилидан кирган сўзларда алиф билан биргаликда а, о, и, ў товушларини ифодалашда ҳам хизмат қилади. غ ғайн эса ғ товушини беради. Бу ҳарфлар сўз таркибида ҳар икки томондан ҳам бошқа ҳарфларга боғланиб ёзилади. Сўз боши ва ўртасида ҳарфнинг доманаси тушиб қолиб мана бундай кўринишга эга бўлади: ع غ
сўз охирида эса мана бундай бўлади: غ ع

Машқ. Олдинги дарслардан сизга таниш бўлган ва юқоридаги ҳарфлар асосий элементлари иштирокидаги мана бу кўринишларни дафтарингизга бир неча марта ёзинг:

1. Айннинг сўз бошида ёзилиши ва ўзидан кейинги ҳарфга боғланиши:

عا عب عج عد عر عس عص عط

2. Айннинг икки ҳарф орасида ёзилиши:

اعا عب عج دعد رعر سعس صعص طعط

3. Бу ҳарфлар сўз охирида ўзидан аввалги ҳарф унга боғлана олса боғланиб, боғланмайдиган ҳарф бўлса алоҳида кўринишда ёзилади:

اع بع جع دع رع سع صع طع

ف фе ва ق қоф ҳарфлари кичик доирача ва бе, пе, те ҳарфларининг иккинчи қисми ب билан ясалган. Фенинг бир нуқтаси бор, қофда эса нуқталар сони иккита бўлиб, иккинчи қисми чуқурроқ, домана шаклидадир. Фе ҳарфи ф, қоф эса қ товушларини ифодалайди. Бу ҳарфлар сўз охирида нуқта ва доманаси билан фарқланса, сўз боши ва ўртасида фақат нуқталари билан ажралади.

Сўз боши ва ўртасида ҳарфнинг иккинчи қисми тушиб қолади.

1. Сўз бошида ҳарфнинг биринчи қисми илмоқча ёрдамида кейинги ҳарфга боғланади:

فا فج فد فر فس فص فط فع

2. Сўз ўртасида эса илмоқча ҳар икки томонидан чиқарилади:

افا افج افد افر افس افص افط افع

3. Сўз охирида ҳарфнинг алоҳида кўриниши олдидан аввалги ҳарфга бир чизиқча билан боғлаб ёзилади:

اف اق

Машқ: Ҳарфларнинг алоҳида кўриниши ва сўз таркибида кўринишларига эътибор беринг. Қуйидаги бирикмаларни кўчириб ёзинг:

فا فب فج فد فر فس فص فط فع
افا افب افج افد افر افس افص افط افع
اف اف ثف دف رف سف صف طف عف
اق اق ثق دق رق سق صق طق عق

Навбатдаги тўртта ҳарф ک коф, گ гоф, ل лом, م мим деб аталади. Улар к, г, л, м товушларини ифодалайди. ک коф ва گ гоф алиф ва ب бенинг элементлари қўшилмасидан тузилиб, юқоридан алифнинг учига қадар бир чизиқ қиялатиб тортилган. گ гофнинг фарқи қия чизиқнинг иккиталигидадир.

ل лом ҳарфи ا алиф ҳамда ں доманадан ташкил топган. م мим эса алифнинг бош қисмига бир кўз шаклининг боғланиши билан ҳосил қилинган.

Бу ҳарфлар ҳам сўз таркибида келганда ҳар икки томондан боғланади.

Сўз боши ва ўртасида келганда бу ҳарфларнинг: коф ва гофда ب шакли, ломда домана қисми, мимда эса алиф қисми тушиб қолади:

1. Сўз бошида کا کب کج کد کر کس کص کط کع کف کق
2. Сўз ўртасида
3. Сўз охирида

Ломдан кейин алиф келадиган бўлса улар мана бундай боғланади: لا (ло, ла).

Машқ: Бу тўртта ҳарф элементларининг аввалги ҳарфларга боғланишига доир ушбу кўринишларни ёзиб, ёдда сақлашга ҳаракат қилинг:

کا کب کج کد کر کس کص کط کع کف کق
اکا اکب اکج اکد اکر اکس اکص اکط اکع اکف اکق

Лом ҳарфининг сўз боши ва ўртасида боғланиши (фақат қия чизиқсиз) худди коф ва гоф каби бўлади.

Сўз охирида эса лом мана бундай бўлади:

ال بل جل دل رل سل صل طل عل فل کل
ما مب مج مد مر مس مص مط مع مف مق مک مل
اما مب مج مد مر مس مص مط مع مف مق مک مل
ام مم مج مد مر مس مص مط مع مف مق مک مل

Араб алифбосида م мимдан кейин ن нун ҳарфи келади. Биз бу ҳарф билан бе, пе, те, се ларни ўрганган вақтда танишган эдик. Шунинг учун ундан кейин келадиган و вов ҳарфи ҳақида тўхталамиз. Бу ҳарф аслида в товушини ифодаласа ҳам, унинг яна бошқа вазифалари ҳам бор. و вов ҳарфи сўз бошида алиф билан бирга او шаклида келса, у, ў товушларини ифодалашга хизмат қилади. Шунингдек, сўз ўртаси ва охирларида алифсиз ҳам у, ў товушларини ифодалайди. Бу ҳарф ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмайдиганлар тоифасига киради. Бунгача ا алиф, د дол, ذ зол, ر ре, ز зе, ژ же ҳарфларининг ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмаслигини кўриб чиққан эдик.

Демак, و вов ҳарфи сўз ўртаси ва охирида бир хил кўринишга و эга бўлар экан, сўз бошида эса ҳарфнинг алоҳида кўриниши ёзилаверади.

Машқ: вов ҳарфи иштирокидаги ушбу бирикмаларни бир неча марта ёзинг:

1. Сўз бошида

وا وب وج ود وس وم

2. Сўз ўртасида

اوا وب وج ود وس وم

3. Сўз охирида

او بو جو دو رو سو طو عو فو کو مو

Араб алифбосининг сўнгги ҳарфлари ه ҳе (ҳойэ ҳавваз) ва ی йодир. Ҳойэ ҳавваз ўзбек тилидаги юмшоқ ҳ товушини ифодалайди. Баъзан сўз охирида келганда а товушини ҳам беради.

1. Сўз бошида келганда у мана бундай ه, қўлёзма китобларда баъзан ھ кўринишларда ҳам учрайди.

2. Бу ҳарфнинг сўз ўртасида кўриниши ҳам икки вариантлидир. Мана улар:

ه ھ

3. Сўз охирида эса улар мана бундай кўринишларда бўлади:

ه ـه

Машқ учун бир неча мисоллар берамиз:

ها هب هج هد هر هس هص
هه هج هس هص هط هع هف هک
هه

Йо ҳарфининг ҳам бажарадиган функцияси бир нечтадир. Бу ҳарф билан биз 3-мажлисда танишган эдик. У аввало ё товушини билдиради ва яна алиф билан биргаликда и, э, й товушларини ҳам ифодалашга хизмат қилади.

Маъмура РАШИДОВА,
ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти илмий ходими.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илҳом АҲМЕДОВ

Мирза Ариқ бўйларида

Қисса

1

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деб шуни айтадилар-да. Бошқалар бундай ариққа зор, бу ердагилар бўлса уни булғагани-булғаган. Унинг сувига ювинишади — майли, чўмилишади — бу ҳам майли — етти юмалаган сув ҳалол, лекин ахлат ташлашганига чидаб бўлмайди. Узларидан қуйироқда сув ичадиганлар борлигини ўйлашмайдиям-э!..»

Сора ая челакларни ошхона чеккасидаги махсус симларга илиб, устини доира шаклида кесилган фанер тахтачалар билан бекитти-да, бултурдан қолган ғўзапоя ғарамига суяб қўйилган узун гавронни олиб, Мирза Ариқ томон юрди.

Сора ая сирғалиб кетмаслик учун оёғини қирғоққа ўрнаштириброқ босди-да, уч-тўрт қулоч нарида дўппайиб турган бута томонга узатди. «Қурмағурлар-эй, пайпоқ ташлашибдия!.. Бутага илашган эканми, чиқмаяпти...»

Ая гавронни пайпоқ остидан юбориб, секин кўтаришга уринди. Сабилнинг ичига супириндипупиринди тиқилганми, нима бало, дош қозон ичидаги семиз ҳасипдай, бўкиб оғирлашганидан кўтарилгиси келақолмасди. У бор кучини ишлатиб, гавронни даст кўтарди-ю... аъзойи бадани жимирлашиб, нима қиларини билмай, анграйиб қолди. Гўё у пайпоқни қирғоққа қараб эмас, пайпоқ уни сувга қараб тортаётгандай. Зорманданинг «ўжарлик» қилганича бор экан — пайпоқ бир ўзи чиққиси келмагандай, гаврон учида шалпайиб турган оёққа кийилган эди. Бақирай деса, тили айланмайди, тортиб олишга қурби етмайди, қўйиб юборса қочиб кетадигандай, гавронни ҳам ташламайди.

Сора ая қирғоққа мажолсиз ўтириб қолди. Гаврон қўлидан қандай тушганини пайқамади. «Е товба, ё товба, қудратингдан-эй, тушимми бу, ўнгимми а?!.» У қалтираб, ҳарчанд уринмасин, ўрнидан тура олмасди. Ёқасини салгина кўтариб, кўкрагига «туф-туф»лаб қўйди-да, эмаклай-эмаклай сув бўйидан юқорироққа кўтарилиб, қоқила-суқила уйи томон югурди. Бостирма устида қанотларини тапиллатиб, аллақачон ёришиб қолган тонгни қайта олқишлашга чоғланган хўроз кампирнинг саросимада югуришидан чўчиб, пастга учиб тушди. Қўтондаги қўйлар ҳуркиб, безовталанди.

— Ҳой, отаси, туринг, — деди Сора ая шошилганича эрининг бошига келиб, ўпкасини босолмай. — Турсангиз-чи, фалокат!

Даврон ака уйқусиради.

— Тура қолсангиз-чи. Мирзада[1] ўлик ётибди.

— Ким ўлибди? — деди Даврон ота хотинининг гапини англамай, ҳамқишлоқларидан бирортаси бандаликни бажо келтирибдими, деган хаёлда.

— Кимлигини қаёқдан билай? Мирзада бировнинг ўлиги ётибди, деяпман!

— Аа?

— Мирзада. Мирзада. Сув олай десам, бутада хотинлар пайпоғи илинган экан. Гаврон билан олиб ташламоқчи эдим, қарасам, одам оёғи!..

Даврон аканинг уйқуси қочди. У тўнини елкасига ташлаб хотини билан олдинма-кетин Мирза Ариқ томон югурди.

— Намунча қалтирайсан? Рангингни қараю. Ўлик кўрмаганмисан? — дея жеркиди, аслида унга далда бериш истагида.

— Бир ўзим кўрқдим-да.

— Бир ўзинг бўлсанг сени еб қўярмиди?!

Даврон ота кампири қолдириб кетган гавронни кўтарди. Унинг учида узун пайпоқ кийган оёқни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Кўнгли бир нохушликни сезиб безовталанди.

— Анави ҳашарчи студентлардан бирортаси тушиб кетганга ўхшайди, — деди ўзини хотиржам тутишга уриниб. — Бор, қўшниларни чақир. Уларнинг домласига одам юборинглар. Мен мелиса чақираман.

Даврон ота аравачали мотоциклида участка милиционерини топиб келганда каналнинг иккала томонида тумонот одам йиғилганди. Уларнинг орасидан ўзини юракли ҳисоблаган икки ўспирин жасадни олиб чиқишга уринаётганларини кўриб, Даврон ака ўзини койиди. «Мелиса чақириш қочиб кетмасди-ку. Нега қўшниларни чақириб, ўзим эртароқ олиб чиқишга уринмадим? Эрталаб тушиб кетган бўлса, қутқариб қолиш мумкин бўлармиди?..»

Участка милиционери мотоцикл кажавасидан сакраб тушиб, кийимларини чала-чулпа ечганча ўзини сувга ташлади. Жасадни қирғоққа олиб чиқаришаётганда ёнида икки қизил чизиғи бор оппоқ «Тез ёрдам» тепасида яшил чироғини липиллатиб келиб канал бўйида тўхтади. Зум ўтмай милиция машинаси етиб келди. Ундан тушган милиционерларнинг сувга киришига ҳожат қолмаганди — жасад аллақачон қирғоқда ётарди.

II

Маҳмуд прокурор хонасига кирганида Рустам Ҳамидович унинг саломига бош ирғаб, девор томондаги қатор териб қўйилган стулларга қарата боши билан «ўтир» ишорасини қилдию, бесўнақай гавдасининг оғирлигини столга ташлаб, олдидаги делони титкилашда давом этаверди.

«У ёқ бу ёққа бориб кел деса майлику, яна бирор нарсани ёзишни буюрса урди худо. Куни билан тўрт девор ичига сиқилиб ўтиришга тўғри келади. Е шунақа қилиб аввал бардошингни пишириб олишармикин?.. Э, ака, қўйинг шу майда-чуйда топшириқларни, тузукроқ иш буюринг, деёлмасанг».

— Ассалому алайкум!

Маҳмуд овоз келган томонга ўгирилди. Эшикдан Зоҳиров кириб, гўё прокурор бошлиқ эмас, ўзининг яқин ўртоғидай, тортинмай бориб у билан кўришди. Кейин Рустам Ҳамидовичнинг рўпарасидаги стулни тарақлатиб орқага суриб ўтирди. Ўнг қўлини белига тиради, чап қўлининг тирсагини стол четига қўйиб, муштига иягини қадади. «О-ла, бунчалик кеккаймаса. Еки Рустам Ҳамидовичнинг тили қисиқлик жойи бормикин?..»

— Мирза Ариқнинг Қиличтепадан оқиб ўтадиган ерида йигирма ёшлар чамасидаги хотин кишининг ўлиги топилибди, — деди Рустам Ҳамидович олдида турган делонинг очиқ бетига ручкасини ташлаб. — Милиция ўша ерда. Маҳмуд билан бориб, терговга киришинглар!

Ниҳоят, ёзув-чизувлар устида михланиб ўтиришдан қутилиш фурсати етганидан мамнун Маҳмуд Зоҳировга эргашди. Эргашдию, прокурор буйруғининг совуқ, ҳеч қандай ҳис-туйғусиз айтилганига тушуна олмади. Наҳотки, бутун бошли бир одамнинг ўлиб кетавериши тўғрисида шунчалик бепарво гапириш мумкин бўлса?.. Ғазабланиб, тишларини ғижирлатиб, столни муштлаб «ким оқизганини топинг. Зудлик билан олдимга олиб келинг. Терисига сомон тиқайлик!» демайдими...

Улар Мирза Ариқ бўйига етиб келишганда кўзидан қизиллик қочган қўёш осмонни тутиб турган қоп-қора булутнинг бир чеккасини йиртиб мўралар, битта-битталаб сув бетига тушиб, гирдобли оқимларга оҳиста эргашиб кетаётган япроқларни товлантирарди. Кузнинг ҳукми бўйича яшил либосидан кечган чим устида ётган жасад атрофида тўпланганлар қотилликни ўзича талқин қиларди. Машинадан тушганларга милиционерлар йўл бераётганидан уларнинг ким эканлигини сезган оломон ғовури сусайди.

Зоҳиров икки милиционер билан қўл беришиб, қолганлари билан бош ирғаб сўрашди-да, жасад ёнида турган лейтенант ва оқ халатли кишига яқинлашди.

— Ўлдириб, сўнг сувга ташланган, — деди оқ халатли киши у билан кўриша туриб. — Чап биқинидан пичоқ урилган. Ҳомиласи борга ўхшайди.

Чеккароқда уларнинг гапини эшитиб турган Даврон ота шундагина сувдан чиқариб олишга шошилмагани учун ўзини койишни бас қилди. Бари бир фойдасиз экан-ку.

— Шахсини аниқладингизми? — сўради Зоҳиров лейтенантдан.

— Бу ерлик эмас, — деди лейтенант. Ҳашарчилардан бўлса керак.

— Йў-ўқ, — деди тўпланганлар орасида кимдир, кейин чекка сочлари оқарган ўрта ёшлардаги киши уларга яқинлашди. — Биздан эмас. Бизнинг ҳамма студенткаларимиз ўрнида. Теримга чиқиб кетишди. А, кечирасиз, мен — Аҳад Тошбоев. Ортопедия кафедрасининг ўқитувчиси.

— Та-ак, — деди Зоҳиров Тошбоевнинг гапини эшитмаётгандай. — Бу ерлик бўлмаса, студент бўлмаса... Устини бирор нарса билан ёпиб қўйинглар.

Кимдир оқ чойшаб олиб чиқди. Жасадга яқинроқ турган кампир чойшабни мурда устига ёпа туриб, унинг жонсиз юзига тикилди.

— Вой, ўли, шошманглар, — деди кампир кўзлари олайиб, — шошманглар. Ахир, бу Рисолатнинг келини-ку!

— Ҳее, чеча, нима деяпсиз, — деди эскириб кетган пахтали камзул кийиб олган норғул йигит. — Бувсол келин ҳозиргина сигирини подага қўйиб кетди-ку.

— Уямас, уямас, — бошини силкитди кампир. — Ҳалиги, янгиси. Ўтган куни Абдурасулга унаштирди-ку. Кумушкосалик.

Томошабин-баҳонаталаблар орасида ғовур-ғувур кучайди.

— Бирорталаринг уларни чақириб келмайсизларми? — деди Зоҳиров.

Нохуш хабарчиликни ҳеч ким бўйнига олгиси келмасди. Ҳеч ким чурқ этмас, агар бирортасига «сен бор» дейишса, ҳар қайсиси «ишим зарур» қабилидаги баҳонани қилиб, жўнаб қолиши тайин эди. Қишлоқ — бари бир қишлоқ-да. Жарчининг «ҳоо-ой, жамоат, фалончиникига тўйгаа-а», ёки «савоби жанозага-ааа», дея жар солиб, одамларни тўплаш заруратидан ташқари ҳамма гап, чунончи, Бегимқулнинг сигири туққан бузоқнинг қулоғи тўрта, оёғи саккизталигию, Мустафонинг ҳарбий хизматдаги шумтакасидан тўрт ойдан бери хатхабар йўқлигидан тортиб, Асад пиённинг хотини аразлаб кетганигача, Мурод чаққоннинг Мирза Ариқ тугул, ҳатто Зарафшондан учиб ўта оладиган «ГАЗ-21»ида даладан ўт ташиётганда Ҳайдарнинг тракторига йўл бераман деб, ариқчага тиқилиб қолганию, Сайфиддининг чет эл сафаридан хотинига олиб келган тилла тақинчоқларидан тортиб, Меликул туширган келин олти ой ўтмаёқ туғиб қўйганию, Мирза Ариқ сувининг паст-баландлигигача шу халқнинг вақтли матбуоти орқали оғизма-оғиз, қулоқма-қулоқ тарқалади. Бу «вақтли матбуот» Мирза Ариқ тубидаги икир-чикирларнигина билмайди, холос...

— Ана, Абдурасулнинг ўзи келяпти, — деди кимдир.

Тўпланганлар чарм курткали, қоп-қора қуюқ мўйловли, келишган йигитга ўгирилишди. Абдурасул одамларнинг нега ўзига тикилаётганига ақли етмай, анграйиб қолди.

— Ҳў-ў йигит, берироқ келинг-чи, — деди Зоҳиров.

Абдурасул бу галларнинг ўзига дахлдор эканлигини ҳамон англамай, Зоҳировга яқинлашди. Зоҳиров ҳеч нарса демай, чойшабнинг бир учини қайирди. Абдурасулнинг мурдага кўзи тушиб, ранги оқариб кетди.

Унинг орқасидан келган узун камзулли аёлга бояги кампир пешвоз чиқиб, юпата бошлади.

— Айланай, эгачи, оғир бўлинг. Келинингиз экан.

— Оғзингиздан чиқиб ёқангизга ёпишсин, нима деяпсиз? Келиним уйда-ку.

— Йў-йўқ, кичкинаси, — кампир Абдурасул томонга бош ирғади. — Совчиликка борганда кўзим тушганди.

Рисолат хола ўғлига яқинлашди. Абдурасул мурда ёнига тиз чўкди. Қалтироқ қўллари билан унинг заъфарон юзини силаб, энгашди.

— Келин... шуми, болам, — деди Рисолат хола ўғлининг ёнига келолмай.

Абдурасул индамади. Унинг елкалари титрарди.

— Вой, бола-ам, — уввос солди Рисолат хола. —

---

[1] Мирза ариқ демоқчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илҳом АҲМЕДОВ — Самарқанд область Самарқанд районидаги Сочакиболо қишлоғида туғилган. 1984 йили Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ҳозир Самарқанд районидаги 30-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Остонамдан қадам қўймай кетган болам!..

— Бас қилинг-э, хола, — жеркиб ташлади уни Зоҳиров. — Йиғлашга ҳали улгурасиз. Ўғлингизнинг иши бўлмасин тағин.

Ҳамон мурдага яқинлашишга юраги дов бермай турган Маҳмуд Зоҳировнинг қўполлигидан ранжиди. Кампир келини учун жигар-бағри эзилиб куйса-ю...

— Нима деяпсиз? — Зоҳировга тик қаради Рисолат хола. — Оғзингизга қараб гапиринг. Уйланмоқчи эдию, ўлдирадими?

Зоҳиров ошириб юборганини пайқаб, лаб тишлади. Ҳе йўқ, бе йўқ бировни тўғридан-тўғри қотил дейиш...

— Йўқ, хола, ўғлингиз ўлдирган демаяпман. Фақат гумон қиляпмиз, — деди у юмшаб.

— Нега гумон қиласан? — унинг паст тушганлигин кўриб, Рисолат хола авжланди. — Кимсан ўзинг гумон қиладиган? Яхши кўрган қизини ҳам ўлдирадими киши а? Яхши кўрган қизини ҳам ўлдирадими? Ўтган куни фотиҳа тўйини берганман. Эртан бозор тушириб олмоқчи эдим. Ана, ана булардан сўра ишонмасанг!

Зоҳиров жим қолди. Аммо кампирнинг олдида чекинишни ўзига эп кўрмади.

— Хола, айтаяпман-ку, ҳали фақат гумон қиляпмиз. Олиб бориб, тергов қиламизу, қўйиб юборамиз.

— Ҳали олиб ҳам кетасанми? — деди Рисолат хола устун келишини бас қилмай. — Терговингни шу ерда қилавер. Ўзи куйиб ётибдию, олиб кетармиш.

Зоҳиров кампирни осонлик билан енгиб бўлмаслигига ақли етди.

— Келинг, сиз айтганча ҳам бўла қолсин. Терим вақтида тўй қилишга ким рухсат берди сизга? — деди у, энди отган ўқи бенишон кетмаслигига ишониб.

Кампир атрофдагиларга олазарак қаради. Яқин йиллар ичида бу вақтда тўй-ку тўй, ҳатто жанозага ҳам бошлиқлар қовоқ уйиб рухсат бергудай, иложи бўлса, ўлигингни тезроқ ерга тиқу, далага чиқ деб қистайдиган бир пайтда теримдан бошқа ташвиш жиноятдай қаралаётганига ақли етарди.

— Бола бўп қопти-да, — деди Рисолат хола овози пасайиб. — Бировнинг қизини шарманда қилишимиз керакмиди?..

— Ана, кўрдингизми? — деди Зоҳиров ниҳоят кампирни илинтирганидан қувонаётганини яширмай, оғзининг таноби қочиб. — Бировнинг қизига тегинишдан уялмайдиган кишини одам ўлдирмайди деб ким кафолат бера олади? Демак, ҳозирча биринчи гумонимиз шу.

Абдурасул секин ўрнидан туриб, онасига яқинлашди.

— Қўйинг, эна, айтишманг, — деди у титроқ овозда. — Буларга тенг келиб бўлармиди? Ўлдирмаган бўлсам ҳам...

«Тез ёрдам» жасадни, милиция машинаси Абдурасулни олиб жўнади.

Рисолат хола елкасига сирғалиб тушган рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб, ҳамқишлоқларига ёлборди:

— Ҳой, одамлар, айтинглар, менинг Абдурасулимнинг қўлидан бу иш келадими? Айтинглар, буларга...

Сунбула аллақачонлар чўккан бўлса-да, сув ҳамон лойқаланиб, ўзан остидаги икир-чикирларни беркитиб оқарди. Қиличтепаликлар минг йиллик қадрдонлари бўлган бу ариқ юқоридан лойқаланиб келаётганини, унинг бўтанаси юракларга зардоб бўлиб тўлаётганини, сувни тиндириш учун нимадир қилиш зарурлигини пайқашар, аммо Мирза Ариқдай узун хаёллар, кетмон дастадан ҳам қисқа қўллар, қаричдан калтароқ тиллар сўзлари кескир қиличдай ўткир, айтгани-айтган, дегани-деган курсидорлар олдида забун эканлигини туйиб, тарқалишди.

III

Бўтана ҳислар изтиробидаги Абдурасулнинг кўзига тик қарашга ботина олмаётган Маҳмуд унинг айтганларини қоғозга туширар, Зоҳиров кетма-кет сигарет тутатиб, сўроқ олиб борарди.

— Роҳат Мавлонова билан қачон танишгансиз?

Абдурасул кўрсаткич бармоғи билан қуюқ мўйловини силаб, ўзини босишга уринди. Томоғига нимадир тиқилди, ўрнидан туриб, дераза томонга ўгирилди.

...Асфальт йўл юзасида ҳосил бўлган мўъжаз кўлмакчалар тинимсиз ёғаётган ёмғирдан тобора катталашиб борарди. Абдурасул катта йўлни кесиб, рулни район маркази томонга буюрди. Бекатдан нарида турган кўйлакчан қиз қўл кўтарганини кўриб, унга раҳми келгандайин бир кайфиятда тормозни босди. Орқа ўриндиқда ўтирган Очил Ботирович қовоғини уйиб, унга саволомуз қаради.

— Шамоллаб қолади-ку, — деди Абдурасул гуноҳкор кишидай. — Қаранг, жуда юпун кийинган-а!

Андак-мундак одамни ёнида олиб юравермайдиган Очил Ботирович қовоғини очмай, юзини ўгирди. Йўловчи қиз машинанинг орқа эшигини очганда эса ноилож оғир кўзғалиб силжишга мажбур бўлди.

Билим юртига яқинлашганда қиз машинани тўхтатишни сўраб, сумкачасидан пул олиб, Абдурасулга узатди. Уч сўмликмиди, бир сўмликмиди — Абдурасул бош тебратиб «олмайман» ишорасини қилди.

— Олинг, — деди қиз. Унинг машинага ўтирганида саломлашганига Абдурасул аҳамият бермаган экан — овози майин, ёқимли эди.

— Қўяверинг, — жавоб берди шофёрининг ўрнига Очил Ботирович. — Киракаш эмасмиз.

Қиз уялиб ерга қаради.

— Ҳайда, — деди унинг орқасидан эшикни қарсиллатиб ёпган Очил Ботирович.

Машина қўзғалди. Бошлиқнинг «қизим сенга айтаман» қабилида шофёрига қилган дашномидан Абдурасул ижирғаниб қўйди.

Орадан икки ой ўтди.

Қиш ҳамма ёққа ёйган кўрпанинг оппоқ астари билан қора авраси орасига мағиз қўйиб, чатим-чатим тикишга уринаётган кўзга кўринмас игналар аввал қулоқ супрасига, сўнг бурун паррагига, кейинроқ бетнинг силлиқ юзасига санчилишга уринар, битта машғулотни ҳадеб такрорлайвериш жонига тегиб, ўзини бошқа эрмакка урган ўқувчига ўхшарди.

Абдурасул катта йўлдан район маркази томон бурилиб, бироз юргач, йўл бўйида турган қиз кўзига иссиқ кўриниб, тўхтади. Қиз машина томонга бир қараб қўйдию, жойидан жилмади. Абдурасул машинани орқага юргизиб, унинг ёнида тўхтатди. Қиз парво қилмади. Абдурасул ёнидаги эшикни очиб, чўзилганича:

— Келинг, — деди. — Сиз учун тўхтадим-ку.

Қиз ишонқирамай келиб, иккиланганича эшикдан бош суқиб, ҳадик билан орқа ўриндиққа қаради.

— Ўтираверинг, бир ўзим.

Қиз Абдурасулнинг ёнига ўтириб, пальтосининг этакларини тузатди-да, сумкачасини тиззасига қўйди.

— Ўшанда хафа бўлдингиз-а? — деди Абдурасул гўё кечирим сўраётгандай.

— Ёмон қўрс одам эканлар-эй, — деди гап ким ҳақда эканлигини англаган қиз, албатта хафа бўламан-да демоқчидай.

— Ҳечам унақа эмас. Кўринишидан қўпол бўлгани билан кўнгли тоза, яхши одам.

— Яхши одам нотаниш бир йўловчига шунақа пичинг қиладими?

— Пичинг сизга эмас, менга тегишли.

— Бировни миндириб олсангиз, доим шунақа кесатиб гапирадиларми?

— Ўшанда хўжайиндан сўрамай, сизга раҳмим келганидан тўхтатган эдим-да. Мана бугун атайлаб сизни элтиб қўйиш учун юбордилар.

— Ҳооо?!

— Рост.

Суҳбат узилди. Абдурасул машинани оҳиста ҳайдаб борар, йўлнинг сира тугамаслигини истар эди. Аммо узоқни яқин қилса бўлар, яқинни узоқлаштириш қийиндан-қийин эди. Билим юрти ёнида машинадан тушган қиз пул узатди.

— Биласиз-ку, киракаш эмасмиз.

— Уялтирманг, олинг. Ўтган сафар ҳам қарздор бўлиб қолган эдим.

— Қарздор бўлмай десангиз, бундан кейин тортинмай минаверинг.

— Олмасангиз, минмайман.

Абдурасул ташлаган илмоғига ўзи илинганидан ҳижолат бўлиб кетди.

— Минмасангиз, мен ҳам шу машинани бошқа ҳайдамайман, — деди у, гўё шу бугуноқ янгисини сотиб олаётган кишидай.

Энасининг «яхшими-ёмонми, оғзингдан чиққан ҳар гапга фаришталар дам солади» дегани ростга ўхшайди. Бўлмаса, ўша гапдан бир ҳафта ўтибоқ унга янги машина беришармиди.

Очил Ботирович Тошкентдан қайтган экан. У Абдурасулни очиқ чеҳра билан қаршилади. Эшикни ўзи очиб, гўё қучоқлашмоқчи бўлгандай, қўш қўллаб кўришди.

— Расулчик, — деди у оғзининг таноби қочиб. — Бу эски аравадан қутиладиган бўлдинг. Йигирма тўрт беришди, ука, йигирма тўрт.

— Йўғ-э, — деди Абдурасул ишонқирамай. — Шуҳрат Саломович тўрт йилдан бери ололмай юрардилар-ку.

— Шуҳрат Саломовичинг йўлини билмайдида, ука. Шунинг учун комбинатниям ўтқазиб қўяёзди. Катталар билан-ку, умуман тил топишолмайди. У-му-ман. Мана, оқибат. Агар яна бир-икки ой мени юборишмаганда-ку, бўладиганларинг бўларди. Мана, сен шофёрсан. Машинанинг у ёқ-бу ёғини мойлаб турмасанг юрадими? Йў-ўқ. Катталар ҳам шундай. Мойлаб туриш керак.

Очил Ботирович йўл бўйи янги машинани қўлга киритиш учун министрлик билан қилган муомаласи қанчага тушганлиги, сўнг олиб келган совғасаломидан уйидагилар қанчалик севинганлари ҳақида мақтанди.

Абдурасул индамай борарди. Унга нима? Катталар билан катталар муомала қилаверсин. Унинг вазифаси мана бу кичикроқ каттани олиб юриш. Ҳайда деса ҳайдайди, тўхта деса тўхтайди. Машина каттага керак, Абдурасулга эмас.

— Газикни Раҳматга топшир, — деди Очил Ботирович идора олдида тушар экан. — Кейин бухгалтерияга киргин. Командировчний ёзиб беришади. Область базасидан бориб, машинани олиб келасан.

— Йўллар жуда... — Абдурасул «сирпанчиқку» демоқчи эди.

— Расу-улчик, — унинг сўзини бўлди Очил Ботирович бошини хиёл қийшайтириб. — Биринчи йил ишлашинг эмас-ку. Эҳтиёт бўлиб ҳайдаб келасан.

— Қўрқаётганим йўқ, — деди Абдурасул. — Ҳаво совуқ, йўллар сирпанчиқ. Обкаткадан чиқмаган янги машинага нагрузка бўлади.

Абдурасул гап қайтаргани учун бошлиқ аччиқланади, деб ўйлаган эди. Очил Ботировичнинг тилла тишлари ярқираб, кўзлари қисилди.

— Ма-ла-дец, — деди у кўрсаткич бармоғини бигиз қилгани ҳолда ўнг қўлини силтаб. — Ана шу эҳтиёткорлигинг учун яхши кўраман-да сени. Вобшем, ўзинг биласан. Қачон қулай бўлса, олиб кел. Фақат, чўзма. Бунингда юргани уялади киши. Абкаткангдан чиқариб, созлаб мин. Менга машина бузуқ демасанг бўлгани. Келишдикми?

Очил Ботировичнинг «келишдикми»си «ҳаражатлари ўз бўйнингга» қабилидаги шама эканлигини Абдурасул анча вақт ўтиб англади. Бошқаларнинг олдида «киракаш эмасмиз» дейдию, бетма-бет қолганда «Созлаб мин. Менга бузуқ демасанг бўлгани» эмиш...

Телефон жиринги Абдурасулнинг гапини бўлди. Зоҳиров трубкани кўтарди.

— Эшитаман. Ҳа, ҳа. Зоҳировман. Э-э, саломсалом. Тинч-омон бормилар? Кўринмай кетдингиз? Шунақа денг...

Абдурасул бироз тин олишга имкон текканидан фойдаланиб ўгирилди-да, деразадан ташқарига қаради. Ёмғир майдалаб ёға бошлабди, йўловчилар сийрак. Ҳар ким ўз ташвиши билан...

Бекатдан чеккароқда турган қизнинг ёнига оппоқ «Газ—24» келиб тўхтади. Қиздан олдин уч йигит орқа эшикни очиб, ичкарига интилди. Биттаси олдинги эшикни очиб, шофёрдан қаёққа боришини сўради.

— Ҳеч қаёққа, — деди Абдурасул.

Орқа ўриндиққа ўтирмоқчи бўлганлар ҳам унинг гапни қисқа қилганлигидан ўтирмай, эшикни ёпмай, қотиб қолишди. Уларнинг қарашида «Бормас экансан, нега тўхтатасан?» деган саволни уқиш мумкин эди.

Абдурасул машинани айланиб ўтиб, олдинги эшикни очди.

— Келинг, — деди у нарироқда турган қизга.

— Вой, сизмисиз?

— Кўриб турганингиздек.

Қиз таажжубини яширмай, машинага қаради.

— Ўтираверинг, — деди Абдурасул, унинг ҳайрон бўлаётганини пайқаб. — Алмаштирдим.

Қиз ноилож машинага ўтирди.

— Эскисига минмайсизми деб қўрқдим. Шунинг учун алмаштирдим, — деди Абдурасул тезликни оширмай бораркан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунақа, айтганингизни қиладиган сеҳргармисиз?

— Сеҳргар бўп нима қипман?

— Аллақачон йигирма тўртга алмаштирибсизку..

— Йўқ, сеҳргар эмасман, — кулди Абдурасул, — лекин авлиё бўлсам керак.

Қизнинг лабидаги табассум соясини кўриб, Абдурасул ўзига берган нисбатидан уялиб кетди.

— Аниқроғи, мен эмас, бошлиғим авлиё бўлса керак, — гапни бурди у. — Олдингиси қаерга борса, иши ўнгидай келмай, жиғибийрони чиқиб юрарди. Буниси зўр. Ҳамма ишни эплайди. Одамгарчилиги ҳам ёмон эмас. У кишидан бекор хафа бўлдингиз дегандим-ку сизга. «Абдурасул-чи, Абдурасул», деб мени еру кўкка ишонмайдилар.

Абдурасул ёлғонини қиз сезармикан деган хаёлда қизаринқиради.

— Исмингиз, Расулми? — сўради қиз.

— Ҳа. Сизники-чи?

— Роҳат.

— Ана, танишиб ҳам олдик.

Гап узилди. Абдурасул кўҳликкина бу қизни гапга солишни ўйлар, бисотида борини сарфлаб қўйгандай, тилига тузукроқ калима келмасди.

— Билим юртида ишлайсизми?

— Ҳа.

— Нима иш қиласиз?

— Ўқитувчиман.

Яна суҳбат узилди. Абдурасул катта йўлни кесиб ўтганда Роҳат тўхтатишни сўради.

— Мен бу ёққа кетаман.

— Қаёққа борасиз?

— Кумушкосага.

— Элтиб қўяман.

— Йўқ, ўзим кетавераман. Бу ёғи жуда яқин.

Абдурасул қизнинг эътирозига қарамай, машинани орқага бурди.

— Кумушкосаликмисиз?

— Ҳа.

— Яқин экан-ку.

Гап яна узилди. Тавба, одамни гапга солиш шунчалик ҳам қийин эканми-а? Абдурасул қизга нимадир дейиш учун баҳона излар, аммо миясига тузукроқ фикр келақолмасди. Гап деганда бирор тутуруқ бўлиши керак-да, ахир. Оғзингга ўнг бўлганини айтавермайсан-ку.

— Қишлоғингизни нега Кумушкоса дейишади? — сўради у Мирза Ариқ кўпригидан ўтишаётганда.

— Эшитмаганмисиз?.. Айтишларича, Мирзо Улуғбек сафардан қайтаётиб, шу ерда дам олган экан. Унинг хизматкорларидан бири сув оламан деб, Улуғбекнинг доим ўзи билан олиб юрадиган севимли косасини Мирзо Ариққа тушириб юборибди. Мирзо Улуғбек косани олиб чиққан кишига катта эҳсон ваъда қилибди. Косани ҳеч ким топиб чиқа олмабди. Кейин юқоридан сувни қуритиб излашибди. Барибир топишолмабди. Ўша коса кумушдан ясалган экан... Яна бир хил ривоятларда бу косани Мирзо Улуғбекка Кумушбиби исмли севгилиси берган дейишади... Ишқилиб, шундан кейин қишлоқнинг номи Кумушкоса бўлиб қолибди. Нега куласиз?

— Қишлоқларимиз номининг ўхшашлигига-да.

— Сизнинг қишлоғингиз ҳам Кумушкоса дейиладими?

— Йўқ, Қиличтепа. Ўша ердаги тепалик ёнида Мирзо Улуғбекнинг қиличи йўқолганми, синганми эмиш. Шунинг учун Қиличтепа, яъни Мирзонинг қиличи йўқолган тепа деб атай бошлашибди.

— Қизиқ, катта йўл бизнинг қишлоқдан ўтганку. Улуғбек у томонларда нима қилган?

— Ўша вақтларда битта йўл бўлмаган, чоғи. Балки канални қаздириш вақтида йўқотгандир. Уни Мирзо Улуғбек қаздирган дейишади-ку. Шунинг учун Мирза Ариқ, Мирзо қаздирган ариқ.

— Подшоҳлар ҳам ҳар нарсани ўз номлари билан боғлашни яхши кўрганми дейман-да. Косасининг шарафига битта қишлоқнинг номи, қиличининг шарафига бошқасининг номи, анҳорга ўзининг номи... Яна биз билмаган қанча жойларда ўзлари билан боғлиқ номларни қолдириб кетишгандир...

Кумушкоса қишлоғи Мирза Ариқдан пича ўтиб, йўл ёқасидаги тўрт-беш ҳовли сиғадиган, афтидан, бирор қурилишга мўлжалланиб, пишиқ ғишт, қум, шағал, тахта, бетон плита ва яна қандайдир биноқорлик материаллари тартибсиз уюлиб ётган, қақайиб турган кўтарма кран остида икки йилдан бери биринчи қаватдан юқорига ўсмаётган бинонинг нарёғидан бошланарди. Роҳат қишлоқдан қарийб чиқаверишда тушиб қолди. Абдурасул ширин ҳислар билан орқага қайтди. Роҳат... Шундай ёринг бўлса. Роҳат билан гаплашишнинг, уни ўйлашнинг ўзи бир роҳат. Ақлини қара-я, ақлини. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган гапларни билади. Подшоҳлар ҳар жойда ўзлари билан боғлиқ ном қолдириб кетишга баҳона қидирган дейди-я. Тўғри-да. Битта косангни деб қишлоқнинг номини Кумушкоса, қиличингни деб Қиличтепа, найзангни деб Найзатепа қўяверишмикан?..[2] Уларку, энди подшоҳ ўтган. Замонаси шуни кўтарган. Ҳозир-чи? Ана у янги совхозга етмиш чақирим нарида яшайдиган, бу ерларга ҳеч қандай даҳли йўқ кишининг номини қўйишибди. Қаҳрамон бўлса ўзига. Асли сабаб бу эмас, Санжар Ҳамроевнинг отаси бўлганлиги! Шу ерлик ҳақиқий қаҳрамонлар камми, номини қўйишса!..[3]

...Қиш чиқишида ёғингарчилик билан келган кунлар аста-секин илиб борар, унинг ҳарорати ҳафта-ўн кунда йўлда учратиб, миндириб кетадиган қизга нисбатан бўлган туйғуга ҳам юқа борарди. Ҳали баҳор еллари эсмай, уйқудаги мавжудотни уйғотишга улгурмаган шабадалар Абдурасулнинг ҳиссиётини қўзғата билди. У қалбида яралаётган сўзсиз қўшиқларини Роҳатга атар, аммо дилидагини тилига чиқаришга ожизлик қилар, ҳар сафар «энди айтаман» дея ўйлар, лекин қизни учратганда ҳар қанча уринмасин, кўнглини очишга туртки бўладиган гап топа олмай, қийналарди. Роҳатнинг кўзларида ҳам ўзига нисбатан яқинлик сезса-да, ўқимишли қизнинг ўқимаган, оддий шофёрни ўзига муносиб кўрмаслик андишаси билан ҳадиксирарди.

Абдурасулнинг қалбидан кейин уйғонган табиат атрофга ҳаёт бахш этди. Гулу чечаклар майин эсган шабада бағрида эркаланиб тебранар, ел кўринмас тароғи билан майсалар сочини тарар, эвазига муаттар ҳидидан озгина олиб кетар, Мирза Ариқ кундан-кун тўлиб тошар, қирғоқни бузиб чиқмоқчидай, ўзанига сиғмай, бўтаналашиб, ўйноқлаб оқарди. Қўл чўзиб бир-бирига етолмайдиган, лекин узоқлашиб ҳам кетолмайдиган иккала қирғоқ саркаш сувларни ўзандангина оқишга мажбур қиларди...

...Деҳқон далага чиқди. У ерга-ки уруғ қададими, ахийри бир кун кўкариши тайин.

Бу сафар Мирза Ариқ бўйига етганда Роҳат тўхтатишни сўради.

— Шу ерда тушиб қолай.

— Нега? Элтиб қўяман.



---

[2] Самарқанд шаҳрига яқин Кумушкент, Найзатепа қишлоқлари бор.

[3] Турғунлик йилларида Самарқанд оближрокомининг раиси бўлган С. Ҳамроқулов шу атрофдаги совхозлардан бирига ўз отаси Ҳ. Носиров номини қўйиб, йўл ёқасига унинг улкан портретини ўрнаттирган. Ҳозир бу совхоз «Ғалабанинг 40 йиллиги» деб аталади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мирзанинг бўйидан пича ялпиз териб борай. Энам тайинлаган эди.

Машина тўхтади. Ундан тушган қизга Абдурасул эргашди.

— Ҳа-а? — деди Роҳат.

— Бирга теришсам майлими?

Қиз иккиланди.

— Ихтиёрингиз, — деди у елка қисиб. — Фақат биров кўрса яхши бўлмайди-да.

Абдурасул тўхташга мажбур бўлди. У Роҳатдан орқада қолиб, ялпиз теришини кузата бошлади. Ҳу нарида — Мирза Ариқнинг бурилиш жойида, ўнг қирғоқдаги хиёл туртиб чиққан дўнгчада жулдур кийимли киши тиззаларини қучоқлаганча сувга термулиб ўтирарди. У Абдурасулнинг ҳадеб тикилаверганини сездими, ўрнидан турди. Ҳадиксираб, дўнгчадан пастроққа тушиб ўтирди. Бари бир кўздан паналай олмагани учун бўлса керак, бироз четлаб, катта йўл томонга қараб юрди. Нотаниш киши исқирт тўнда, яғир телпагининг қулоқчинларини тушириб олган эди. У катта йўлни кесиб ўтиб, Мирза Ариқ ёқалаб юқорига, қабристон томонга кетди.

— Ана у ким? — сўради Абдурасул териб олган ялпизини рўмолчасига ўраб қайтган Роҳатдан.

— Шамши жинни деганлари шу-да. Эшитмаганмисиз?

— Йўқ.

— Уни ҳамма билади-ку. Қумушкосанинг Мажнуни. Қишлоғимиздан бир хўжанинг қизини яхши кўрган экан. Қизнинг ота-онаси унга бермай, хўжалардан бўлган бошқа йигитга унаштиришган. Қиз унга тегишга рози бўлмай, ўзини Мирза Ариққа ташлаган. Кейин Шамши жинни бўлиб қолган. Ҳар куни шу ерга келади, қабристонга боради. На уйи бор, на жойи. Тўғри келган жойда кунини кўриб юраверади. Бу ерга келиб, ўзини сувга ташлашга юраги дов бермай қайтиб кетса керак-да...

Шамши жинни туни билан Абдурасулнинг кўз олдидан кетмади. Қулоғи остида гўё Роҳат «кўрдингизми, қизлар қанақа дадил бўлади? Йигитларда юрак йўқ. Жинни бўлса бўладики, яхши кўргани учун ўзини ўлдиришга кучи етмайди», деяётгандай туюлаверади. Энди дадиллашмаса, юрагини очмаса, бўлмайди. Роҳатнинг ҳам унга майли борлиги билиниб турибди-ку. «Биров кўрса, яхши бўлмайди» деди. «Кўрмаса яхши» дегани эмасми бу?..

...Бостирмалар тўсини устида иягини тираб, қиши билан дам олган кетмонлар тушди. Уларнинг зангини тупроқ ола бошлади. Чигирткалар кечалари чириллашини аллақачон бошлаган эди. Қишлоқ молларининг шохига арқон солинди. Мирза Ариқ буралиб-буралиб оқар, ҳар замон ҳар замонда қирғоқнинг у ер-бу ерини ўпириб юборса-да, тошиб чиқолмай, ғайир гирдоблари ўзан бўйлаб кетишга мажбур эди. Ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб туйғуларни қитиқлар, қўшиқ айтгинг келар, бироқ бу қўшиқнинг ўзигагина тегишли сўзлар топила қолмасди. Уша қўшиқ — кўз ўнгингда турган Роҳат. Шундоқ рўпарангда, нариги қирғоқда турган, қўл чўзсанг етадиган, аммо чўзишга юрагинг бетламайдиган Роҳат. Қўл чўзсанг, Мирзо Улуғбекнинг косасига ўхшаб, оқиб кетишидан қўрқасан. Мирза Ариқ бўйларида... Ие, ана, ўша қўшиқ. Мирза Ариқ бўйларида... Бу ёғи-чи? Мирза Ариқ бўйларида юрганимда... Мирза Ариқ бўйларидан топиб олган... Қўшиқ тўқиш ҳам шунчалик қийин бўларканми? Қийин бўлса ҳам, Абдурасул бу қўшиқни албатта тўқиши керак. Албатта. Кейин Роҳатга айтади. У ҳаммасини тушунади. Шундай ҳам тушунарлию, барибир айтиш керак-да. Буни сўз билан ифодалаб бўлмаса керак. Бошқалар қандай айтишаркин-а? Тўғридан-тўғри «Мен сизни севаман» деярмикин? Айтолмаса керак. Бу фақат китобларда бўлиши мумкин. Жуда қуруқ, баландпарвоз гаплар-ку. Ҳаётда бошқача бўлса керак. Мана мен, айтолмай юрибман-ку. «Тушларимга кирасиз» десаммикин, «Сизни ўйлаганим ўйлаган» десамми?.. Яхшиси, ана шуларнинг ҳаммасини қўшиқ қилиб айтади...

Роҳат ҳафта мобайнида йўл бўйида кўринмади. Абдурасул машинани йўл чеккасида тўхтатди-да, ҳеч ери бузуқ бўлмаса ҳам, капотни очиб, моторга уннай бошлади. Вақт миллаб ўтар, ғарбга энгашган лолақизғалдоқнинг қуёши тузуккина қизитарди. У тез-тез бошини кўтариб, билим юрти томонга қараб қўяр, Роҳат ҳадеганда чиқавермасди.

— Мени кутяпсизми?

Абдурасул бошини кўтарди. Ундан икки қадам нарида Роҳат ўзи тенги қиз билан турарди. Сездирмай келганини қара-я. Саволи-чи? Жон олғучи. «Ҳа» десинми, «бузилиб қолди» десинми? Алдаб нима қилади, ўзи гапнинг хонаси келиб қолди-ку.

— Ҳмм, — тасдиқ ифодасида бош силкиди у.

Аввал Роҳат, кейин дугонаси машинанинг орқа ўриндиғига ўтиришди. Абдурасул қўлини ёғли латтага суртиб, ўйланиб қолди. Дугонасини олиб чиққани нимаси? Мен кўнглимни очолмай юрибману, у бўлса... Майли, қайтага яхши бўлди, кейинги сафар айтарман.

Катта йўлга чиққунча билим юрти, директорнинг ўқитувчиларга ўтказаётган зуғуми, йўқ группага олинаётган пул ва яна қизларнинг ўзларига тегишли бошқа гаплар айтилди. Абдурасул бегона одамдай, уларнинг гапига онда-сондагина қўшилиб қўярди. Катта йўлга етганда «дугона» машинани тўхтатишни сўради. Абдурасул орқани кўрсатувчи ойнага саволомуз қаради.

— Салима шаҳарга борадилар, — деди Роҳат.

Салимани туширириб, Қумушкоса томонга йўналган машина Мирза Ариқ кўпригига етганда тўхтади.

— Ялпиз термайсизми? — деди Абдурасул.

— Вақтингиз кўпми?

— Кўп.

— Бемалолми?

Абдурасул орқани кўрсатувчи ойнада табассум қилиб турган қиз тасвирига кўзи тушиб, ийиб кетди. «Ана, ўзи гап кавлаяпти. Энди айтмасам бўлмас».

— Бор вақтимнинг бари сизники.

Қиз қизарди. У ерга қараб олиб, машинадан тушди. Сўнг Мирза Ариқ бўйини ёқалаб ялпиз тера бошлади. Нарироқдаги дўнгчаликда чўнқайиб ўтирган Шамши жинни тура солиб, йўлни кесиб ўтди...

Бир оздан сўнг Роҳат ялпиз ўрнида қўлида бинафшадан қилинган жажжигина гулдаста билан қайтди. Унинг эҳтиросли кўзлари «айтинг, ҳо-озир айтмасангиз, кейин айтолмайсиз» деб турарди.

— Ие, — деди Абдурасул ажабланиб. — Мен сизни ялпиз териб келасиз десам...

— Нима фарқи бор? Бугун менга ялпиз эмас, бинафша керак.

— Фарқи бор-да. Ялпиз терасиз деб, сизга атаб шеър тўқиб ўтирибман.

— Шеър? Қани, эшитайлик.

Абдурасул томоқ қириб олди. Хаҳ, нима эди-я.

— Мирзанинг... — у яна томоқ қирди. Кечагина топган сўзлари тутқич бермай қочарди.

— Мирзанинг...

Роҳат қиқирлаб кулди.

— Ҳа-ҳа, мана:

Мирза Ариқ бўйларида ялпиз териб
Юрганимда териб олган ялпизимсиз.
Кечалари тушларимга кириб чиқиб,
Оромимни ўғирлаган ёлғизимсиз...

Жимиб қолишди. Роҳат қизарди.

— Ўзингиз тўқидингизми? — деди у бир неча фурсат давом этган жимликни бузиб.

— Ҳа.

— Тузуккина шоир экансиз-ку.

— Мени шоир қилган ўзингиз-да. Ҳи-ҳи, — кулди у секингина.

— Нега куласиз?

— Яна битта шеър келиб қолди:

Мени шопир қилган ўзингиз,
Кейин шоир қилган ўзингиз.

— Мени деб шопир бўлганингиз йўқ-ку.

— Лекин сизни деб шоир бўлсам ажабмас.

Роҳат баттар қизарди. Қўлларининг титраши вужудига ўтганини Абдурасул сезмади. У қизга яқинроқ келиб, қўлини чўзди.

— Вой, нима қиляпсиз?

— Сизни... Энди ўйлаганим, фақат...

— Керакмас, — унинг сўзини бўлди қиз. — Қўйинг, одам уяларкан...

Қиз машинани айланиб ўтиб, орқа эшикни очди-ю, ўриндиқдаги сумкачасини олди.

— Шошманг, қаёққа? — Абдурасул унинг йўлини тўсди. — Элтиб қўяман.

— Йўқ, ўзим кетаман. — Роҳат йўл чеккасидан тез-тез юриб кета бошлади. Абдурасул узоқлашиб бораётган қизнинг орқасидан нима қиларини билмай, тикилиб қолди. Кейин югуриб бориб, унинг йўлини тўсди.

— Кечирасиз, — деди гуноҳкор оҳангда. — Лекин қачон бўлса ҳам барибир айтишим керак эди. Сиз...

— Бўлди, — унинг лабига титраётган кафтини босди Роҳат. — Бошқа гапнинг кераги йўқ. Бугун кузатманг. Мен ёлғиз бўлишим керак.

У йўл четидан югурганича узоқлашди.

Абдурасул қизнинг жавоби орқа ўриндиққа қолган бир даста бинафшада эканлигини уйига келгачгина билди.

«Шеърни ўзгартириш керак, — ўйларди у. — «Териб олган ялпизимсиз», эмас, «териб олган бинафшамсиз...»

Аммо «териб олган ялпиз» «бинафша»га айланмай, «ялпиз»лигича қолаверди. Энди у Роҳатнинг ҳам юрагига қутқу солди. Минг қилса, ўқимишли-да, «ялпиз териб»нинг икки марта қайтарилгани яхши чиқмаганлигини Абдурасулга айтди. Уша такрорнинг биттасини биргалашиб ўзгартиришди. «Бинафша» қофияга тушмагани учун «ялпиз» бўлиб қолаверди. Бир-бирини соғинган икки вужуд учрашганда лаблари:

Мирза Ариқ бўйларида хандон отиб
Юрганимда териб олган ялпизимсиз.
Кечалари тушларимга кириб чиқиб,
Оромимни ўғирлаган ёлғизимсиз,

дея шивирларди...

Чиллаки ранг келтирганда Мирза Ариқ асовлигини қилиб, Қумушкосага яқин ерда қишлоқнинг бўш ерини ювиб кетдию, катта майдондаги экинларни сув босди. Сувни қуритиб, обкандани тузатишди. Бироқ унинг оқибатида нобуд бўлган экинларни қайта тиклашнинг иложи йўқ эди...

Ана шунақа. Эҳтиролар ўзанига сиғмай қолганда, қирғоқдан тошиб кетади...

Сунбула чўкиб, сув тиниқлашди. Мирза Ариқ энди асовлигини қўйиб, сокин оққандай кўринса-да, сув бетида у ер-бу ерда ҳосил бўлган кўпиклар оқим ўз ишини қилаётганидан дарак берарди.

Турналар қуррей-қуррейлашиб, арғимчоқ ташлаб ўтди. Тиргак қўйилган олма шохлари ҳосилнинг кўплигидан қарс-қурс синар, юкини енгиллатишни сўраб, ихрар, эгаларини шоширарди. Вайишга бемалол ястаниб олган ток хотиржамдай кўринса-да, узумини чумчуғу ариларга қолдирмай узиб олишни илтижо қиларди. Ўргимчакнинг узун тўрига ўхшаб учиб юрган мезон йиғим-теримни тезлатишга даъват қиларди...

Роҳат машинага ўтириб, ўзини тутолмай, ҳўнграб юборди.

— Нима бўлди? — ажабланди Абдурасул.

Роҳат ҳўнграганича иккала қўлини юзига босиб, бошини силкиди. Абдурасул моторни ўчириб, қиз томонга ўгирилди. Ўнг қўлини унинг елкаси оша ўтказиб, чап қўли билан иягидан ушлаб, ўзига қаратди. Роҳат жиққа тўла ёшли кўзларини унга тикиб, йиғи аралаш хўрсинди.

— Тинчликми?

— Кўрмаяпсизми?

— Нимани?

— Юзимдаги... доғларни-да, — у яна ҳўнграб юзига иккала қўлини босганича энгашди.

— Нима бўпти? Шунга шунчами?

— Нима бўптимиш. Тушунмаяпсизми?

— Шунгаям кўзёшими? — Роҳатни бағрига тортди Абдурасул. — Бугун пайдо бўлган бўлса, эртага йўқолиб кетар.

— Бу йўқоладиган доғ эмас, — Абдурасулнинг қўлини елкасидан олиб ташлади Роҳат.

— Йўқолмаса ҳам, менинг учун дунёдаги энг гўзал қиз бўлиб қолаверасан, — Абдурасул калитни буради. Мотор гуриллаб ўт олди.

— Кўнглим айнийди, Расул ака, аччиқ нарса егим келади...

Абдурасул елка қисди.

— Ҳўпам одамига учраган эканман-ку, а? — Тушунмаяпсизми ё ўзингизни гўлликка соляпсизми? Бўйимда бўлганга ўхшайди...

— Ааа? — Абдурасул тормозни шахд билан босди. Эндигина кўзғалган машина бир қалқиб, тўхтади.

Кўзлар тўқнашиб, чақмоқ чақди. Ҳаял ўтмай момақалдироқ наъра тортиб, еру кўкни ларзага солди.

— Доғлар ўшаники, — деди Роҳат. Унинг кўзлари ёшини аямай тўка бошлади.

Абдурасул бошини руль чамбарагига қўйиб, хўрсинди. Нима қилиб қўйди-а? Ўзини тутиш шунчалик қийинмидики, бегуноҳ бир қизни ота-онаси олдида, элу юрт олдида шармисор қилса, иложини топиш керак! Роҳатининг юзини шувит қилиб қўядиган йигитлардан эмас у.

— Йиғлама. Тўй. Тўйни тезлаштирамиз. Бошқа илож йўқ!..

Машина қўзғалди. Унда кетаётганлар миқ этишмас, ҳар қайсиси ўз хаёли билан банд, чақмоқ чақиб, момақалдироғини гумбирлатиб келаётган ана у қора булут челаклаб ёмғир қуйиб, ширин-аччиқ ҳисларни кўмиб юборишини тасаввурларига сиғдиришолмасди...

Абдурасул дардини Очил Ботировичга ёрди. Бошлиқ бу сафар ҳам қўлидан келмайдиган иши йўқлигини кўрсатди. Абдурасулнинг ота-онасига бўлган гапларни ётиғи билан тушунтирди. Колхоз раҳбарларини истисно тариқасида тўйга рухсат беришга кўндирди. Топган вақтида қайтариш шарти билан ҳатто харажатларнинг бир қисмини кўтарадиган бўлиб, ишнинг кўплигига қарамай, Абдурасулга отпуска берди. Якшанбада нон ушатишди. Никоҳ келаси якшанбага белгиланди. Мирза Ариқ тепасида айланиб юрган қора булутга ҳеч ким аҳамият бермади...

— Роҳатни охирги марта қачон кўргандингиз? — Зоҳировнинг саволи Абдурасулнинг хаёлини бўлди.

— Бўйида бўлганини айтганидан икки ҳафта кейин.

— Мирза Ариқдан Роҳатнинг ўлиги топилмасдан бир кун олдин қаерда эдингиз?

— Уйимда. Жўраларим билан тўйга жой тайёрладик. Уларни чақириб сўрашингиз мумкин. Ана, кўчада туришибди. Куни билан уйдан чиққаним йўқ.

— Ҳмм, ишондик, ишондик, — деди Зоҳиров кўзларини пирпиратиб. Кейин ўрнидан туриб Абдурасулга яқинлашди. — Кимдан гумонингиз бор?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Демак, сиз ўлдирмагансиз?

Абдурасул индамай, ерга қаради.

— Майли, боринг, — деди Зоҳиров. — Ўзингизга келиб олинг. Бизга хабар бермай, ҳеч қаёққа кетманг. Бирор гап эшитсангиз, бизга етказинг.

Абдурасул қулоқларига ишонмай, турган ерида қоқилган михдай тураверди.

— Бораверинг, — деди Зоҳиров. — Қачон чақирсак, келасиз.

Абдурасул ишонқирамай, эшикни очди. Назарида, ташқарида уни кутиб турган милиционер қўлига шартта кишан солади-ю, машинага босиб, тўғри қамоққа олиб кетади.

— Нега уни қўйиб юбордингиз? — Зоҳировнинг юмшаб қолгани сабабини тушунмаган Маҳмуд унга ўгирилди.

— Бугунча етади, — деди Зоҳиров. — Кўрмаяпсанми, жуда қийналиб кетди. Ўзига келиб олсин.

— Шунинг ўзидан бошқа ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Буни исботлаш керак.

— Шундоқ ҳам ҳаммаси маълум-ку. Қиз аборт-га кўнмагач, у тўйга кўнишга мажбур бўлган. Номигагина тўйни бошлагану, қизни ўша томонларга элтиб ўлдирган. Яширишнинг иложини қилолмай, оқизган.

— Агар шундай бўлса, у энди ўз қўлимизда деявер. Ҳеч қаерга кетолмайди. Ҳозир телефонда нимани гаплашганимни биласанми? Милициядан қўнғироқ қилишди. Кумушкосадаги мактаб қурилаётган ерда қон излари топишибди. Ўша ерда қонга беланган пичоқ ҳам бор эмиш. Емғир изларни ювиб юбормай, ўша ерга етиб боришимиз керак!

IV

Кўкни қоплаб олган тим қора булут гоҳ эринчоқлик билан майда-майда томчилар ташлайди, гоҳ тақдирга тан бериб, кўз ёшларини тийган азадордай, вазминлик билан, лекин қошу қовоқларини очмай сузади. Катта йўлдан иккала томонга ғизиллаб машиналар ўтади. Табиатнинг анвойи хулқини ҳар қадамда учратишинг мумкин — бу ерда, район марказида ёмғир эрталабдан бери тинган эмас, бир чақирим юрмасингдан эса унинг фақат чангбосди қилиб ўтганини кўрасану, фаолиятинг бошланишида катта-катта ваъдалар бериб, ҳатто бир қанча ютуқларга ҳам эришган, мавқеини мустаҳкамлаб вазифасини унутиб, номигагина, «фалон иш қилинди» қабилидаги маълумот учунгина бирор тадбирни ўтказишга ўрганиб қолган раҳбар кўз олдингга келади...

Тупроқ шакароб сепиб ўтган ёмғирни чанқоқлик билан симириб олган, ел бор намликни қуритишга тиришиб, унинг юза қисмида атайлаб қопланган-дай қотирилган юпқа қатлам ҳосил қилган, йўлдан пастга тушишинг билан намхуш тупроқ оёққа бемалол ёпишади, сўнг чалажон ҳашаротдай, товуш чиқармасдан тушиб кетадию, босган қадамнинг ўрнида изинг қолади. Кейин хоҳ дод де, хоҳ вой де, ўшанга қараб оёқ босишингга баҳо беришади...

Биринчи қаватдан юқориси чала бўлган бино ёнида кўтарма кран минораси симини осилтиргани-ча, қаққайиб турибди. Қурилиш майдончасида қум, тупроқ, ғишт, бетон плиталар ва яна аллақандай материаллар бетартиб қалашиб ётибди.

Чархига резина қайиш ўралган вагонча эшигидан кир босганлигидан қандай рангдалигини англаб бўлмайдиган кийимли киши, тўхтаган машинанинг овозини эшитиб бўлса керак, бир қарадида, ичкари кириб кетди. Машинадагиларнинг ҳаммаси тушиб улгурмай, вогонча ичидан тўрт-беш киши чиқди. Уларнинг бири шляпали, чарм куртка кийиб олган, қолганлари худди бояги кишидай ифлос кийимда эди. Шляпали киши оёгига намхуш тупроқни илаштирмасликка ҳаракат қилиб, қадамини териб-териб босганича машина томон юрди.

— Ассалом-алайку-ум, — сўрашди у ҳамма билан бир-бир қўл олишиб. — Келинглар.

— Келдик, — деди Зоҳиров.

У кесатиб гапирдими, ё шунчаки жавоб бердими, Маҳмуд англай олмади.

— Территориянгизда қон излари топилган экан, — давом этди Зоҳиров.

— Ҳа-ҳа. Ҳу, анави ерда, — деди «территория эгаси» қўли билан ишора қилиб. — Ҳой, Собир, буларни қонни кўрган ерингга бошла.

Кийимидан ҳам баттарроқ кир босган кирза этикли йигит қурилишнинг нариги томонига қараб юра бошлади. Зоҳиров, Маҳмуд, милиционерлар ва уларнинг кетидан вагончадан чиққанлар эргашишди. Икки юз қадамлар чамаси юрган йигит тупроқ уюми устига чиқиб, пастга ишора қилди. Зоҳиров шимининг почасини бар уриб, унинг орқасидан кўтарилди-да, тупроқ уюми орқасида кўринмай қолди. Маҳмуд иккала қўли билан шимининг почаларини олифталарча кўтариб, дўнглик устига чиқди, Зоҳиров тўғри қилганини шундагина тушуниб, у ҳам шим почаларини қайирди.

Экскаватор кавлаган хандақнинг бир чеккасида қотиб қолган қоп-қора қон устига кимдир тупроқ ташлашга ҳаракат қилганлиги билиниб турарди. Нарирокда қонга беланган пичоқ ётарди.

— Жуда с-соз, — деди Зоҳиров хандақнинг бир чеккасида туриб, атрофни синчиклаб кузатар экан. — Емғирнинг бу ерда кўп ёғмаганлиги айни муддао бўлибди. Сиз буни қачон кўрдингиз?

— Икки соатча бўлди, — деди хандақ лабида турган Собир. — Заҳар танг қилганди, шу ерга тушаман деб...

Зоҳиров чўнтагидан дастрўмолини чиқариб, пичоққа қўлини тегизмасликка ҳаракат қилганича уни ўраб олди.

— Агар бунинг Роҳат Мавлонова ўлимига алоқаси бўлсами, калаванинг учи қўлимизда деявер, Маҳмудвой, — деди у.

— Ўтган куни уни катта йўлда кимдир қувиб кетаётганини қоровулимиз кўрган эканку, — деди Собир.

— А-а? — Зоҳиров кўзлари чақнаб кетди.

— Ўшаними-бошқаними, ишқилиб, бир хотинни бир эркак қувиб кетаётганини қоровулимиз кўрган экан.

— Қани, қоровулингиз?

— Вагончада.

— Чақиринг-чи. Йўқ, шошманг, ҳозир ўзим бораман, — деди Зоҳиров. Кейин у хандақ ичида анча ғимирсилади. Бир чеккадан тошми, кесакми, ниманидир олди, у ёқ бу ёғига ажабсиниб қаради, сўнг чўнтагига солди-да, юқорида, тупроқ уюми устида турган милиционерларга қаради. — Расмга олинглар. Устини ёмғирдан паналаш чорасини кўринг. Кейин бу ердаги ҳар бир издан қуйма олинг. Эҳтиёт бўлинглар, ортиқча из тушмасин. Қондан, тупроқдан намуна олиб, уларни пичоқдаги қон доғлари билан биргаликда Роҳатнинг қони билан солиштириб текшириш керак.

Маҳмуднинг эти жунжикиб кетди. Одам қони...-дан намуна олиш-а.

Маҳмуд буюрилган ишларни бажариб келганда торгина, ифлос, бир чеккасида эски каравот, бир чеккасида тўрт қатор терилган пишиқ ғишт устида электр плита қўйилган, сигарета тутуни, пиво ва шўр балиқ ҳиди анқиб турган вагончанинг ёруғ тушиб турган туйнуги ёнида қўйилган столда Зоҳиров эшикдан кирган кишига юзи кўринадиган ҳолда ёзиб ўтирарди. Унинг рўпарасида қора тўнли, уриниб қолган дўпписи устидан белбоғини саллача қилиб ўраган киши бир қўлини белига тираб, иккинчи қўлининг тирсаги билан сонига такя қилганича эшикка орқа ўгириб ўтирар, тожикча талаффузда чўзиб-чўзиб гапирарди:

— Оёлди қийқирганини эшитдим. Турди-им. Пўртичкадан бундо-ой қарадим. — У ўрнидан туриб, бўйнини туйнукка чўзди. — Оёл, чопи-иб кетопту. Кетинроғидан бир эркак, базў-ўр қувиб боропту. Ўшшега битта мошин турувди. Сиветини ёқиб ўтиб кетти. Ўша мошин арқасидан ёритти-да, олдидан кесайди, бетини кўрасдим. А бу Мавлонди қизи якка-ан, чиғиб баччағардан оннасини кўрсатиб қўсдим-ку-я. Шеддан туриб «Ҳўў-ўўй», дедим. Эркак тўхтадэ. Аққа баққа қарадэ. «Нима қилопса-ан?» дедим. Эркак дабдиради. Қарасам, масга ўхшайди. Кўп яхши юролмайду. Оёлгинаям энни несароққа кетгандур-даа, дедим. Бу ўзи мас, ўзи базў-ўр юрипти-ю, унга қанноғ етиволаду, деб ўйладим. Сўғун, чиғиб мас билан баравар бўлуб нима қиламан, дедим ўзумга. Хотин-потунини қувиб ёргандур-да, дедим. Йее, уйй, базў-ўр юрган мас, унга қанноғ еттию, қанноғ чуқурга олиб кирди. Суғун қанноғ беддан оливутиб, Мирзога ташлаптуя. Ҳе-еж ҳайронман-да. Ҳе-еж ҳайронман. Дебдак кучи бўса керак-да. Бўмаса улугди шеддан Мирзо Ариққа кўтариб бориш осонми?

Зоҳиров ҳар замонда бошини қимирлатганича унинг айтганларини ёзиб борарди.

— У Роҳат Мавлоновага ўхшармиди?

— Бир қароси ўхшагандаг эди. Бо қайдан билай, бетини курган бўмасам. Ҳа, ўшаннан бошқа ким бўладу? Ўша охшам шу Мавлонни қизи йўқолган. Суғун эттасига сила ўлугини топган.

— Эркакни танимадингизми?

— Қайдан билай, бачам, пайқас қимамман.

— Кўриниши қанақа эди?

— Бе-есўнақай, ка-атта гавдалик одам эди. Бо қайдан билай, қоронғуга одамни яхши кўруб бўмаса...

Тергов чўзилди. Зоҳиров қоронғу тушгандан кейин, милиционерлар ва тарқалишга шошилмай, уларнинг ишини кузатаётган ишчилар ёрдамида ташқарида юз берган қувиш манзарасини такрорлаб, ўзи қоровул билан вагонча ичида туриб кузатди. Кейин ташқарига чиқиб, яна ўша манзарани такрорлатиб, бир дунё қоғозларни ёзув-чизувларга тўлдириб ташлади.

Давоми бор.

ОЗОН

Озон ўпқони... Сўнгги йилларда у башарият эътиборини чулғаган ҳаётий муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Нега дейсизми? Ахир, сирасини айтганда, курраи арздаги мавжудотнинг тақдири унга боғлиқ-да. Хўш, шунчалик муҳим бўлган бу моддaнинг номаи аъмоли нима экан?

Юнончада «ҳид таратаман» деган маънони англатувчи озон аслида кислороднинг ўзига хос турларидан биридир. Ҳаво орқали электр учқунлари ўтказилганида ғалати ҳид пайдо бўлади ва у оксидловчи хоссага эга. Буни голланд физиги бундан 200 йилдан кўпроқ вақт муқаддам аниқлаб, озонни кашф этган эди. Дарвоқе, озон кислороднинг ўзига хос турларидан бири эканлигига қарамай, унинг хоссалари кислородникидан кескин фарқ қилади ва ҳиди ҳам айрича. Кўкимтир тусдаги бу газ одатдаги шароитларда портлайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ер куррасида озон тропик минтақа атмосферасида 30—40 километр баландликда ҳосил бўлади. Қуёшдан келадиган фотонларнинг энг кўп қисми худди шу ерда ютилади. Озон бу ердан ҳаво оқимлари ёрдамида ўрта ва қутб кенгликларига тарқалади. Бинобарин, фотохимия ва атмосфера динамикаси планетамизда озоннинг умумий миқдори ва баландлик бўйича тақсимланишини белгилайди. Мабодо бирон-бир химиявий реакцияни тезлаштирувчи модда газнинг миқдори ортиб кетгудек бўлса, бу ҳол озоносферада табиий мутаносибликнинг бузилишига олиб келади, бунинг натижаси ўлароқ озоннинг умумий миқдори камаяди.

Хўш, бу газ Ер куррасининг атрофида қандай жойлашган? Маълумки, Ер атмосферасининг қалинлиги 3 километрга яқин. Озон 20—25 километр баландликда атмосферанинг бутун қатламида ёйилган бўлиб, Ер куррасини қуршаб турувчи озоносфера қалқонини ҳосил қилади. Озоносферанинг қалинлиги эса бор-йўғи 3 миллиметр холос. Қуёшдан келадиган ультрабинафша нурларнинг деярли барчаси озоносферада ютилади. Бинобарин, озон ультрабинафша нурлар йўлидаги ғовдир.

Атмосферада озоннинг кескин камайиб кетиши, бинобарин, ультрабинафша нурлар миқдорининг ортиши ўсимликларнинг ўсишини сусайтиради, сувнинг экологик системаларини зарарлантиради, ҳайвонот олами сийраклашади. Юқори даражадаги нурланиш таъсирида одамнинг териси куйиши, тери раки касаллиги рўй бериш мумкин.

Аслида оддий кийим-кечак кишини ортиқча ультрабинафша нурлар таъсиридан ҳимоя қилиши мумкин. Лекин унинг ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ўзгача бўлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги тақрибан учдан бирга камайиб кетади. Ҳатто денгиз мавжудотлари учун асосий озуқа ҳисобланган планктон сингари микроорганизмларга ҳам анчагина зарар келтиради. Ультрабинафша нурлар миқдорининг ортиши юқори даражада саноати ривожланган районларда ҳавонинг заҳарланиб, смог вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатлар, агар тегишли чора-тадбирлар белгиланмаса, яна ярим асрдан сўнг рўй бериши мумкин. Шу сабабли озон қатламини муҳофаза қилиш проблемаси аллақачоноқ илмий доирадан сиёсий ҳамда иқтисодий миқёсга ўтганлиги бежиз эмас. Масалан, 70-йилларда «Конкорд» тарзидаги товушдан тез еладиган самолётлар учишини чеклашга тўғри келган эди.

Бундан уч йил муқаддам Буюк Британиянинг Антарктидадаги Холли Бей станциясидан бу район осмонида озон миқдори кескин камайиб кетганлиги ҳақида хабар олинди. Ушанда бу ҳодисага «озон ўпқони» номи берилган эди. Кузатишлардан маълум бўлишича, бундай ҳодиса, одатда, баҳор фаслида — Жанубий ярим шарда сентябрь—ноябрь ойларида рўй беради. 14—24 километр баландликларда озон деярли буткул «гумдон» бўлади. Бу даврда озон ўпқони бир неча миллион квадрат метр майдонни эгаллайди. 1987 йилнинг 5 сентябрь кунининг ўзидаёқ атмосферанинг 3 миллион квадрат километрида озон миқдори 10 процентга камайиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАТЛАМИГА НИМА БЎЛДИ?

Савол туғилади: Қутбларда озон ўпқонларининг вужудга келишига қандай омиллар сабаб бўлади? Сирасини айтганда, бунда табиий омиллар билан бир қаторда инсон ҳаётий фаолиятининг ҳам таъсири бор. Озонни емирувчи моддаларни тадқиқ этишга эндигина киришилган 70-йилларда қилинган башоратлар жудаям нохуш эди. Ҳайриятки, бу башорат ўзини оқламади. Бултур октябрь ойида Гаага шаҳрида жаҳоннинг 25 мамлакатидан атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини муҳокама қилиш учун олимлар йиғилишди. Шу анжуманда ўн саккиз йил мобайнида Шимолий ярим шар осмонидаги озон қатламининг қалинлиги тўрт процентга камайганлиги маълум қилинди.

Қутбларда озон ўпқонлари ҳосил бўлиши масаласида бир қанча фаразлар билдириляпти: юқори атмосферада ё химиявий, ё динамик жараёнлар таъсири, ёхуд ҳам унисининг, ҳам бунисининг таъсиридир. Шунингдек, озон ўпқонлари ҳосил бўлишини юқори атмосферада ҳарорат режимларининг ўзгаришлари билан ҳамда Қуёш активлиги билан боғловчи омиллар ҳам бор.

Атмосферада озон миқдорининг камайиб кетишига инсон ҳаётий фаолиятиниг асосий таъсири шундаки, атмосферага чиқаётган фреонлар, шунингдек метан, азот оксиди ва шунга ўхшаш ўттизга яқин моддалар миқдори йил сайин ортиб боряпти. Дарвоқе, юқори атмосферада ультрабинафша нурлар таъсирида янги озон ҳосил бўлиш жараёни ҳам кечяпти, бироқ озоннинг йўқолиш ва ҳосил бўлиш нисбатини оладиган бўлсак, тарозининг «йўқолиш» палласи босиб кетади.

Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, сўнгги 10—15 йил мобайнида инсон хўжалик фаолиятининг кучайиши муносабати билан атмосферада кўплаб хлорли, бромли, азотли бирикмалар тўпланди. Бунинг боиси — азот ўғитлари ҳамда галогенугловодородли бирикмалардан, хусусан фереонлардан кенг кўламда фойдаланилаётганлигидадир. Ҳозирги вақтда совутиш техникасини фреонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, улардан эриткичлар тарзида аэрозоль баллонларида саноат ва турмушда кенг фойдаланиляпти. Маълумотларга қараганда, фреон — озоннинг кушандасидир. Бромли бирикмалардан «галон 1211» ва «галон—1301» ўт ўчиришда ҳамда махсус совутгич восита сифатида қўлланиляпти. Агар мамлакатлар бундай заҳарли моддаларни атмосферага чиқаришга барҳам беришмаса, келгуси асрда озон қатлами 6—7 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ озайиб кетиши мумкин. Ишлаб чиқаришда энг кўп қўлланадиган ва озоннинг энг катта кушандаси бўлган фреонни, хлорфторуглеродни аста-секин бошқа безарар моддалар билан алмаштириш керак. Зеро шуни айтиш кифояки, хлор фторуглероднинг биргина молекуласи ҳаводаги юз минглаб озон молекулаларини қийратади.



Чизиқнинг нотекислиги стратосферада озоннинг камайишини кўрсатяпти.

Ўзиям дунё бўйича йилига миллион тоннадан зиёд фреон ишлаб чиқарилиб, лак, бўёқ ва дезонаторларни пуркашда, холодильникларда совутгич модда сифатида, пенополиуретанлар ишлаб чиқаришда қўлланадиган кўпиртиргичларда ва бошқа жабҳаларда қўлланади.

Фреонлар ва унга ўхшаш моддалар зарар ҳам келтирар экан, нега энди ишлатилаверади, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, дастлабига уларнинг зарарли хусусияти бу қадар яққол сезилмасди, уларнинг, аксинча афзаллиги яққол сезилиб турарди: заҳарсиз, ёнмайди, қуйи атмосферада реакцияга киришмайди. 70-йилларга келибгина уларнинг озон қатламини емириш хусусияти гумон қилина бошланди.

Антарктида атмосферасидаги озон қатламида ўпқон ҳосил бўлишига Қуёш ҳам ўз улушини қўшяпти дейишмоқда мутахассислар. Гап шундаки, баҳор кириши билан қуёш нурлари фотохимиявий реакцияларга мақбул шароит вужудга келтиради, мазкур реакциялар натижаси ўлароқ азот иштирокида бир қанча моддалар ҳосил бўлади. Уларнинг молекулалари хлор билан бирикиб, озонни қийратади. Ёзда эса ҳаво исиб, ҳаво оқимлари қуйи кенгликлардан Антарктида томон йўналади. Бунда химиявий жараёнлар нисбати озон фойдасига бўлади, бинобари, озоносфера қатлами ортади. Хўш, озон қатламиниг емирилишига қарши қандай тадбирлар кўриляпти?

1972 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўтказган конференциясида товушдан тез учадиган самолётларнинг парвози мобайнида стратосферада ажраладиган азот оксидларининг озон қатламига таъсири кўриб чиқилди. Шундан кейин АҚШда махсус илмий программа бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада пассажир стратосфера авиациясининг ривожланиши озон қатламининг сезиларли даражада камайишига олиб келмаслиги ошкор бўлди. Ўшанда жамоатчиликнинг озонга бўлган қизиқиши анчагина сусайган эди. Бироқ орадан икки йил ўтгач, бу масала фреон билан боғлиқ равишда яна авжга минди. Шундан кейин Жаҳон метеорология хизмати стратосфера озонига инсоният таъсири проблемасини ўрганишга қаратилган бир қанча тадбирларни ишлаб чиқишга киришди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича программа раҳбарияти 1977 йил мартида Вашингтонда олим ва мутахассисларнинг кенгашини ўтказди. Унда озон қатламини муҳофаза этишнинг умумбашарий ҳаракат плани қабул қилинди. Кейин озон қатлами бўйича йирик илмий программаларни амалга оширувчи Буюк Британия, Канада, СССР, АҚШ ва бошқа мамлакат вакилларидан, шунингдек БМТнинг махсус ташкилотлари ва халқаро ташкилотлари вакилларидан иборат Мувофиқлаштирувчи Комитет тузилди.

Ниҳоят, 1985 йил мартида Вена шаҳрида бўлиб ўтган мухтор вакиллар конференциясида Озон қатламини муҳофаза қилувчи халқаро конвенция тайёрланди. Конвенция 37 мамлакат вакилларининг якунловчи ҳужжатни имзолаши билан тугади. Йигирма мамлакат, шу жумладан СССР ҳам Конвенция текстини имзолади. Бу ҳужжатдаги асосий илмий проблемалар қуйидагилардан иборат:

— барча мавжудотга таъсир кўрсатувчи Қуёшдан келадиган ультрабинафша нурлар интенсивлигини ўзгаришларини тадқиқ этиш, шунингдек бундай ўзгаришларнинг киши саломатлигига, тирик организмларга, инсон фойдаланадиган материалларга эҳтимолий таъсирини ўрганиш;

— озон миқдорининг баландлик бўйича ўзгаришларини тадқиқ этиш, бундай ўзгаришлар атмосферанинг ҳарорат структураларини бузиб юбориши ҳамда об-ҳаво ва иқлим учун нохуш оқибатлар келтириб чиқариши эҳтимолини тадқиқ қилиш.

Медицина-биологик тадқиқотлар доирасида ҳам бир қанча масалаларни ўрганиб чиқиш назарда тутилган. Аввало, одамнинг қуёшдан келадиган кўзга кўринувчан ва ультрабинафша нурлар билан нурланиши тери ракининг авж олишига, иммун системасининг касалликларига нечоғли боғлиқлигини, ультрабинафша нурлар қишлоқ хўжалик экинларига, ўрмонларга, қуруқликнинг бошқа экологик системасига, сув экологик системаларининг озуқа занжирига, балиқ запасларига қандай таъсир этишини ўрганиш зарур.

Яқинда Монреалда бўлиб ўтган конференция озон қатламини муҳофаза қилиш борасидаги улкан бир қадам бўлди. Унда қабул қилинган ҳужжат давлатларнинг озонни емирувчи моддалар ишлаб чиқаришни қисқартириш ва тўхтатиш борасидаги конкрет вазифалар белгилаб берилди. Бу ғоят муҳим ҳужжат остига жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакат вакиллари имзо қўйишди. Уни мамлакатимиз ҳам имзолаган. Тўғри, унда юклатилган мажбуриятларни бажариш анчагина мушкул. Ахир, кўплаб корхоналар ишини қайта қуриш, технологияни ўзгартириш, хлорфторуглерод моддалар ўрнига бошқа, зарарсиз моддалар яратиш лозим бўлади-да. Лекин у нечоғли мушкул бўлмасин, башарият омонлиги йўлида ғоят долзарбдир. Шунга кўра жаҳон миқёсида фреонлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1993 йилгача 20 фоизга, 1998 йилга қадар эса 50 фоизга камайтириш мўлжалланган.

Юқорида айтиб ўтилган масалаларни ҳар томонлама ўрганиш учун мамлакатимизда ва чет элларда атрофлича тадқиқотлар олиб бориляпти. Масалан, мамлакатимиз олимлари ГДР, Болгария, Монголия, Куба, Ҳиндистон, АҚШ мутахассислари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришяпти. Баъзи олимлар озон қатламини тадқиқ этиш ва муҳофаза қилиш бўйича умумиттифоқ илмий-техника программаси ташкил қилиш ғоясини илгари суришяпти. Шунингдек, табиий омиллар таъсирида озон миқдорининг ўзгаришини аниқ белгилаш усулини ишлаб чиқиш, озон миқдори ўзгаришини аниқ белгилаш усулини ишлаб чиқиш, озон миқдори ўзгаришининг иқлим ҳамда планета биосферасига таъсирини ўрганиш экологик жиҳатдан хавфсиз технология ва моддаларни ишлаб чиқишнинг нақадар муҳимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Хуллас, қиссадан ҳисса шуки, агар юқорида кўрсатиб ўтилган программа бекамукўст бажарилса, «озон ўпқони»дан мутлақо хафсирамаса ҳам бўлади. Озон ҳаёт посбони бўлиб қолаверади.

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Турли химиявий моддаларнинг озон қатламини ғорат қилишга қўшган ҳиссаси (1985 йилги маълумот).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сифатли, чиройли сурат...

Диққат, суратга оламан!

Қизалоқ шундай деди-да, фотоаппаратининг мурватини «чиқ» эткизиб босди. Қарабсизки, орадан кўп вақт ўтмай сурат тайёр.

Суратчи қизалоқ, танийсизми, ким? Ольга Губенко! У 67-мактабнинг 7-синфида ўқийди. Аълочи, жамоатчи қиз. Мана 2 йилки, Олянинг суратлари республика газета ва журналларида босилади.

Оля ёш бўлишига қарамай ўз ишига анча пишиқ. Мамлакатимизда ўтказилган Ҳиндистон фестивалида, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Х Халқаро кинофестивалида ҳамда Тошкент ва Сиэтл — биродарлашган шаҳарларнинг дўстона учрашувида ўз фотосуратлари билан қатнашган.

Лекин ундан, «Оля, сен учун энг ҳаяжонли кун қайси?» — деб сўрасангиз, у «1988 йил 29 сентябрь» дейишига ишончим комил. Нега десангиз, худди шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг маданият уйида махсус кўргазмаси очилган эди-да.

Айтгандай, Мелитополь шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ семинарида болалар ишлаган фотосуратлар ичида унинг ишлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Журналда Ольга Губенконинг 4 бўлимдан иборат, 96 суратли фотокўргазмасидан намуналар берилянти:

«Мактабим», «Пионер ёзи», «Меҳмонлар орасида», «Масъул топшириқ».

Кўргазмага қўйилган суратлар доимо тўлдирилиб, янгиланиб боради.

Сиз кўриб турган суратларни Ольга Губенко олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎҚАЙЗОР ТАБИАТИ ҲАҚИДА

Дарё ва жилға бўйларида, унга яқин бўлган ерларда тўқайзорлар бўлади. Тўқайзорлар дарё ёйилиб оқадиган ерларда баъзан ўтиб бўлмас чангалзорларни ҳосил этади. Шу боис бу ўзига хос «ўрмон»ларнинг ўсиб, ривожланиши, у ердаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёти дарё ёки жилғалар билан боғлиқ бўлади.

Тўқайзорлар атроф-муҳит намлиги ва температурасини мўътадиллаштирувчи табиий манба ҳисобланиб, айни вақтда улар дарё четларини ювилиб кетишдан, яъни сув эрозиясидан сақлаб туради. Тўқай ўрмонлари биологик ресурслари — ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёси катталиги жиҳатидан ўрмонлар ичида олдинги ўринлардан бирида туради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, дарё суви пасайиб ёки ўзанини ўзгартириб юборса, жуда қисқа муддатда, ҳатто бир неча ой мобайнида тўқайзор табиати ўзгариб кетади — дарахтлар қурий бошлайди, ўсимликлар хилмахиллиги нисбатан камайиб кетади, парранда ва ҳайвонлар бошқа ерларга кетиб қолади. Дарахтларни бетартиб кесиб юбориш ҳам дарё сувининг пасайиб кетишига олиб келади, баъзан бундай ерларда сел бўлиши мумкин. Бунга айниқса, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасининг тоғ олди районларида яқинда бўлиб ўтган селлар яққол мисол бўла олади. Селнинг қандай хавфли эканлигига ҳаётий мисол келтириш мумкин. 1981 йил май ойида Кумушкон сойининг юқори қисмига экспедицияга борган эдик. Бизлар 10 киши эдик. Эрталаб ҳаво очиқ, лекин иссиқ ва дим эди. Қилт этган шабада йўқ. Сой бўйидаги катта терак тагида тушлик қилдик. Кейин шу ерга палатка тикдик. Ҳаво тушга бориб баттар исиб, дим бўлиб кетди, осмонда қора булутлар пайдо бўла бошлади. Тоғлар қора булутлар ортида қолиб бутунлай кўринмай қолди. Чамаси бир соатлардан кейин ғалати, худди катта самолётлар учганда чиқадиган баланд товуш эшитила бошлади. Бу товуш борган сари кучаяр эди. Бир ҳамроҳимиз «Самолёт товуши қаердан эшитиляпти?» деб ажабланди. Бошқа ҳамроҳимиз «сел келаётганга ўхшайди, бу ердан юқорироққа чиқиб кета қолайлик» деди. «Сел ўтиб кетса керак, биз баланд жойдамиз-ку», дейишди бошқа ҳамроҳлар. Бироқ ёмғир шиддат билан ёғиб, қаршимиздан келаётган шовқин тобора кучаяр эди. Оёқ остидаги ер зирриллаб, титраётганга ўхшарди. Бир зумда, аждарҳодек пишқириб, баланд-баланд тўлқинлар отиб келаётган сел — сув, лой, қум, шағал ва тош аралаш оқим етиб келди.

Олдинига бу табиий ҳодисага бирпас қараб турдик, сўнгра сой қирғоғидаги тепаликка барча нарсаларни олиб ўтмоқчи бўлдик. Лекин сел оқими бир зарб билан катта харсангни ағдариб бизни сой қирғоғидан ажратиб қўйди. Фақат «халоскор» оролда — терак атрофида сел пасайишини кутишдан бошқа илож қолмади. Бир нарса ёдимда — сойдаги балиқлар сел оқимига дош беролмай қирғоққа чиқиб қолди. Ҳайтовур кечга бориб сел аста-секин пасая бошлади, биз юкларни қирғоқ четига олиб ўта бошладик. Кейин маълум бўлишича бу сел анча жиддий моддий зарар келтирган экан.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тўқай ўрмонларида туранга, тол, терак, юлғун, чаканда, жийда каби дарахт ва буталар кўп учрайди. Тўқайзорларда айниқса баланд бўлиб ўсувчи ўтлар кўп учрайди. Булар қамиш, савағич, қалам, лўх ёки тузғоқдир. Кўпинча чирмашиб ўсувчи лиана ўсимликлар — илонўт, сутпечак учраб туради.

Тўқай ўрмонларининг ривожланиши ҳам қизиқ. Баҳорда дарё суви кўпайиб тошганда қирғоқларнинг катта қисмини сув босади. Кейинчалик сувлар камайиб дарё ўз ўзанидан оқа бошлаганида, унинг четларида турли бута ва дарахтлар ўса бошлайди. Аста-секин тўқайзорлар кенгая бошлайди. Бундай ерлар турли сув паррандалари — ўрдак, лойхўрак, айниқса, қирғовуллар яшаши учун қулай ҳисобланади. Қирғовуллар яшаш шароитига қараб турли-туман бўлади. Улар асосан хўрози патларининг ранги билан фарқланади. Зарафшон қирғовули айниқса, чиройли бўлади. Ҳозирда у Самарқанд шаҳридан 10 км нарида жойлашган Зарафшон қўриқхонасида қўриқланмоқда, ўрганилмоқда. Кейинги даврларда қирғовуллар сони 2 мингтадан ошиб кетди. Улар энди атрофдаги колхоз ерларида ҳам тез-тез учраб турибди. Хива қирғовули Қорақалпоғистон АССРнинг Бадай-тўқай қўриқхонасида қўриқланмоқда. Амударё қирғовули Сурхондарё областининг Пайғамбаророл ва Бухоро областининг Қизилқум қўриқхоналарида учрайди.

Қирғовул донлаш учун очиқ ялангликларга, ўтлоқларга чиқади, чунки у ерларда турли ўт ўсимликларнинг уруғлари, ҳар хил ҳашаротлар кўп бўлади.

Тўқайзорларнинг сув бўйларида тез-тез балиқчи қуш учраб туради. Уни «пи-пи»ларидан таниб олиш мумкин. Бу балиқчининг балиқ «овлаши» қизиқ. Унинг балиқ овлаш ерлари сувга эгилиб турган шохлар ва тўнкалар бўлади. Мўлжалга олган ўлжасига худди сувга тош тушгани каби ташланади. Баъзида каттароқ балиқ тутиб олса ҳатто учолмай ҳам қолади. Инини ҳам ов ерларига яқин, дарё қирғоқларидаги каваклларга қуради. Балиқчи қуш бола очиш даврида жуда кўп майда балиқларни ов қилади. Унинг думи жуда калта бўлиб, кўринишши думсиз қушни эслатади.

Сув бўйларида сув илонни учратиш мумкин. У сув ўтлари орасига яшириниб «пистирмасидан» ўз ўлжасини — майда чавоқ балиқларни пойлайди. Ўлжасига жуда тезкорлик билан ташланади. Ён-веридаги бошқа балиқлар буни сезмай қолиши ҳам мумкин. Пайт пойлаб каттароқ балиқларни ушлаб олганида сувилон ўлжасини ютолмай анча «сарсон» бўлади.

Тўқайзорларда қуёнлар кўп учрайди. Қуёнлар ҳам қирғовул каби очиқ ялангликларда «ўтлайди». Сал хавф туғилиши билан буталар, чангалзорлар орасига яширинади. Ёз ва куз ойларида унинг ранги сарғимтир-кулранг бўлгани сабабли ўтлар орасида деярли сезилмайди. Бундай ерларда яшайдиган паррандалардан бири — барчамизга маълум заҳизғон ё ҳакка ҳисобланади. Заҳизғон қирғовул ва бошқа паррандалар тухуми билан овқатланиб уларга бирмунча зарар етказади, лекин шу билан бирга уларнинг ўзига хос «қоровули» ҳисобланади. Агарда қирғовул ё бошқа паррандаларга тулки, чиябўри ёки одам яқинлашиб келаётган бўлса заҳизғон ўзининг баланд овози билан буни маълум қилади. Шунда паррандалар ҳимояга тайёрланади ёки чакалаклар орасига яширинишга улгуради. Заҳизғоннинг бундай қичқириғидан тулки ва чиябўрилар баъзан орқага «чекинишга» мажбур бўлади.

Ҳозирги даврда тўқайзорларнинг кўпчилик қисми ўзлаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинзорлари учун эҳтимол янги ерлар зарурдир. Аммо бунинг бошқа салбий томонлари ҳам бор.

Масалан Фарғона водийси, Сирдарёнинг ўрта оқимида, Каттаорол ва Бўриоролларда 1978 йилда Абдусамат давлат қўриқхонаси ташкил этилган эди. Унча катта бўлмаган бу қўриқхона (тахминан 1,2 минг гектар) тўқайларни, Сирдарё қирғовули ва сув паррандаларини, ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун белгиланди. Лекин қўриқхона кўпга бормади. Қўшни колхозлар ўзбошимчалик билан қўриқхона ерларини ҳайдаб экин эка бошладилар. Кейин эса ер ости сувлари жуда яқин бўлгани сабабли экинларнинг ҳосилдорлиги унча яхши бўлмади. Шундан сўнг бу ерлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Қўриқхонада бегона ўтлар «гуркираб» ривожланди, парранда ва ҳайвонлар камайиб кетди. Табиатга анча катта зарар етказилди — унинг мувозанати маълум даражада бузилди.

Маълумки, табиатда зиддиятли нарсалар кўп бўлса-да, маълум мувофиқлик ҳам мавжуд. Табиатга чинакам ҳурмат ва тўғри муносабатда бўлиш зарур. Инсон қайси соҳада — хоҳ қишлоқ хўжалигида, хоҳ саноатда иш олиб бормасин, табиат мувозанатининг бузилишига, хўжасизлик ва бефарқликка йўл қўймаслиги керак. Кейинги йилларда табиат муҳофазаси борасида кўп ишлар амалга оширилди, лекин қилинадиган ишларимиз ундан ҳам кўпроқ.

Шуҳрат ҒАНИЕВ,
биология фанлари кандидати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олти боланинг онасини

суд очерки журналхонлар муҳокамасида

«Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласига келган хатлар орасида авторнинг позициясига қарши фикр билдирилган хатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, фарғоналик А. Рўзматов... Фикрлар плюрализмига амал қилган ҳолда унинг хатини тўла ва таҳрир қилмай эълон қилишга қарор қилдик.

Ҳурматли редакция ходимлари!

Узоқ мулоҳазалардан сўнг қуйидагиларни Сизларга ёзишга мажбур бўлдим... Севимли журналимиз «Ёш куч»нинг 1988 йил 9 сонида журналист Шохруҳ Акбаровнинг «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» номи билан воқеий ҳикояси эълон қилинди. Чориев Муродулланинг хати юзасидан текшириш олиб борган Шохруҳ Акбаров суд, прокуратура ва тергов органларига нисбатан ўзининг эътирозларини ана шу ҳикоясида баён қилган. Аввало шуни айтиш керак-ки, мен журналист Шохруҳ Акбаровнинг ёзганларини бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш ниятида эмасман, бунга ожизлик қилишим ҳам мумкин, лекин мени масаланинг бошқа бир томони жуда ҳам ўйлантириб қўйди. Бундай ҳолатга тушишим биринчиси эмас, шунинг учун ҳам ўзимни қийнаб келаётган фикрлар билан Сизлар ҳам ўртоқлашсангизлар, деган умидда ушбуни ёзяпман.

Кейинги вақтларда демократия ва ошкоралик даврининг тақозоси сифатида матбуотимизда жамиятимизга зид бўлган хатти-ҳаракатлар, бюрократлар, порахўрлар, инсон қадр-қимматини ўйламай-нетмай оёқости қилувчилар тўғрисида жуда кўплаб мақолалар чиқмоқда. Илгари вақтда фельетонбоп бўлиб қурилган воқеалар ҳозирги кунда ҳар қандай газета ёки журнал саҳифасида чиқиши табиий. Бу ҳам ошкоралик туфайлидир.

СССР Конституциясида гражданларнинг матбуот эркинлиги тўғрисида, бу эркинликни амалга оширишда гражданларга нисбатан радио-телевидение, матбуот орқали хизмат кўрсатилиши, бошқа йўллар билан гарантияланиши кўрсатилган. Лекин, мана шу Конституциямизда кўрсатилган матбуот эркинлигидан ҳамма ҳам тўлиқ фойдаланяптими? Тўлиқ фойдаланётган бўлсалар матбуот бутун Совет халқини кўнглидаги гапларни айтяптими, газета ёки журналнинг мухбири айтган гапларга ҳамма ҳам ишоняптими, деган саволлар ҳам ҳозирги ошкоралик даврида ўз ечимини топиб кетиши зарурдир.

Ш. Акбаров ўз мақоласида олти нафар боланинг онаси Қизларой Диёровани асоссиз равишда суд қилмоқчилар, у қўшниси Уроз Ҳамроевнинг уйидан 1200 сўм пулни ўғирлаган эмас, деб ёзибдилар. Ш. Акбаров жиноят иши материаллари билан танишиб чиқибдилар, материаллардан айрим кўчирмалар ҳам олишибди. Лекин мен мақолани қайта-қайта ўқиб Ш. Акбаровга нисбатан жиддий эътирозим борлигини яшира олмадим. Албатта, Ш. Акбаровни юридик маълумотдан йироқ дейишга асосим йўқ, лекин ҳар қандай юрист ҳам маълум даражада тажрибага эга бўлмасдан туриб тергов, суд фаолиятини тўғри тушунади, улар фаолиятидаги жиддий камчиликларни ўз вақтида кўра олади, терговчи амалга оширган ҳаракатларни анализ қила олади, деб ҳеч ким кафиллик беролмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда Ш. Акбаров Қизларой Диёровани оқлаш йўлида жиноят қонуни талабларига кўра далил бўлиб ҳисобланмайдиган «асослар»ни мақоласида жуда кўплаб келтирган.

Аввало, Ш. Акбаров Диёровани суд қилишмоқчи бўлишганларида, айниқса, ички ишлар бўлимининг ходимларини қаттиқ танқид қилади. Журналист ички ишлар бўлимининг терговчиси, бўлим бошлиғининг собиқ ўринбосари ва бошқа ходимларнинг гапига ишонишни хоҳламайди, аксинча уларни қораламоқчи, Диёровага нисбатан бўлган «қасдлари»дан қайтармоқчи бўлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. «Нима сабабки ички ишлар бўлими, хусусан, терговчи ва ички ишлар бўлимининг бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган Қиличев Диёровани қаматишга бунчалик ишқибоз бўлиб қолди?» Диёровани ўғирлик қилганлиги тўғрисидаги маълумотни ким ички ишлар бўлимига етказди? Терговчими ёки Қиличевми? Қиличев Диёровани қаматишга ишқибоз бўлган бўлса, аввал Диёрова билан ораларида қарама-қаршиликлар бормиди? Агарда (биз ҳам хоҳлаганимиздек) Диёрова ўғирлик қилмаган, демоқчи бўлсак; нима сабабдан жабрланувчилар Диёровани ўғирликда гумон қилишяпти? Ёки Қиличев жабрланувчиларни сунъий йўл билан топган ва ўғирликни уюштирганми? Шунга ўхшаш кўп саволларга жавоб бериш Ш. Акбаровнинг хаёлига ҳам келмаган. Жиноят ишини бир томонлама олиб боришда тергов органини айблаган Акбаров ўз мақоласини ҳам бир томонлама текшируви натижасига қурган кўринади. Фақатгина Қизларой Диёрованинг сўзига кўра текшириш олиб борган, уни қай йўл билан бўлмасин оқламоқчи бўлган, Диёровани сўзларидан ёзиб олинган мана бу гапларга эътибор беринг-а: «Сочингни олдираман, 5 йилга қаматаман, Афғонистонда хизмат қилаётган ўғлингни йўқ қилдираман, ўғлинг армиядан қайтмайди», — деб мени руҳан эзди, дейди Диёрова журналист Акбаровга. Наҳотки Қиличев шунчалик шафқатсиз, бераҳм, ўйламай-нетмай гапирадиган одам бўлса, шунчалик мантиқсиз гапларни гапирган бўлса. Мана шу гаплар ҳам, қўйингчи ички ишлар бўлими ходимларига нисбатан айтилган, Қизларой Диёрованинг оғзидан ёзиб олинган барча таъналар жиноий иш материаллари ичида бормиди? Агарда йўқ бўлса, ана шу гапларни Диёрова нима билан исботлайди? Журналист Акбаровнинг бу каби гапларга ишонишга қандай асоси бор? Асоси борлиги шундаки Ш. Акбаров журналист сифатида, журналнинг редколлегия аъзоси сифатида ёзганлари матбуотда босилиб чиқишига ишонади, шу сабабдан ҳам у кўпчиликни ишонтира оламан, деб ўйлайди. Тўғри, Ш. Акбаровнинг мақоласи ўзи ўйлаганидек, кўпчиликни қизиқтирди, кўпчилик 6 нафар фарзандлари бор онага нисбатан ҳамдардлигини билдирмоқда, уни оқланиб кетишини ўйламоқда, қолаверса, ички ишлар бўлимининг ходими сифатида мен ҳам унга ачиняпман. Унинг ўғирлик қилганлиги исботланса унинг оиласига қанчалик азоб бўлишини ҳис қиляпмиз. Бу — масаланинг бир томони, холос. Сиз билан бизни чуқур мулоҳаза юритишимизга туртки берадиган масаланинг яна иккинчи — бизнингча асосий томони бор, у ҳам бўлса ҳақиқатдан юз ўгирмаслик. «Умид билан шунча йўлдан келдик, бирон нарса ёзиб кетайлик» — қабилида иш юритмаслигимиз лозим. Ҳар икки томонга ҳам, давлат органига ҳам, айбланувчи, жабрланувчиларга нисбатан ҳам журналистнинг ишончи бир хилда бўлиши лозим эмасми? Ички ишлар бўлими ходимларининг обрўсини тўкиш, улар амалга оширган ишларни жиноят процессуал қонуни талабларига зид равишда анализ қилиш, ана шу қонун бўйича далил бўлиб ҳисобланмайдиган (буни терговчи билади) ҳар қандай маълумотларни ҳам уларга қарши қўйиш, ҳозирги кунда кўпчилик ишониши мумкин бўлган журналимизнинг охир оқибатда обрўсизлантириши мумкинку! Жиноят қилган шахсни аниқлаш, уни гумондор сифатида сўроқ қилиш ва унга айб қўйишни ўзи бўлмайди. Бунинг учун терговчидан тактик маҳорат, чидам ва матонат, ички ишончи бўлиши талаб қилинади. Шахсни жиноят қилганлигига ишончи бўлмасдан туриб, терговчи унинг устида иш юритмайди, қолаверса терговчида биргина иш бўлмайди, унинг қўлида ишлари йигирмата, ўттизталаб қалашиб ётади. Шундай шароитда терговчи ўғирлик қилмаган кишини жиноят ишини атайлаб чўзиб юрибди, унга қасди бор, дейиш учун кишида озгина инсоф ҳам бўлиши керак-да. Тўғри, маъмурий орган ходимлари орасида ҳанузгача ғайри қонуний ҳаракатлар қилаётган, қонун талабларини бузаётган кимсалар учраб турибди. Бундай шахсларга нисбатан кескин чора кўриш, бегуноҳ кишиларни озор чекишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларни баҳридан ўтишлик вақти аллақачон етган. Лекин тергов фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар бир томонлама характерга эга эмас-ку. Жиноят ишининг чигаллашиб кетишига, жиноят содир этган шахснинг ўз вақтида жазосини ололмай қолаётганлигига, терговнинг нормал шароитда олиб борилмаётганлигига сабабчи бўлаётган Сиз билан бизнинг «ўргатувчилигимиз», делога тикиб бўлмайдиган важларимиз таъсир қилмаяптимикан? ЎзССР Жиноят процессуал кодексининг 135-моддасида кўрсатилганидек «гувоҳ бошқа гувоҳлардан ҳоли равишда сўроқ қилинади, терговчи бир иш юзасидан чақирилган гувоҳларнинг сўроғи тамом бўлмагунча, бирбирлари билан гаплашмасликларини таъминлаш чораларини кўради» деб қўйилган. Журналист Ш. Акбаров ўз мақоласида «Тергов ходимлари Диёровани гувоҳларсиз сўроқ қилиб: ўзларини оқлаш, ҳимоя қилиш учун имконият яратишган бўлишса-да, биз баъзи бир фактларни уларга қарши қўймоқчимиз»,— деб қонун талабини тушунмаганлигини, бу ўргатувчиликнинг оқибатида тергов органлари ишида жиддий қийинчиликлар туғилиши мумкинлигини ўйламаган. Ахир, терговга чақирилган ўнта одамдан биттасини «мени гувоҳлар иштирокида сўроқ қиласиз, бўлмаса жавоб бермайман» — деб айтмайди, деб ким кафиллик бера олади. Қонун талабини бузишга терговчининг ҳақи йўқ-ку! Шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун вақтнинг алоқаси йўқ. Аксинча, бундай ҳолларда терговчи имконияти борича зудлик билан тергов ҳаракатларини олиб боришлиги шарт, акс ҳолда оз вақтгина кечикиш ҳам жиноят ишини очилмай қолишига, айбдор аниқланмай қолишига олиб келиши мумкин.

Ш. Акбаров ўз мақоласида «Диёрованинг милицияда 16—17 соат қолиб кетганлигининг ўзи унга тергов ходимлари томонидан тазйиқ ўтказилганлигини англатмайдими» — деб асосламоқчи бўлади. Юқоридаги кодекснинг 127-моддасида «Агарда айбланувчи терговдан бўйин товлаган бўлса, терговчи айбланувчи ўзи келиши, ёки уни мажбурий келтириши биланоқ уни 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилишга мажбурдир» — деб кўрсатиб қўйилган. Милицияда узоқ вақт ушланиб қолган айбланувчи тўғрисида ҳар доим ҳам Ш. Акбаров каби нотўғри хулосаларга келиш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Мен юқоридагиларни ёзишим билан ички ишлар бўлими ходимларини (Диёрованинг ишини олиб боришган — А. Р.) оқламоқчи ҳам эмасман. Лекин уларни қонун билан белгилаб қўйилган вазифаларини олиб боришдаги фаолиятларини тўғри тушунишни истаймиз, халқ билан орган ходимларининг ўртасидаги муносабатнинг ҳақиқийлигини, орган ходимларининг ҳам ҳақиқат учун кураш олиб боришдаги ролини кенг китобхон, журналхон юракдан ҳис қилишини истаймиз.

А. РЎЗИМАТОВ,
Киров район Ички ишлар бўлимининг ходими.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз А. Рўзматовнинг хатини малакали юристдан шархлаб беришни сўрмоқчи бўлиб турганимизда Қашқадарё область Ички ишлар бошқармасидан «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар!» суд очеркига расмий жавоб келди. Биз бу жавоб хатни босиш билан чекланишга қарор қилдик.

«ЁШ КУЧ» журнали редакциясига!

Шуни маълум қиламизки, «Ёш куч» журналининг 1988 йил сентябрь сонида босилган «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласи бўйича область ижрокоми — Ички ишлар бошқармаси томонидан текширилди. Текшириш чоғида мақолада келтирилган фактлар қисман тасдиқланди.

Қ. Диёровани асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортгани учун Чироқчи район ижрокоми Ички ишлар бўлими терговчиси Т. Жамолов Ички ишлар бошқармаси буйруғи билан вазифасидан четлатилди. Ички ишлар бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари, ҳозирда ўша жиноят қидирув бўлимида оператив вакил бўлиб ишлаётган Қиличев И. хизмат вазифасига номувофиқ эканлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Ички ишлар бўлимининг янги раҳбарларига қўл остидаги ходимларига нисбатан етарли назорат йўқлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласи областдаги ички ишлар бўлимлари раҳбар составининг оператив йиғилишида муҳокама қилинди.

Қ. Диёровага нисбатан жиноий иш тўхтатилди. Чироқчи район ижрокоми Ички ишлар бўлими ходимларига кўрилган чоралар ҳақида Қ. Диёровага хабар берилди.

Бошқарма раҳбарлари томонидан энди бундай фактларга йўл қўймаслик бўйича конкрет тадбирлар кўрилмоқда.

Р. ФАХРУТДИНОВ,
Қашқадарё область Ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасининг бажарувчиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУД ҚИЛМОҚЧИЛАР

Салом ҳурматли редакция! 1987 йил октябрь ойида бизнинг ён қўшнимиз Ў. Ҳамроева ва унинг турмуш ўртоғи Р. Бозоров бизни ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаб катта қилган меҳрибон онажонимиз Диёрова Қизларой 1200 сўм пулимизни ўғирлаб олди, деб туҳмат қилган, милиция ходимлари терговни нотўғри олиб бориб, бизнинг онамизни ўғрига чиқарган эди. Мана, ниҳоят 1988 йил 12 ноябрда Қашқадарё область Ички ишлар бошқармаси бизнинг Онамизни узил-кесил оқлаб юборди. Милиция ходимлари ўзларининг хатосини тан олдилар. Бугун бизнинг оиламизда адолат тантана қилди. Онажонимизнинг юзи ёруғ бўлди. Мен ва ука-сингилларим номидан жаъмики оила аъзоларимиз номидан сизларга яъни «Ёш куч» журналининг редакция ходимларига ва менинг хатимни олиб ўқиб шу хат бўйича текширувга келган «Ёш куч» журналининг махсус мухбири Шоҳруҳ Акбаровга жуда катта миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Раҳматулла ЧОРИЕВ,
10-синф ўқувчиси.
Муродулла ЧОРИЕВ,
интернационал жангчи.

Мен журналингизни сентябрь ойи сонидаги журналнинг махсус мухбири Шоҳруҳ Акбаровнинг «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласини ўқиб қаттиқ изтиробга тушдим, ҳаяжонландим.

И. Қиличевнинг пул йўқотган Раҳмат Бозоров ва Ўроз Ҳамроевага ён босишининг сабаби нимада? Ўғрини топиш қўлидан келмагани учун шу йўлни танладими? Ёки бир ҳалол меҳнакаш бевадан қандай бўлмасин манфаатдор бўлиш ниятида шу йўлни танладими?

Диёровалар оиласига бутун маҳалла, қишлоқ аҳли оталарча ёрдам беришлари, бу оилани қўллашлари лозим. Шундай қилинганда Советлар тупроғида холис инсонийлик бурчини ўтаган бўламиз.

Мен фурсатдан фойдаланиб, журнал редакция коллективига ва шахсан Шоҳруҳ Акбаровга бутун коллективимиз номидан ана шундай актуал масалага қўл урганлиги учун миннатдорчилик билдираман.

Шарофиддин ТЎЛАНОВ,
Фарғона область, Олтиариқ район,
инженер-гидротехник.

Салом ҳурматли «Ёш куч!». Журналнинг сентябрь ойи сонида босилган мухбир Ш. Акбаровнинг мақоласини ички бир ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Мени бир савол ўйлантириб қўйди. Нега энди ҳамма жойда қайта қуриш, ошкоралик амалга ошаётган бир пайтда, қайсидир бир чекка қишлоқларда яшаётган колхозчи, меҳнаткаш халқ ўз ишини пухта қилиб билмайдиган, инсон манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган баъзи бир прокуратура, милиция бўлими ходимлари айби билан номи ёмонга чиқиб қолаверса? Қани унда адолат, диёнат? Ахир, бизнинг яхши яшашимиз, кийинишимиз, овқатланишимиз учун тупроқ кечиб, ўз соғлиғини ўйламай меҳнат қилаётган ўша аёллар эмасми? Яхшиямки, Қизларой Диёрованинг ўғли Муродилла редакцияга хат ёзиб ёрдам сўрабди. Мақолани ўқиган кўпчилик Қизларой опани айбдор санамаса керак. Ахир кўриниб, сезилиб турибдику, айбни очиб берадиган ҳеч қанақа фактларнинг йўқлиги?! Мен ҳаммадан ҳам Қизларой Диёрованинг олтита фарзандига ачиндим. Ахир, уларда айб нима? Нега энди улар онаси тўғри бўлиб, «ўғри» деган сўзни эшитишлари керак?

Агар милиция ходимлари, шахсан район милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари Қиличев бу ишга масъулиятсизлик билан эмас, адолат билан ёндошганда бундай гап-сўзларга ўрин қолмаган бўлар эди.

Ибодат ҲАКИМОВА,
Тошкент фармацевтика институтининг
5-курс студенти.

Мен ҳарбий хизматчиман. Боку шаҳрида хизмат қиламан. Яқинда навбатдаги отпускамни Самарқандда ўтказдим. Газета ва журналлар сотиладиган киоскадан «Ёш куч» журналининг 9-сонини сотиб олдим. Журнал жуда қизиқарли экан. Айниқса менинг эътиборимни «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласи жалб қилди. Мақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Отпускам тугагач Бокуга журнални ўзим билан олиб қайтдим. Бу ерда ҳам қайта ўқидим ва редакцияга ёзишга аҳд қилдим.

Менинг фикримча агар Қизларой Диёрованинг ҳақиқатда айбдор эмаслиги исботланса, жавобгар, айбдор ва туҳматчи шахслар, яъни Қиличев, терговчи Т. Жамолов, жиноят қидирув бўлимининг ходими М. Равшанов, Ўроз Ҳамроева ва Раҳмат Бозоровлар жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Чироқчи район ички ишлар бошлиғи ва район партия комитети, район прокурори Қ. Диёрова томонидан берилган аризани ўрганиб чиқиб, бирор чора кўрмаганликлари, хизматда йўл қўйган хатолари учун қонун олдида жавоб берсин.

Келдиёр ТОЖИМУРОДОВ,
Боку шаҳри.

«Олти боланинг онасини суд қилмоқдалар» деган суд очеркини ўқиб жуда ҳам эзилиб кетдим. Чунки мен ҳам Онаман. Нима учун Диёрова Қизларой бир йилдан буён туҳмат остида руҳан қийналиб юрган бўлсада область суд органлари лоқайдлик билан қарамоқда? Наҳотки олти болани вояга етказган, ота ўрнида ота бўлиб ҳеч кимдан кам бўлмасин деб ҳамда ўғли ташлаб кетган қари Онани боқиб турган софдил, меҳнаткаш Онани милиция ходимлари шунча хўрласа? Нима учун оила аъзоларини безовта қилиб ярим кечаси пулни уйдан олиб чиқдиради? Агар Диёрова ўғрилик билан шуғулланса ҳеч қачон икки жойда ишламас эди. Айниқса болалари топармон бўлганда шу ишни қилмаса керак. Жабрланувчи Ўроз Ҳамроева билан турмуш ўртоғи Раҳмат Бозоровларнинг гапига қараганда улар ҳеч қачон пул йўқотганга ўхшамайди. Агарда пулга ичи ачиса бунча ёлғон айтмас эди. Диёрова айтмаган гапларни нима учун айтди, дейди. Мен бу ерда Диёровани ҳақ деб топаман.

Мавлуда ЖЎРАЕВА,
Самарқанд область, Иштихон районидаги
Ленин номли колхоз, КПСС аъзоси.

Ассалому алайкум Шоҳруҳ ака! «Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласини ўқиб ҳайрон қолдим.

Қачонгача адолатсизлик давом этади. «Оққорани ажратолмаса бўшатиб қўйишсин ўтирган стулини» дегинг келади.

Раҳмат Шоҳруҳ ака, ҳаққоний, ишонарли текшириб ёзгансиз. Ишончим комил, Сиз ёзгандек, Қизларой опа оиласида нопоклик йўқ. Ҳақ жойида қарор топади.

Сиздек заҳматкаш журналистлар борлигидан ҳозир мақолани ўқиб қувониб кетдим. Муродулла Чориев ҳам албатта сўнгги илинжи билан Сизларга, «Ёш куч»нинг кучига ишониб хат ёзган. Шундай материалларни ва қизиқарли мақолаларни босиб чиқараётган журнал ходимларига, редколлегиясига раҳмат.

ўқувчингиз ЗОҲИДЖОН,
Наманган шаҳри, инженер.

«Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласини ўқиб чиқиб, бир зум ўйга толдим. Наҳотки жамиятимизда қайта қуриш давом этаётган бир пайтда И. Қиличев ва унинг шерикларига ўхшаган инсонлар бўлса? Қ. Диёровани «пул ўғирладинг» деб ҳеч қандай исбот-далилсиз қамамоқчи бўлишибди. Хўш, И. Қиличев ва унинг шерикларичи? Ахир улар ҳам қонунга хилоф равишда тергов қилишибди, суд қилишибди-ку. Одамларнинг коллектив ўртасидаги обрўсини, ҳурматини ўғирлашяпти-ку. Уларни ҳам жазолаш керак.

Нормурод САТТОРОВ,
ТошПИ студенти.

Қизларой Диёрова фарзандлари даврасида.

. . . . .

«Олти боланинг онасини суд қилмоқчилар» мақоласи юзасидан редакцияга юзлаб журналхонлар ўз фикрларини ёзиб юборганлар.

Редакция барча авторларга самимий миннатдорлигини изҳор қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болалар

Жўра Раҳимов — Наманган область Чортоқ район ижроия комитети ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, милиция подполковниги. У хизматдан ташқари вақтларда бадиий ижод билан шуғулланади. Унинг «Қўнғироқ», «Бир бутун ой, ўн икки юлдуз», «Чорбоғим — чороғбоним», «Коммунистнинг ўйлари», «Тўрт юлдуз ва зўр юлдуз» каби ўндан ортиқ шеърий ва оммабоп китоблари чоп этилган. У СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Қуйида шоирнинг болаларга атаб ёзган шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Қушлар ошхонаси

Қиш келди қаҳри билан
Ҳамма ёқ совуқ жуда.
Изғирин заҳри билан
Кучаярди авжида.

Дарахтда қор,
Уйда қор,
Томларга тоза чўккан.
Қиш бобомиз аямай
Қорини роса тўккан.

Қушлар учар пириллаб,
Паноҳ топиш кўйида.
На овқат бор на-да ин...
Юришар сув бўйида.

Дарахтларга қўнолмас,
Шохчаларда тўла қор,
Бунга баъзан чидолмас
Чумчуқчалар ҳам қатор.

Тахтани арраладим,
Адҳам эса ўлчади.
Совуқ чизиллатарди
Теша тутган қўлчани.

Шурик эса мих урди
Тахталарни қўйиб тенг.
Уй ясадик мустаҳкам,
Иссиққина, бағри кенг.

Олдига тортдик симдан
Майда кўзли панжара.
Мушук, тулки, каламуш
Кирмасин деб мўлжаллаб.

Дон-дун, «таом»ни кўриб
Келди қушлар ҳаммаси.
Илиқ бағрига олди.
Қушларнинг «ошхонаси».

Светафор

Светафору, светафор
Светафорда бир сир бор,
Сизу бизни ҳамиша
Ҳушёрликка ўргатар.

Светафору, светафор,
Тўғри йўлни кўрсатар
Ҳаракат интизомин
Ишонинг, маҳкам тутар.

Светафору, светафор
Ҳаммамизга ҳам даркор
Шунинг учун йўлларда
Қатъий, аниқ тартиб бор.

Чумолига Бозор, бермайди озор!

Бозоржоннинг бир одати бор:
Чумолига етказар озор.
Емон бир иш қилди бир куни:
Топиб чумолининг инини
Иссиқ сувни қуйди эринмай,
Ҳаммасига ҳеч раҳм қилмай,
Қочиб қолганларини эса
Бўладими уриб ўлдирса?!.
Бундан бизлар бўлдик дарғазаб.
Лекин гапга кирмади ғаззоб.
Улар тинчин янада бузди,
Чумолилар тарқаб тўзиди,
Отасига учрадик, айтдик,
Уни бошлаб, шу ерга қайтдик.
Шокир ака бўлдилар хафа
Ва дедилар унга шу дафъа:
— Чумолининг фойдаси мўл-кўл
Унга асло кўтармагин қўл
Табиатнинг бир мавжудоти,
Кушандаси бад ҳашоратни,
Дарахтлардан қидирар, юрар.
Зарарлисин топдими қирар.
Гул ва мева уруғларини,
Ҳар томонга ташиб барини,
«Жажжи боғбонлик» ҳам қилади
Вазифасин пухта билади.
У ҳеч кимга етказмас озор,
Энди тушунгандирсан, Бозор?
У индолмай турди сукутда.
Юз-кўзларин аланга тутди.
Туриб-туриб берди чин ваъда:
— Хўп, тегмайман, ишонинг, дада!

Узрли сабаб

— Отанг ҳақида иншо
Езиб келдингми, Холмат?
— Езолмадим.
— Нимага?
Бўлмаса сабабин айт!
— Икки ҳафтадан бери
Уйда йўқлар дадам.
«Чортоқ» деган курортда
Оляптилар дам...

Ханда

Бир бола иккинчисига деди:
— Кеча йиқилиб кетган эдим, 20 тийин топиб олдим.
— Менга ҳам ўша жойни кўрсат.
— Нима қиласан?
— Мен ҳам йиқилиб кўраман.

Ўроқжон ҚИЛИЧЕВ

Тез айтишлар

Самад саман отда, саёҳат қилди.
Сами самолётда саёҳат қилди.

Гулноз қоғоздан ғоз ясади,
Қоғоз ғоздан хўроз ясади.

Тоғай тоғанинг тўмтоқ тўқмоғи
Тоғ томондаги тўқайда қолган.

Гулноза ФАЕЗОВА

Чумоли

Ҳар кун ҳавотирда,
Яшар чумоли.
Билмайди эртага,
Не кечар ҳоли
Меҳнат-ла топилар,
Бир бурда нони.
Оёқнинг остида,
Қолмаса жони...

Абдусамат ЮНУСОВ

Қизиқ ўйин

Ботир, Нодир ва Башар,
Бекинмачоқ ўйнашар.
Учаласи уч ерга,
Яшириниб олади.
Уларни топадиган,
Айтинг-чи, ким қолади?

Ориф ТЎХТАШЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунёси

Акбар боксёр

Зўр боксёрлигин Акбар,
Даъво қилиб ҳар сафар.
Учратганни ушларди,
Ҳеч гуноҳсиз муштларди.
Дерди: — Боксёр-да, аканг,
Тегсанг, ҳолинг бўлар танг.
Зўрларга қилиб ҳавас,
Унутилди, ҳатто дарс.
Кунда синмайди кўза,
Кунида синади, дер.
Ўтган дарсни айтолмай
Акбар чизиб қолди ер.

Комиссия келганда

— Дада, бугун боғчада
Ўйинчоқлар ўйнадик.
Боғча опам бош бўлиб
Қўшиқлар ҳам куйладик.
Шашка суриш баҳсида,
Ғолиб келди Мирфозил.
Унинг ақли, зеҳнига
Ҳаммамиз қолдик қойил.
— Шундайми, ўғлим, ҳар кун?
Бахтларинг хўб кулган-да!
— Ўйнадик фақат бугун,
Комиссия келганда.

Баҳодир ЎРИНОВ,
Пастдарғом районидаги 13-мактаб ўқитувчиси.

Дадамга ўхшасам

Маҳмуд кулол
Дейишади,
Асомнинг дадасини
— Сиздек бўлсам,
Дейди Асом
Ачомлаб дадасини.

Иш буюринг,
Турибман шай.
Дада, сиздек
Ҳалол яшай!

Мўйдин МАТКАРИМОВ

Иккичи Абдукарим

— Қайга кетди
Абдукарим?
Соат бўлди
Етти ярим.
Мактабига
Бормасмикин?
Аъло баҳо
Олмасмикин?
— Ойи акам
Тургани йўқ.
Туринг десам
Урдилар дўқ.
Мактабига
Бормаскан у
Кеча «икки».
Олганкан-ку!..

«Сотиб олди»

Алишержон
Ейман дея
Кўп чакки.
Ойисидан
Еб қолди-я
Хўп дакки.
Тўкиб қўйди
Чунки бор
Чаккини.
Шу сабабли
«Сотиб» олди
Даккини.

Рўзимурод БОЛҚИЕВ

Собит ҒАФУРОВ

Алломанинг бувиси

Аллома мактабдан қайтиб келса, уйига саксон ёшли бувиси келган экан. У аввал кекса бувисига салом бериб кўришди-да, кейин хурсанд қилмоқчи бўлиб:

— Бувижон, бугун Сизнинг меҳмон бўлиб келишингизга мен мактабдан «тўрт» олиб келдим,— деб айтди.

— Вой, меҳрибон қизалоғимдан ўзим айланай, тортинг ёмон бўлиб қолмасдан уни холодильникка солиб қўяқол, кечқурун ейиз, — деди бувиси.

Аллома кекса бувисининг нотўғри тушунгани учун хафа бўлмади. Масхаралаб кулмади. Кечга яқин ойиси фабрикадан келгач, унга бувиси билан бўлган воқеани айтиб берди. Ойиси жилмайиб:

— Жуда яхши қилибсан, энди сен мана бу пулга магазиндан бир қути торт олиб кел, бувинг кўрмасин, ҳали чойга олиб чиқасан,— деб буюрди.

Бувиси Алломанинг тортини мақтаб еди, «мактабдан олиб келган тортинг ширин экан» деб дуо қилди.

Бу тортни у тоғасига, холасига ва бошқа набираларига қайта-қайта айтади. Кекса бувининг одати шунақа эканлигини Аллома яхши билади.

Пўлат МЎМИН

Хонагулим — онагулим

эртак

Қўлимга олсам қалам,
Хаёлим кезар олам.
Ижодхонам-чи жим-жит,
Қалам ёзарди қит-қит.
Хонамда бир туп гул бор,
Қишин-ёзин беғубор.
Хонамда кўклам фаслин —
Сақлаб яшайди асли.
Таъриф қилсам бир бошдан,
Иигирма ёшдан —
Ошган.
Юмшатаман тагларин,
Тозалайман баргларин.
Чанқаса сув қуяман,
Яқинимдай суяман.
Япроқлар қилиб ҳузур,
Офтобдан эмишар нур.
Гули қирмизи-алвон,
Кўрганлар қолар ҳайрон.
Бир кун ўйлардим узоқ,
Атрофга солсам қулоқ,
Илғолмасдим, шу асно
Гапиргандай бир ошно —
Туюлди қулоғимга,
Қарадим ҳарёғимга...
— Қилмагин кўп
Таажжуб,
Сенинг хонагулингман,
Сўзлашайлик кўнгилдан.
Бу гапдан сўнг, албатта,
Яна боқдим ҳайратда.
Мен қарасам,
Чиндан ҳам
Япроқлар қимирларди,
Сўзларди,
шивирларди:
— Топилганда қулайлик,
Кел, суҳбатда бўлайлик,
Гулларнинг ҳам жони бор,
бирталай имкони бор,
Ҳаттоки бор юраги,
Юрагида тилаги...

Гулнинг гапини англаб,
Ўзимни олдим ўнглаб.
— Хўш, гулгинам, қалайсан,
— Сен туфайли мен борман,
Очиғи, миннатдорман.
— Ундай бўлса жуда соз,
Мен ҳам қўйганман ихлос
— Сени қилмоқ парвариш,
Менга энг муқаддас иш.
Онамдай сени эъзоз —
Этишимга бор асос.
Сени кўрганим замон,
Онам бўлар намоён.
Гоҳо сув берганимда
Меҳр жўшиб танимда
Баргларингни силайман,
Онамдайин сийлайман.
Хонагул бўлиб мамнун,
Дер: — гапингда бор мазмун.
Ҳурматинг учун раҳмат.
Чекмагил асло заҳмат.
— Нега дединг, «онагул»
Маъноси борми ул-бул.
— Қулоқ сол, она гулим,
Очайин сенга кўнглим,
Онам вафоти кунлар,
Қалбимда қайғу-унлар...
Кўчаларда кезардим,
Онажоним эслардим.
Сени ўстирган эканг,
Эҳтимол муҳтож экан,
Сени менга сотганди,
Олгандим бўлиб танти.
Шу-шу, хонам тўрида,
Сени онам ўрнида
Ҳамон парваришлайман,
Енгинангда ишлайман.
Қалбим шуни буюрар,
Онажоним нафаси
Урилгандай туюлар,
Гўё овози-саси
қулоғимга қуюлар.
«Омонмисан, эй ўғлим»,
Сўраб турғандай кўнглим.
Онажоним эслайман,
Изларини излайман.
Олдин билмас эканман,
Мисоли маст эканман.
Эҳ, етмабман қадрига,
Жон бўлмабман қалбига.
Соғинаман,
Енаман...
Онажоним ҳаётда
Эдилар ўта содда.
Айтиб ўтайин мисол,
Гап тагига қулоқ сол.
Ўтган бу гап илгари —
Қимматчилик йиллари...
Бозор бориб бир куни
Кўрай деб уни-буни
Юрсалар-чи, бир даллол —
Учраб қолибди дарҳол.
— Онажон нима керак? —
Бўлибди олазарак,
Мана қаранг, ип шолча,
Гиламдан зўр шу ҳолча.
Эгаси жуда муҳтож,
Болалари уйда оч,
Раҳмингиз келсин, она, —
Деб бўлибди парвона.
Найрангга етмай фаҳми,
Олибдилар қимматга.
Соддалик қилиб пича,
Бу ишни ўзларича —
— Нега олдингиз ахир?
Бизга керак эмас-ку,
Титилиб ётибди у...
Десак хўрсиниб оғир:
— Бечора муҳтож экан,
Болалари оч экан,
Олувдим раҳмим келиб,
Раҳмат деди эгилиб... —
Дея маъқуллардилар,
Қўшилиб кулардилар.
Уйга кеч келсам оқшом,
Ойижоним беором —
Йўлларимга кўз тикиб,
Ўтирардилар доим.
«Болада она кўнгли» —
Деган гап экан тўғри
Бир куни нима бўлиб,
Қаердадир йиқилиб —
Етар эдим ўрнимда.
Ойимлар аллакимдан —
Сал хабар топибдилар.
Мен томон чопибдилар.
Бетоб бўлиб кўп йиллаб,
Қолгандилар мункиллаб.
Нах учинчи қаватга,
Киргандай куч-ғайратга
Ўзларини унутиб,
Зина ёғочин тутиб,
Дам олмай чиқибдилар,
Шошиб чақирибдилар,
Мени кўриб соппа-соғ
Диллари бўлганди чоғ.
Ҳаёт вақтида онам,
Кўп бўларди баҳонам,
Етолмадим қадрига,
Нур бўлмадим қалбига.
Онам мени ўйларди,
Мен бепарво ўйнардим...
Кечган турли ҳодиса,
Бўларкин нима деса?
Бу онанинг меҳридир,
Бу оналик муҳридир.
Хонагул маъқулларди,
Тарқалгандай дил дарди.
— Майли сен билан бирга
Бўлайин бир умрга. —
Гулларда ҳам бор орзу,
Яшашга интилар у.
Ўссам ва унсам дейди,
Яшнаб кўринсам дейди.
Баъзан ўғил-қизимга,
Бу-гул-чи менинг онам,
Дея сени атасам,
Севинишар сўзимга.
Яшайвер хонагулим,
Яшайвер онагулим.
Онамдай бокирасан,
Онамдан хотирасан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНИҚ ФАНЛАР

Қадрли журналхонлар! Кўпларингиз мактабни тугатгач, техникум, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришни орзу қилаётганлигингизни редакцияга юборган хатларингизда айтгансиз. Шуни ҳисобга олиб, «Аниқ фанлар академияси» саҳифаларида «Абитуриент — 89» рубрикаси ташкил қилинди. Унда дастлаб, математика бўйича олдинги йиллардаги кириш имтиҳонларининг саволлари ва тўғри жавоб бериш усуллари ўргатилиб борилади.

МАТЕМАТИКАДАН ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ

1988 йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг қабул қоидаларига талайгина янгилик ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Тошкент Давлат университетида математикадан қабул имтиҳонларининг қисман бўлсада, мазмуни ва шакли ўзгарди. Бир қатор факультетларда математикадан қабул имтиҳонлари яна асосий имтиҳонлардан бири бўлиб қолди ва қобилиятли фан иштиёқмандларини танлашда муҳим роль ўйнади.

1988 йили ТошДУ факультетларида математикадан қабул имтиҳонлари асосан ёзма тарзда конкурсли қилиб ташкил қилинди. Фақатгина география факультетининг қуруқлик гидрологияси мутахассислиги ва ҳуқуқшунослик факультетида математикадан қабул имтиҳонлари конкурссиз шаклда ўтказилди. Имтиҳонларнинг бу шаклларининг бир-биридан фарқи шундан иборат бўлдики, конкурсли шаклдаги имтиҳонлар натижаси одатдагидек «5» (беш,) «4» (тўрт), «3» (уч) ва «2» (икки) баллар билан баҳоланиб, бу баллар студентлар сафига қабул қилиш конкурси умумий балини ташкил этишда ҳисобга олинган бўлса, конкурссиз шаклда ўтказилган имтиҳонлар «қониқарли» ёки «қониқарсиз» тарзда баҳоланиб, умумий бални ҳосил қилишда ҳисобга олинмади. Математика, амалий математика ва механика факультетларида ёзма имтиҳонлар билан бир қаторда математикадан оғзаки (конкурсли) имтиҳонлар ҳам ўтказилди.

Оғзаки имтиҳон билетлари олий ўқув юртларига кирувчилар учун математикадан 1988 йилги қабул программаси асосида тузилди. Ҳар бир билетга иккита назарий савол ва битта масала киритилди. Назарий саволлар одатда математикадан қабул программасининг «Асосий формулалар ва теоремалар» деб аталмиш II бўлими асосида тузилиб, бири алгебра ва анализ асоси курсидан, иккинчиси геометрия курсидан олинади. Бу саволларга жавоб бераётганда унда кўрсатилган асосий тушунчаларни аниқ таърифлаш ва бу тушунча билан боғлиқ хосса ва теоремаларни тўғри келтириб, қатъий исбот талаб этилади. Ҳар бир айтилган фикр мисоллар асосида тасдиқланса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун абитуриентларга оғзаки имтиҳон саволларига жавоб бераётганда бу кетма-кетликка риоя қилишларини маслаҳат берамиз. Билетнинг масаласини (ёки мисолини) ечиш учун абитуриент программанинг III бўлимида айтилган асосий малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Абитуриент баҳосини аниқроқ белгилаш учун бир қатор қўшимча саволлар ҳам берилиши мумкин. Бу қўшимча саволлар асосий математик тушунчалар ва фактлар, формулалар ва теоремалар, конкрет мисол ва масалаларга доир бўлиши мумкин. Мисол тариқасида оғзаки имтиҳон билетидан намуна келтирамиз:

Билет № 00

1. $y=\cos x$ функциянинг таърифи, хоссалари ва унинг графиги.
2. Тўғри чизиқнинг текисликка параллеллик аломати.
3. Тенгламани ечинг.

$$3^{2x^2-4x}=0{,}1^{5-4x}$$

Шуни айтиб ўтиш керакки, математикадан қабул программаси ўрта мактаб математика программасининг ҳамма бобларини ўз ичига олмайди ва унга ҳар йили қисман ўзгартиришлар киритилиб турилади. Шу сабабдан оғзаки имтиҳонга тайёрланиш вақтининг қисқалигини ҳисобга олган ҳолда, абитуриентларга оғзаки имтиҳонга тайёрланишни математикадан қабул имтиҳоннинг ўша йилги программаси асосида ташкил этишларини таклиф қиламиз. Бу фактдан унумли фойдаланишга ва асосий эътиборни математиканинг қайси бобларига қаратиш кераклигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Программаларни қабул комиссияларининг пештахталаридан топишингиз мумкин.

Энди ёзма имтиҳонлар ҳақида гапирадиган бўлсак, конкурсли ёзма имтиҳонлар вариантлари одатдагидек бешта масаладан тузилган бўлиб, охирги масаласи геометрик масаладан иборат бўлди. Конкурссиз имтиҳонлар вариантлари эса 10 та, конкурсли имтиҳон масалаларига қараганда бир мунча соддароқ ва математиканинг турли бўлимларига доир масалалардан тузилди. Езма имтиҳон пайтида ҳар бир абитуриент алоҳида-алоҳида вариантлар билан таъминланди ва уни ечиш учун 4 соат (240 минут) вақт берилди. Езма ишлар баҳоланаётганда тўғри ишланган 2—3 масала учун «3» (уч), 4 масала учун «4» (тўрт) ва 5 масала учун «5» (беш) баҳо қўйилади. Конкурссиз имтиҳонда эса тўғри ишланган 4—5 ва ундан ортиқ масала учун «қониқарли» баҳо қўйилди. Охирги йилларда қабул қоидалари йилдан-йилга ўзгариб турган бўлсада, ТошДУда математикадан имтиҳонларни ташкил қилиш ва ўтказиш, ёзма ишларни баҳолаш шартларида айтарли ўзгаришлар бўлмади ва кейинги йилларда ҳам бу қонун-қоидалар ўзгармай қолса керак.

Хўш, математикадан ёзма қабул имтиҳонларига тайёрланишда нималарга эътибор бериш керак?

Тошкент Давлат университетида математикадан ўтказилган ёзма имтиҳон натижалари шуни кўрсатдики, университетга келаётган абитуриентларнинг билим савиясида охирги йилларда оз-моз ўсиш кузатилган бўлсада, ҳали ҳам талаб даражасига жавоб бермайди. Абитуриентларнинг мактабдаги математик тайёргарлиги, орттирган асосий малака ва кўникмаларининг бўшлиги ва юзаки эканлиги ва бир қатор объектив шарт-шароитлар бунга сабаб бўлмоқда.

Қабул имтиҳон вариантларини кузатар экансиз, уларнинг мактабда математикадан ўтказиладиган битирув давлат имтиҳон вариантларидан анча-мунча содда эканлигини пайқаш қийин эмас. Лекин шунга қарамасдан икки ой олдин давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган кўпчилик абитуриентларимиз қабул имтиҳонларда таклиф қилинган вариант мисолларини ечишда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўймоқдалар ёки умуман еча олмаяптилар.

Қуйида абитуриентлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг баъзиларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

1. Абитуриентларнинг кўпчилиги содда касрлар устида арифметик амаллар бажаришда қийналишади ёки умуман билмайдилар.

2. Абитуриентларнинг кўпчилиги содда алгебраик алмаштиришлар: қавсни очиқ чиқиш, икки қавс ичидаги ифодаларни кўпайтириш ва ишораларга эътибор бериш, қисқа кўпайтириш формулаларидан фойдаланиш, даражалар устида амаллар бажаришда қўпол хатоларга йўл қўйишади.

3. Ёзма ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, абитуриентлар тенгсизлик ечаётганда унинг ўзига хос томонларини, тенгсизлик хоссаларини ҳисобга олмайдилар, тенгсизлик ечимини ёзишда қийналадилар.

4. Деярли ҳамма тригонометрик тенгламалар охирида Sinx-а, cosx-а, tgx-а кўринишдаги содда тенгламаларга келтирилади. Шунинг учун бу тенгламалар жуда пухта ўрганилиши лозим. Лекин шунга қарамасдан, абитуриентларимиз бу тенгламалар ечимлари формулаларини тушунмасдан ёдлаб олишлари оқибатида, уни тадбиқ қилишда адашадилар ёки умуман бу ҳақда тушунчага эга бўлмайдилар.

5. Абитуриентлар тенглама ёки тенгсизлик ечаётганда, кўпчилик ҳолларда номаълумнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматлар тўплами билан ҳисоблашмайдилар. Натижада нотўғри хулосага келадилар.

6. Қабул имтиҳонлари вариантларининг охирги масаласи геометрик масаладан иборатдир. Бу масалалар абитуриентларнинг мантиқий фикрлашини текшириш учун (айниқса, математика, амалий математика ва механика, физика факультетларда) берилади ва унинг умумий баҳодаги салмоғи бошқа мисолларга қараганда юқорироқ ҳисобланади. Бу масалаларни ечишда абитуриентлардан геометрик фигураларни тасаввур қилишни, ҳар хил ясашларни бажара олишни, масалани ечишда алгебра ва тригонометрияни ва геометрик ҳар хил формулаларни тадбиқ эта билишни тақозо этади.

Абитуриентларнинг фақатгина 15 процентигина геометрия масалаларни ечишга уринган. Кўпчилик ҳолларда абитуриентлар масала шартларига мувофиқ геометрик шаклни ва ясашларни нотўғри бажарадилар, геометрия теоремаларини ва формулаларини масала ечишга тадбиқ қилишда қийналишади.

Юқорида биз абитуриентлар томонидан йўл қўйиладиган типик хатоларнинг баъзи бирлари билан таништирдик. Истардикки, абитуриентлар, ўқувчилар, ўқитувчилар, математика ўқитиш методикаси билан шуғулланувчи мутахассислар бу масалага алоҳида эътибор берсалар. Яна шуни ҳам қайд қилиб ўтмоқчимизки, ёзма иш умумий баҳоси аниқланаётганда, фақатгина тўла ишланган мисол ёки масала ҳисобга олинади. Шунинг учун мисол ечаётиб йўл қўйилган биргина хато бутун натижани ҳам чиппакка чиқариши мумкин.

Қадрли абитуриентлар! Журналнинг бу сонида Тошкент Давлат университети математика қабул имтиҳонларининг шакллари ва мазмуни ҳақида умумий фикрларни айтиш билан чегараландик. Журнал кейинги сонларида университет факультетларида бўлиб ўтган математикадан ёзма имтиҳонларда таклиф қилинган конкрет вариантлар мазмуни, ечилиши ва унинг таҳлили устида тўхталамиз. Бундан ташқари 1988 йили ТошДУга кириш имтиҳонларида абитуриентлар йўл қўйган типик хатолар ҳақида ҳам фикр юритамиз.

Азимбой САЪДУЛЛАЕВ,
Физика-математика фанлари доктори, профессор,
Баҳодир ҲАЙДАРОВ,
Физика-математика фанлари кандидати, катта ўқитувчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКАДЕМИЯСИ

Сиз нима дейсиз?

(Иккинчи мақола)

Эсингиздами, олдинги мақола улуғ олимларнинг ибратли ишлари ҳақидаги мисоллар билан тўхтаган эди. Ростдан ҳам, олимларнинг буюк ишлари ҳақида яна ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, айрим ёшлар олимларнинг бу ютуқлари уларнинг ёшликдан чидам ва матонат билан қилган хизматларининг натижаси эканига шубҳа билдириб, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаса керак, бунинг учун туғма талант бўлиши ёки бу хил хусусиятлар айрим кишиларгагина ёшликдан инъом қилинса керак деб эътироз билдиришлари мумкин, албатта. Бироқ, фаннинг бош мия фаолияти ҳақидаги кейинги йиллар тадқиқотлари бундай эътирозлар асоссиз эканлилигини кўрсатади. Бундай тадқиқотлар, инсон миясида фикрлаш энергияси, таъбир жоиз бўлса, ёхуд образли қилиб айтганда, атом ядросида яширинган энергиядан кам эмаслигини маълум қилди. Таниқли генетик олим, академик Дубинин инсон миясининг имкониятлари ҳақида шундай ёзади:

«Инсон қанчалик гениал бўлмасин, у ўз ҳаёти давомида мияга берилган имкониятларнинг миллиарддан бир қисмидангина фойдаланади». (Эътибор қилинг, миллиарддан бир қисмидангина).

Машҳур математик ва кибернетик олим Джон фон Нейманинг маълум қилишига кўра эса, инсон мияси тахминан 10^{20} (100000000000000000000) бирлик информацияси қайд қилаолади. Бошқача айтганда, у Москвадаги машҳур Ленин номидаги кутубхонанинг миллионлаб томидаги информацияни ўзида қайд қилаоладиган даражадаги уникал табиий қурилмадир. Бундай ҳол ўқувчида шубҳа туғдирмаслиги учун айрим фактларга мурожаат қиламиз.

Машҳур математик Леонард Эйлер сонларни эслашда ажойиб хотираси билан кўпчиликни ҳайрон қолдирган кишилардан эди. Жумладан, у юзгача бўлган сонларнинг олтинчи даражасигача ёддан билган. Академик А. Ф. Иоффе эса логарифмлар жадвалидан хотираси орқалигина фойдаланган. Улуғ рус шахматчиси А. А. Алёхин 30—40 шахмат тахтасида рақиблари билан ўйнаётганда, тахтага ортиқча қарамаган. Шахмат тахталаридаги ўз ва рақибларининг юришларини бирваракайига эсда сақлашдан ташқари, ҳар бир рақиб тахтасида яна бир неча юришнинг ҳисоб-китобини олдиндан олаолган.

Рус актёри А. А. Остужев қулоғи оғир бўлиб эшитмай қолгандан кейин ҳам ўз роли ва рақибларининг ролларини ёддан билгани ҳолда, умрининг охиригача саҳнадан тушмаган.

Айниқса кўр бўлиб қолган ҳайкалтарош Лина Понинг фаолияти, инсон хотирасининг ҳайратга соларли қудратининг ёрқин намойиш этади. Машҳур ҳайкалтарош кўзи бутунлай ожиз бўлиб қолгандан кейин ҳам, соғлигида кўрган образларни хотирасида тиклаб, уларнинг «икки томчи сувдек ўхшаш» образларини ҳайкалларида ярата олган. Машҳур композитор Вольфганг Моцарт эса бир марта эшитган мураккаб пьесасини қайта эслаб қайд қила олган.

Мана сизга инсон ақл-заковатининг қудрати. Фақат бундай қудратга ишониб, унинг «ортидан қувган» кишиларгина ҳаётда кўп нарсаларга эришишлари мумкин. Бошқача айтганда, ақл ва идрок энг кучга тўлган, қизиқувчанлик ўз кульминациясига эришган ёшлик даврида вақтнинг қадрига етиш инсоннинг порлоқ келажагини белгилай олади.

Киши ҳар томонлама ўсиши, камол топиши учун ёшлигиданоқ ўз ҳаётини, эришаётган ютуқларини анализ қилишга, ўз-ўзини назорат қилишга ўрганиши, ўзига нисбатан кўнгилчанликка эрк бермай, талабчан бўлиши лозимлиги кўп донолар томонидан тарихда қайд қилинган. Хусусан машҳур Лев Толстой шундай ёзади: «Ҳар доим хаёлимда бир нарса мени таъқиб қилади: керагидек яшаяпманми? Ўзимни ўзим текшираман...» 49 ёшли Стендал эса: «Мен қандай одамман? Менда соғлом фикрлар борми? Агар бўлса улар етарлича чуқурми? Кишиларга меҳрибонманми ёки қаҳрли, ақллиманми ёки нодон?.. Мен ўзимни ҳеч ҳам билмайман. Баъзан тунлари уйқум қочиб бу ҳақда ўйлаганимда, қаттиқ изтиробда қоламан...»

Шу тахлит киши ўз-ўзидан кўнгли тўлмай туриб, ўз билими, ақлу-идрокини такомиллаштиришга интилаолмайди. Кўпчилик ёшларнинг, айрим студентларнинг билим даражаларининг саёзлиги, умумий савияларининг пастлиги ва анчайин масалаларда нодонликларига қарамай, башанг юришлари, ўз-ўзларидан мамнунликларини кўриб афсус ейсан киши. Кап-катта бўлиб қолишганда ҳам маънавий бойлигини орттириш, ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлиш ёхуд спорт билан шуғулланиш яъни ўз ҳаётига мазмун киритиш ўрнига кино, телевизорга елимлангандек ёпишиб олган, магнитофондан кўча-куйда ҳам ажралаолмайдиган ёшларни кўрганда ҳам уларнинг ҳаётдаги тутган мавқеи пассив эканини ҳис этасан. Шунда «Ҳаёт фақат кино, ашула, ўйин-кулгилардан иборат эмаску ахир, унинг пасти-баланди-ю, ўнқир-чўнқирларини, меҳнату изтиробини ўрганишни ва ўзида синаб кўришни қачон режалаштирар экан бу ёшлар, деган ўй беихтиёр хаёлингдан ўтади. Аксарият ҳолда ўқишлари ўлда-жўлда, ҳаётий образлари енгил-елпи бундай ёшларни учратганда, уларни тўхтатиб: «Жамият, отаонанг сени бир умр боқишни бўйнига оломайдику ахир, куч-кувватга тўлибсан, энди «қарзлардан қутилиш ҳақида ўйлайдиган вақт етмадимикан?» — деб уни сўроққа тутгинг келади.

Сиз-чи, сиз бу ҳақда нима дейсиз, азиз дўстлар?

Маматмуса МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

III тур жавоблари

ХИМИЯ:

1. Содир бўладиган реакция тенгламаларини умумий кўринишда ёзамиз:
$2X + O_2 = 2XO$ ва $4У + 3O_2 = 2У_2O_3$ ёки

$$\frac{4}{3}y + O_2 = \frac{2}{3}y_2O_3$$

Бу тенгламалар учун қуйидаги нисбатлар ўринлидир:

$$\frac{m_x}{m_y} = \frac{2Ar(X)}{4/3Ar(y)} = \frac{3Ar(X)}{2Ar(y)}$$

Бу тенгликдаги A_r (У) ўрнига
1,125A_r (X) ни қўйсак $m_x : m_y = 3:2,25 = 1,33:1$ келиб чиқади.

2 ва 3 валентли металлар орасида бундай массалар нисбати магний ва алюминийга тўғри келади.

2. Бу масалани ҳал этиш учун берилган эритмани икки тенг қисмга бўлиб, улардан биринчисини парлатиб қуритиш керак ва қуруқ қолдиқ (KCL ва Na CL аралашмаси) нинг массаси («а» грамм)ни аниқлаб оламиз. Эритманинг иккинчи қисмига мўл миқдорда кумуш нитрат эритмасидан қуйиб кумуш хлорид чўкмасини ажратиб олинади ва қуруқ модданинг массаси аниқланади («б» грамм бўлсин).

Бошланғич аралашмадаги KCL миқдорини X моль, NaCL никини эса У моль деб белгилаймиз. У вақтда $a = 74,5X + 58,5У$ бўлади.

Эритманинг иккинчи қисми билан ўтказилган тажриба тенгламаси
$KCL + AgNO_3 = KNO_3 + AgCL$
асосида KCL ҳисобига ҳосил бўлган чўкма миқдорини m моль, NaCL ҳисобига ҳосил бўлган Ag CL миқдорини n моль десак, X=m ва У=n деган хулосага келамиз. Демак, $б = 143,5(X + У)$ бўлади. Тажрибада аниқланган «а» ва «б» қийматларини топилган тенгламаларга қўйиб X ва У ни ҳисоблаш қийин эмас. Эритманинг биринчи қисми билан олиб борилган ишлар натижасида олинган $У = a/58,5 — 1,27X$ ни эритманинг иккинчи қисми билан ўтказилган тажриба асосида олинган тенгламага қўйсак охирги тенглама $X = 6,32 \cdot 10^{2}a — 2,58 \cdot 10^{2}б$ олинади.

3. Масала шартига жавоб берадиган ҳоллар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) Оксидланиш даражалари турли бўлган металлар тузлари орасида бўладиган реакциялар
$3MnSO_4 + 2KMnO_4 + 2H_2O = K_2SO_4 + H_2SO_4 + 5MnO_2\downarrow$
ёки $K_2FeO_4 + 3FeSO_4 + 8H_2O = 2KHSO_4 + H_2SO_4 + 4Fe(OH)_3\downarrow$

б) Тузларнинг бирида металл катион, иккинчисида эса анион ҳолида бўлса, ёки гидроксидлари амфотер хоссага эга бўлган металларнинг ўрта тузлари билан гидроксид тузлари орасида борадиган реакциялар:
$Cr_2(SO_4)_3 + 2K_3CrO_3 + 6H_2O = 3K_2SO_4 + 4Cr(OH)_3\downarrow$
$ZnCL_2 + K_2[Zn(OH)_4] = 2KCL + 2Zn(OH)_2\downarrow$

Шундай металл ионлари қаторига Be^{2+}, Sn^{2+}, AL^{3+}, $Pв^{2+}$, Bi^{3+} ва бошқалар киради. Бундай ҳолларда металлнинг оксидланиш даражаси ўзгармай қолади.

в) Валент ҳолатлари турлича, лекин оксидланиш даражаси ўзгармай қоладиган ҳолатлар:
$4FeSL_3 + 3K_4[Fe(CN)_6] = 12KCL + Fe_4[Fe(CN)_6]_6\downarrow$
$3FeSL_2 + 2K_3[Fe(CN)_6] = 6KCL + Fe_3[Fe(CN)_6]_2\downarrow$
Турнбуль кўки

г) Тузлар турли кислота қолдиқлари иштирокида ҳосил бўлган:
$mg(HCO_3)_2 + MgCL_2 = 2CO_2 + 2Mg(OH)CL\downarrow$

4. Таркиби $CH_3-\underset{\underset{CH_3}{|}}{CH}-CH_2-CH_3$ бўлган изопентан таркибида 9-та бирламчи (3 та CH_3—группада), 2 та иккиламчи (—CH_2 — да) ва 1 та учламчи С—Н боғи мавжуд. Шунинг учун бирламчи, иккиламчи ва учламчи монобромизопентанлар миқдорларининг нисбатлари мос равишда 9x1:2x32:1x1600 ёки 9:64:1600 нисбатларида бўлади. Моль процентлари эса 0,54:3,82:95,64 каби бўлади.

5. Берилган газлар аралашмасидаги ацетиленни ажратиб олиш учун бу модданинг симоб (II) сульфат иштирокида гидратланиш реакцияси (Кучеров реакцияси)дан фойдаланиш мумкин:

$$H-C\equiv C-H + H_2O \xrightarrow{HgSO_4} CH_3-C\overset{O}{\underset{H}{=}}$$
АЦЕТАЛЬГЕДИД

Ацетиленни ажратиб олиш мақсадида унинг мис(I) хлорид ёки кумуш нитрат билан ҳосил қиладиган ацетиленидлар ҳосил бўлиш реакциясидан фойдаланиш мумкин.

а) кумуш оксиднинг аммиакдаги эритмаси билан:
$C_2H_2 + 2[Ag(NH_3)_2]OH \rightarrow C^2Ag_2 + 2H_2O + 4NH_5$

б) Мис(I) хлориднинг аммиакдаги эритмаси билан:
$C_2H_2 + 2[Cu(NH_3)_2]CL \rightarrow C_2Ag_2 + 2NH_4CL + 2NH_3$

Ацетиленидлар сувда эримайди ва кислоталар таъсирида ацетилен осон ажралиб чиқади:
$C_2Me_2 + 2HCL \rightarrow C_2H_2 + 2MeCL$

Қолган газлар аралашмасидан этиленни ажратиб олиш учун газлар аралашмасини бромли сув орқали ўтказилганда дибромэтан ҳосил бўлади:
$C_2H_4 + Br_2 = C_2H_4Br_2$

Этан бу реакцияда қатнашмасдан эркин ҳолда қолади. Дибромэтандан этиленни олиш учун унинг спиртдаги эритмасини руҳ қипиғи билан қайнатилса эркин этилен ажралиб чиқади:
$C_2H_4Br_2 + Zn = ZnBr_2 + C_2H_4$

Бу реакцияни А. М. Бутлеров ўрганган ва 1877 йилда А. П. Сабанеев томонидан такомиллаштирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЛАБЛАРГА БИНОАН



«Салом, «Еш куч»! Биз, бутун бир синф ўқувчилари хушовоз хонанда Рустам Ғойибовнинг мухлисимиз. Унинг қўшиқларини шаҳримизнинг ҳар бир хонадонида эшитиш мумкин, лекин хонанданинг ўзи, ижодий орзу-ниятларини билмаймиз. Истагимиз — шу хонанда ҳақида журналда ҳикоя қилсаларинг деб

Жиззах область Ульянов шаҳри 56-мактаб ўқувчилари».

Чиндан ҳам чимкентлик хонанда Рустам Ғойибовнинг ширали ва жарангдор овозига, нозик дид билан басталанган қўшиқ мусиқасига маҳлиё бўлган кўп. «Ҳақиқат», «Даврага туш», «Муҳаббат», «Ўзбегим йигитлари», «Юлдузлар...» хонанда репертуаридаги қирқдан ортиқ ўйноқи, қувноқ қўшиқлар ёшлар тилига, дилига тушганлиги рост.

Ғойибов ижодига бағишланган мақола беришимизни Фарғона область Олтиариқ шаҳридан 33-ҳунар-техника билим юртининг талабалари, тожикистонлик муштарийлар Д. Тоштемирова, Ҳ. Каримова ҳам илтимос қилганлар. Журналхонларимиз талабини инобатга олган ҳолда штатсиз мухбиримиз хонанда билан учрашиб, гурунглашиб қайтди.

— Ҳар бир хонанданинг санъатга кириб келиш йўли бор. Сизда бу истак қачон пайдо бўлган?

— Болалигимда халқ достонлари, ривоят ва эртакларини берилиб эшитар эдим. Уларда халқимизнинг энг тоза умидлари баён қилинади, қора кучлар доимо енгилади. Дунёқарашимнинг шаклланишида дастлаб ўша эртакларнинг таъсири катта бўлган. «Тоҳир ва Зуҳра», «Ойсулув», «Алпомиш»ларни такрор-такрор эшитганман. Айниқса, «Тоҳир ва Зуҳра»ни деярли ёд олган эдим. Баҳринисо аммам уни айтишдан, мен тинглашдан чарчамасдим. Бу эртакнинг ўзига хос ҳалқона мусиқаси мени сеҳрларди. Мана, эшитинг-а, Тоҳирнинг Қоработирга айтгани:

Қирғий чумчуқ олмасми-ё,
Илиб ерга солмасми-ё?
Бурун севган Зўрамни-ё, худоё,
Энди севсам бўлмасми-ё?..

— Аммангиз буларни ашула қилиб айтармидилар?

— Йўқ, шеърни паст товушда қўшиқдек хиргойи қилар эдилар. Эшитаётганимда менда нималарнидир куйлаш иштиёқи туғиларди. Отамга «Рубоб олиб беринг», деганимда дастлаб эътибор қилмадилар. Бари бир мен қўймадим. Етти ёшимдан бошлаб қўлимга рубоб олиб, чалишни ўргана бошладим. Вақт ўтиб, катта санъатга иштиёқ мени Тошкент маданий-оқартув техникумига етаклади. 1981 йилда техникумнинг халқ чолғу ансамбллари бўлимини тугатдим. Ўз билимлари билан қониққан санъаткор ижоддан тўхтайди. Санъатга оид китоблар, газета ва журналларни ўқишдан тинмайман. Магнит лентасига устозларнинг қўшиқлари, музика асарларини ёзиб, ёқимли товушлар ҳамда садолар сирини ўрганишга ҳаракат қиламан.

— Кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Ботир Зокиров, Неъматжон Қулабдуллаев... Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, ўзига хос бир мактаб. Ўзига хослик эса хонанда учун ниҳоятда муҳимдир. У шундагина ўз ўрнини топа олади. Ижодимга кучли таъсир қилган замонавий қўшиқчилардан Шерали Жўраевни ўзимга маънавий устоз деб биламан.

— Нима учун айнан эстрада жанрини танлагансиз?

— Халқимиз санъатни жуда севади, қадрлайди. Эстрада хонандалари учун халқ қўшиқлари, термалар, лапарлар битмас-туганмас хазина бўлиб хизмат қилиши керак деб ўйлайдиганлар тоифасиданман. Ёшларимизнинг маълум қисмида эстрада қўшиқларига қизиқув кучлилиги сир эмас. Менда ана шу ёшларимизнинг эҳтиёжини озми-кўпми қондириш иштиёқи туғилди, шу йўлда изланяпман.

— Репертуарингиздан қониқасизми?

— Менимча, ўзини мустақил деб билган хонанда шахсий репертуаридан ҳеч қачон тўлиқ қониқмаса керак. Мухлисларини ҳурмат қилган санъаткор репертуарини бойитиб бориши шарт. Аммо шу нарсани унутмаслик керакки, қўшиқларнинг сонига эмас, сифатига кўпроқ эътибор бериш даркор.

— Айни кунларда қандай қўшиқлар устида ишлаяпсиз?

— Бир қатор замонавий, шўх, кўтаринки қўшиқлар деярли шаклланиб қолди. Уларни кўпчиликка манзур қилмоқ — бирдан бир орзуим. Қувончли ҳол, қайта қуриш шарофати билан Усмон Носир, Чўлпон каби забардаст ижодкорларимиз адабиётда ўз ўрнини эгаллай бошлади. Чўлпоннинг бир неча шеърларини қўшиққа айлантириш устида ҳам ишлаяпман. Мана бу мисраларни тинглаб кўринг-а:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.
Эрк эртакларин эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман...

Озодликка ташна инсон номидан бундан кучлироқ, таъсирлироқ гап айтиш қийин. Шунингдек бу дардни замонамиз ёшларига аниқ етказа оладиган оҳанг топиш керак...

— Санъатни адабиётсиз, адабиётни санъатсиз тасаввур қилиш мушкул. Сиз замонавий ва классик адабиётимиздан кимларнинг асарларини севиб ўқийсиз?

— Навоийдан икки мисра ўқиб, бир ой ўйланиб юриш мумкин. Бир ойдан кейин яша ўша мисраларни ўқисангиз бошқа бир янгилик кашф этасиз... Замонавийларга келсак, мен асосан ўткир фалсафага, ҳақиқатга суяниб, одамларни инсонийликка чақирган шоирларни яхши кўраман.

— Орзуларингиз?

— Орзуларим кўп. Шулардан бири — ўзбек эстрадаси фақат Иттифоқимизда эмас, чет мамлакатларда ҳам машҳур бўлганини кўриш. Ҳозирги ўзбек эстрадаси Ботир Зокиров даврида шуҳратидан бир мунча пастлаб қолди. Бунинг сабабини Ғарб эстрадасига кўр-кўрона эргашишда деб ўйлайман. Натижада, миллийликдан узоқ, мазмунининг тайини йўқ, бақириқ-чақириқларга тўла «қўшиқ»лар юзага келяпти.

Шунингдек, эстрада хонандаларимизнинг кўпи ўзбек тилини яхши билмайди, халқ оғзаки ижодига, маҳаллий музика асбобларига қизиқмайди. Ахир, европача музика асбоблари билан бирга миллий чолғу асбобларидан ҳам ўринли фойдаланиш, классикамизга, оғзаки ижодимизга яқинлик «Ялла» ансамблини жаҳонга танитди-ку!

Яна бир нарса — шеърга, сўзга эътибор етишмайди. Ҳатто айрим номдор хонандаларимиз репертуарида ҳам музика ва ижроси чакки бўлмаган, аммо сўзлари бачкана, фикрсиз қўшиқлар кўп учрайди.

Бу — эстрадамиз тараққиётига, айниқса ёшлар ижодига салбий таъсир ўтказмоқда. Ўзимдан мисол келтирсам, мен ҳам шуларга эргашиб, «Бир кун чиқсам осмонга», «Сенга бир қўшиқ айтаман» каби енгил-елпи ашулаларни яқин-яқингача ҳам куйлаб юрардим.

— Мухлисларингизга қандай тилакларингиз бор?

— Энг аввало, юртимиз тинч, элимиз ўн карра фаровон бўлсин. Ҳар бир хонадондан очиқ кайфият аримасин. Ҳозирги ошкоралик ва демократия даврида кишиларимиз зиммасида масъулият янада кўпайди. Матбуот яқин ўтмишда рўй берган экологик, хўжалик, маданият ва бошқа соҳаларда йўл қўйилган катта-катта хатолар тўғрисида бонг уряпти. Масалан, «Оқшом тўлқинлари» радиоэшиттиришида берилган маълумотни тинглаб, ҳаяжонга тушдим. Ўн минг тарихий обидамиз ўзбошимчалик билан йўқ қилиб юборилган экан. Еки Орол масаласи... Ҳа, бепарволик, бугунимизни ўйлаш орқасидан кўп нарсани бой берибмиз...

Қўшиқ мухлисларига яна бир тилагим, чинакам халқпарвар, ватанпарвар инсонлар бўлишсин.

Баҳром ОБИДЖОНОВ суҳбат қурди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЁШ КУЧ
МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадиий безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 4 (34) апрель, 1989.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор:
Худойберди ТЎХТАБОЕВ

Редколлегия:
Шоҳрух АКБАРОВ
(масъул секретарь)
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Бадиий редактор: Султон СУЛАЙМОНОВ
Техредактор: Улуғбек ЯКВАЛХЎЖАЕВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП. «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:
78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» — 4, апрель, 1989.

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Теришга берилди 8.02.89 й. Босишга рухсат этилди 29.03.89 й. Р-11661. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/8. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 330000 нусха. Буюртма 235. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени-ли босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар баҳор ҳам шу бўлур такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.
Қанча тиришсам ҳам у беор,
Йиллар мени алдаб кетади...

Р. ЯРУЛЛИН фотоэтюди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўткир Ҳошимов,

Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати.

Асарлари:

«Чўл ҳавоси», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Икки карра икки—беш».

...Шундай асар ёзсангки, уни ўқиган китобхон ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонларининг хаёли билан яшаса, ўқиб бўлган кечаси ухлай олмай тўлғониб чиқса...

Ў. Ҳошимов

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75242

www.ziyouz.com kutubxonasi